

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03.04.06.2020. Ped.113.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК 37.026:004:81'243

ПОЗИЛОВ АБДУШОХИД АБДУВОИТОВИЧ

**ВИРТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАРДА
ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

(хорижий тилни нофилологик таълим йўналишларида ўқитиш мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:
педагогика фанлари доктори, Б.Х.Рахимов**

ЖИЗЗАХ-2022

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. ВИРТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАРДА ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	16
1.1. Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш оид илмий манбалар таҳлили.....	16
1.2. Виртуал технологиялар талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш воситаси сифатида.....	28
1.3. Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришнинг мавжуд ҳолати	48
1-боб бўйича хулосалар	55
II БОБ. ВИРТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАРДА ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	57
2.1. Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари.....	57
2.2. Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришга доир тамойил ва ёндашувлар.....	63
2.3. Нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг виртуал таълим ёрдамида инглиз тилида лингвистик компетентлигини шакллантириш модели.....	74
II боб бўйича хулосалар	96
III БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ	100
3.1. Тадқиқот иши бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари мазмуни	100
3.2. Педагогик тажриба-синов ишлари натижалари ва унинг таҳлили	114
III боб бўйича хулосалар.....	128
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	130
Фойдаланилган адабиётлар	135
Иловалар	152

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Европа олий таълим муассасалари сифатининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Болонья декларацияси дунё замонавий таълими тизими мазмунида, таълим сифатини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Юқорида келтирилган таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда инглиз тилини ўргатишда CEFR (Common European Framework of Reference for Language) малака талаблари асосида давлатимиз олий таълим мазмуни ва сифатини халқаро даражага кўтариш, таълим мазмунига инновацияларни татбиқ этиш, виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда [1].

Республикаимизда замонавий таълим сифатини оширишда ёшларга инглиз тилини ўргатиш тизимини халқаро малака талаблар асосида ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим соҳасида ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларга асосланган ҳолда миллий таълим-тарбия тизими яратилмоқда. Мазкур тизим мазмунида эса виртуал технологиялар ёрдамида ёшларда лингвистик компетентликни шакллантиришга оид ёндашувларни жадаллаштириш зарурати муҳим аҳамият касб этади[11].

Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида келтирилишича «гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудлардаги барча умумтаълим мактабларига хорижий тилларни ўзлаштирган, юқори малакали профессионал педагог кадрларни етказиб бериш»[6] каби вазифалар белгиланиб, бу борада бугунги кунда талабаларда

ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, виртуал технологиялар ёрдамида талабаларнинг лингвистик тайёргарлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда[52].

Бутун дунё миқёсида барча соҳалар билан бир қаторда таълим соҳасида ҳам технологик, иқтисодий ва маънавий, ижтимоий интеграллашув жараёни жадал кечаётган бир пайтда халқаро малака талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мазмуни ва илмий-методик базасини мустаҳкамлаш, инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда [13]. Шу қаторда, талабаларда хорижий тилни тилини ўқитишда виртуал технологиялар асосида лингвистик компетентлигини ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади [52].

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг илғор тажрибаларни таълим жараёнига татбиқ этиш, таълим сифати ва самарадорлигига эришишда дунёдаги ривожланган мамлакатлар илғор тажрибаларининг мақбул мазмуни, механизмлари, инновацион шакл ва методлари ҳамда воситаларини миллий таълим тизимига мос ҳолда амалиётда қўллаш орқали ўзига хос ва ўзига мос равишда ривожланиб бормоқда [15].

Бу таълим тенденциясининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни 2020 йил 23 сентябр, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 18 августдаги 343-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги №ПҚ-5117 сонли «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги №312 сонли «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ўз аксини топган бўлиб, уларда қўйилган талабларга биноан олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанларнинг мазмунини халқаро

тажрибалар асосида такомиллаштириш орқали дунё меҳнат бозорида рақобатбардош ўқитувчилар тайёрлаш талаб этилади [10,9,2,16,4].

Хозирги даврда давлатимиз миқёсида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида хорижий тилларни ўргатишда, замонавий педагогик ва рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида ўқитишнинг инновацион методларини жорий қилиш орқали хорижий тилларда эркин мулоқот қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди[14]. «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш; олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустақам интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда»[5].

Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларини ўқитишнинг асосий мақсади жадал ривожланаётган ижтимоий ҳаётда кундалик, мавжуд соҳаларда жаҳон миқёсида мустақил фаолият олиб боришлари учун замин яратилади .

Таълим сифати ва самарадорлигига эришиш ҳар қандай давлатда миллий таълим тизимининг бош мақсади бўлиб, жаҳон миқёсида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнини буюртмачи корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларига мос равишда ташкил этиш каби вазифаларни ҳал этишни назарда тутди. Бунинг негизида эса чет тилларини чуқур эгаллашга доир қуйидаги муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган таълим тизимини шакллантирилиш зарур бўлади[6] :

- дунё таълим тизимларининг интеграциялашувига эришиш;
- профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг таълим бериш ва таълим олиш борасидаги эркин мобилизациясига эришиш;

- нофилологик таълим йўналишлари талабалари учун глобал виртуал таълим мухитини такомиллаштириш;

- нофилологик таълим йўналишлари талабалари учун хорижий тилни ўрганиш учун мақбул ягона қоида ва талаблар тизимини такомиллаштириш;

- халқаро стандартларга мос лингвистик билим, кўникма ва малака талабларини, уларни баҳолаш тизимларининг яқдиллигига эришиш;

- фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;

- нофилологик таълим йўналишларида хорижий тилни ўқитишда анъанавий таълим усуллари ўрнига замонавий, виртуал технологиялардан кенг фойдаланган холда онлайн, масофавий таълим олиш шакллари мазмунини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг президентининг 2017 йил 13 февралдаги ПФ 4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли қарори, 2021 йил 19 майдаги №ПҚ-5117 сонли «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сонли «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги №312 сонли «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади [7,8,16,3,4].

Хуллас, замонавий таълимни ташкил этиш шароитида талабаларнинг лингвистик компетенциясини шакллантириш масаласи долзарб илмий тадқиқот муаммоси бўлиб, унинг илмий-назарий асосларини ҳар томонлама ўрганиб, қиёсий, илмий таҳлил қилиш, тегишли илмий хулоса ва тавсиялар асосида илгари сурилган илмий-назарий ғояларни амалиётга татбиқ этиш

замонавий кадрларни инновацион технологиялар асосида тайёрлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Инсоннинг хорижий тилларда нутқ, мулоқот, муносабат маданиятини шакллантириш масаласи инсон жамияти тараққиётининг барча босқичларида мутафаккирлар ҳамда файласуф, тарихчи, психолог ва педагог олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Буни, биринчи навбатда, шарқ алломалари томонидан яратилган илмий-ахлоқий асарларда кўриш мумкин.

Қомусий олимлар – Абу Наср Форобий [58], Абу Райҳон Беруний [59], Мирзо Улуғбек [135], Абдулла Авлоний [60] ва бошқаларнинг баркамол инсоннинг нутқ маданияти ва инсонлар билан ўзаро мулоқотга киришиш тарбиясида илм-фаннинг ўрни ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Ўзбекистон олимларидан мазкур тадқиқот муаммосининг айрим жиҳатлари юзасидан А. Абдуазизов[56], Л.Т. Аҳмедова[64], Г. Бакиева[67], У.Ш. Бегимкулов[69], Ж.Жалолов[89], Г.Маҳкамова[107], О.Х.Тўракулов[127] А.Т. Нурманов[111], З.К. Исмоилова[93], Б. Рахимов[118], К.Ж. Рискулова[120], У.У. Жуманазаров[90], Ж.А. Ҳамидов[130], Ш.С. Шарипов[137], Н.А. Муслимов[43], Т. Саттаров[120], М.Б. Уразова[129], Ф.Р. Юзликаев[140] каби педагог олимлар томонидан тадқиқ этилган

МДХ олимларидан Р.С. Арефьев[62], Н.И. Аршинова[63], С.А. Баландин[68], Т.И. Густомясова[81], Н.А. Беленюк[70], В.И. Беликов[71], Н.Ж. Дагбаева[36], С.Р. Дортман[84], В.И. Захарова[37],

Л.Ф. Зуева[92], И.А. Зимняя[91], Е.С. Нечаева[110], Л.П. Павлова[112], А.В.Хуторский[54], О.Ю. Пестрецова[48], Е.С. Полат[113], М.Е. Вайндорф [76], А.С. Зими́на[27], М.В. Селиверсто́ва[124], О.И. Халупо[130], Е.И. Шеваршинова[55], А.Д. Швейцер[138] ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Хориж олимларидан Т. Баркер[143], М.Байрм[144], Бедрул Хан [25], А.Г. Бермус[29], Л.Бордкош [18], Жарон Ланиер[149], Пол Драйвер[22], Ж.М. Дукрот[24], Р. Файзи [26], Я.Ю. Ленс[42], Ф. Манженот[150], И. Мусаельян [151], И.В. Роберт [121], Д. Хаймс[148], Н. Хомский[145] каби олимлар томонидан мазкур муаммога оид илмий изланишлар олиб борилган. Бўлажак ўқитувчиларнинг лингвистик компетентлигини шакллантириш муаммоси бўйича соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, ривожланаётган замонавий таълим технологиялари талаблари асосида халқаро таълим стандартларига мос равишда айнан нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг лингвистик компетентлигини шакллантириш тизимини такомиллаштириш масаласи етарлича тадқиқ этилмаган.

Ўтказилган илмий изланиш ва тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, таълим жараёнини ташкил этишнинг ташкилий ва педагогик жиҳатлари, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг педагогик муаммолари, У.Ш. Бегимқулов [69], Р.Х. Жўраев [83], А.Т. Нурманов [111], Ж.Ф. Йўлдошев [95], З.К. Исмоилова [93], Б. Рахимов [118], К.Ж. Рискулова [120], У.У. Жуманазаров [90], Ж.А. Ҳамидов [133], Ш.С. Шарипов [137], Н.А. Муслимов [43], М.Б. Урабова [129], Ф.Р. Юзликаев [140] томонидан тадқиқ этилган.

Методист олимлардан А. Абдуазизов [56], Л.Т. Аҳмедова [64], Г. Бакиева [67], Ж. Жалолов [89], Г. Маҳкамова [107], Т. Саттаров [123], У.Х. Хошимов [136], Д. Хошимова [134] кабилар томонидан муаммонинг дидактик жиҳатлари ўрганилган.

Чет тили ўқитувчилари компетентлигининг яхлит-мазмунли, ижтимоий-маданий, ўқув-билиш, ахборот олиш, коммуникатив, ижтимоий-фаолиятли ва амалий фаолиятли; концептуал, инструментал, қадриятли-этник, интегратив, контекстуал, мослашувчанлик жиҳатларни МДХ олимлари Р.С. Арефьев [62], Н.И. Аршинова [63], С.А. Баландин [68], Т.И. Густомясова [81], И.А. Зимняя [91], А.В.Хуторский [54], О.Ю. Пестрецова [48], Е.С. Полат [113], М.В. Селиверстова [124], О.И. Халупо [130], Е.И. Шеваршинова [55] ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Лингвистик компетенцияни шакллантиришнинг баъзи жиҳатлари Н.А. Беленюк [70], В.И. Беликов [71], Н.Ж. Дагбаева [36], С.Р. Дортман [84], В.И. Захарова [37], Л.Ф. Зуева [92], Е.С. Нечаева [110], Л.П. Павлова [112], А.Д. Швейцер [138] ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Психолог олимлардан А.А. Бодалев [74], Ж.М.Блиева[73], Ю.Н. Емельянов [88], томонидан муаммонинг психологик жиҳатлари ўрганилган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг лингвистик компетентлигини шакллантириш муаммоси бўйича турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, глобаллашув шароити талаблари асосида халқаро таълим стандартларига мос равишда айнан нофилологик таълим йўналишлари, жумладан бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларининг лингвистик компетентлигини шакллантириш тизимини такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган[35].

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №71-07 «Олий таълим муассасаларида маънавий-касбий баркамол шахсни шакллантиришнинг педагогик технологиялари» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади виртуал технологиялар ёрдамида нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришнинг дидактик воситаси сифатида виртуал технологиялардан фойдалана олиш даражалари ва уларни танлаш мезонларини аниқлаш;

нофилологик таълим йўналишлари талабаларида «Инглиз тили» фани бўйича лингвистик компетентликни шакллантиришда виртуал технологиялардан фойдаланишнинг самарали механизмини «Инглиз тили оламига биринчи қадам» (The first step into the world of English), «Ақли чархловчи ўйинлар» (Brain teasers) каби виртуал дидактик ўйинлар типологиясини моделлаштириш орқали такомиллаштириш [45];

меҳнат бозори талабаларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил таълим жараёнида нофилологик таълим йўналиши талабаларида инглиз тили фани бўйича лингвистик компетентликни ўйин-топшириқларнинг методик таъминоти тил аспекти ва нутқ фаолияти интеграциясини киритиш, виртуал технологиялар ҳамда визуал органайзерлар орқали такомиллаштириш ва амалиётда жорий этиш[49];

виртуал технологиялар ёрдамида нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонлари ва сифат кўрсаткичларини ҳамда тажриба-синов жараёнида амалга татбиқ этиш асосида тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш .

Тадқиқотнинг объекти виртуал технологиялар ёрдамида нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантириш жараёни бўлиб, мазкур жараёнда ГулДУ, ТерДУ ва Нукус ДПИ «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши» 2,3,4-босқич талабаларидан 720 нафари тажриба синов ишларига жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети виртуал технологиялар ёрдамида нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантириш жараёни мазмуни тизими, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида сиёсий-фалсафий, тарихий, тилшунослик, педагогик, психологик, инглиз тили методикасига оид илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш; таҳлил қилиш; педагогик кузатув; социометрик (суҳбат, анкета, тест, интервью); тажриба-синов; мониторинг; шкалалаш; математик-статистик таҳлил; натижаларни умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: виртуал технологиялардан фойдалана олиш даражалари (юқори, ўрта, қуйи) ва уларни танлаш мезонлари нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантириш орқали аниқланган;

нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришда виртуал технологиялардан фойдаланишнинг «Инглиз тили оламига биринчи қадам» (The first step into the world of English), «Ақлни чархловчи ўйинлар» (Brain teasers) каби виртуал дидактик ўйинлар типологиясини моделлаштириш орқали такомиллаштирилган[46] ;

виртуал технологиялар ёрдамида нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришга йўналтирилган виртуал ўйин-топшириқларнинг методик таъминоти ҳамда визуал органайзерлар орқали такомиллаштирилган;

нофилологик таълим йўналишлари бакалаврлари учун мультимедиали электрон таълим воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини (касбий лойиҳалаш ва фаолиятни амалга ошириш) виртуал таълим муҳитида баҳолаш мезонлари (когнитив, фаолиятли ва компетентлилик) ва сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ҳамда касбий фаолият мониторинги асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Талабаларнинг лингвистик компетентлик даражасини оширишга хизмат қиладиган «Талабаларнинг лингвистик компетенциясини шакллантириш» андозаси ҳамда сифат шкаласи дастури яратилган;

Эришилган амалий натижалардан 2020 йилда ўқув режага танлов фан сифатида киритилган 2020 йилда ўқув режага танлов фан сифатида киритилган «Чет тилларини ўқитишда АКТ», «Таржимада АКТ» ўқув модулларининг намунавий фан ва ишчи ўқув дастурлари ҳамда ўқув-методик мажмуалари яратишида фойдаланилди;

ОТМ бакалавр йўналиши талабалари учун «Инглиз тилини ўрганишда ахборот коммуникация технологияларнинг қўлланилиши» номли услубий қўлланма чоп этилган (Гулистон давлат университети ЎМКнинг 2021 йил 2-сонли баённомаси);

ОТМ бакалавр йўналиши талабалари учун «Инглиз тилини ўргатувчи электрон ўқув-услубий қўлланма» яратилди (Гулистон давлат университети ЎМКнинг 2021 йил 3-сонли баённомаси);

«ОТМ бошқарув кадрлари ва профессор ўқитувчиларини хорижий тилларга мақсадли ўқитиш», «Чет тилларини ўқитишда АКТ» йўналишларидаги ўқув курсларининг ўқув модуллари таркиби такомиллаштирилган;

нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг инглиз тилида мулоқотга киришиш бўйича ўз имкониятларини баҳоловчи виртуал тренинг машғулотлардан унумли фойдаланиш, талабаларда тил кўникмаларини (гапириш, ўқиш, ёзиш, эшитиш) шакллантириш мақсадида «Let's speak English», «Let's watch and analyse movie», «Teaching English with Utube», «Comments on social networks», «Learning English with virtual reality» мавзуларида маҳорат дарслари ташкил этилди [38].

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда асослаб берилган назарий ғояларга ёндашувларнинг асосли манбалардан олинганлиги, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг

математик-статистик жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган дидактик материаллар, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, уларнинг натижаси сифат ва самарадорлиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар талабаларнинг лингвистик компетенциясини шакллантириш, нофилологик таълим йўналиши талабаларида «Хорижий тил» фани бўйича лингвистик кўникмаларни халқаро илғор тажрибалар асосида назарий жиҳатдан бойитишда қўлланилди.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ундаги илмий хулоса ва тавсиялар ОТМда нофилологик таълим йўналишлари талабаларига инглиз тилини ўқитишга доир Давлат таълим стандартларига киритилиши; ОТМ талабалари учун «Инглиз тилини ўқитишда АКТ», «Виртуал технологиялар асосида бўлажак ўқитувчиларининг лингвистик компетентлигини шакллантириш» модели яратилди ва амалиётга жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нофилологик таълим йўналиши талабаларида виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентлигини шакллантиришга доир тадқиқот натижалари:

Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетенцияни шакллантиришга қаратилган инновацион педагогик технологияларга доир таклифлардан 2020-2027-сонли Arkansas Spring International Language Center «English language capacity building project» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Низомий номидаги ТДПУнинг 2021 йил 23-декабрдаги 02-07-4188-04-сон маълумотномаси). Натижада, виртуал технологиялар асосида тил ўрганиш истагида бўлган талабалар учун интенсив курслар фаолиятини самарали ташкил этиш, чет тилларда турли кўрик-танловлар ўтказиш орқали уларнинг лингвистикага оид қизиқишларини ошириш имконияти кенгайди.

«Талабаларни тайёрлашда чет тилларини ўрганиш тамойилларига мувофиқ лингвистик компетенцияларини шакллантиришга оид тавсиялар»

махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш тизимини ислоҳ этиш» мавзусидаги «EnSpire-U» лойиҳани бажаришда фойдаланилди.

Талабалар ва ўқитувчиларнинг фанга оид лингвистик компетенцияларини ривожлантиришга ва таълим мазмунини такомиллаштиришга эришилган.

Ўзбекистон миллий университети таъсислигида ташкил этилган «Истиқбол» тадқиқот маркази нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан бажарилаётган 04-сонли «Олий таълим тизимида ногиронлиги бор талабалар учун «тўсиқсиз муҳитни шакллантириш методикасини яратиш» мавзусидаги ижтимоий буюртма лойиҳасида диссертация натижаларидан фойдаланилган (Низомий номидаги ТДПУнинг 2021 йил 23 декабрдаги 02-07-4188-04-сон маълумотномаси).

Жумладан лойиҳа доирасида тадқиқотнинг инглиз тилини ўргатишдаги ижтимоий коммуникатив жараёни фаоллаштириш асосида ва «компетентлик» «виртуал технологиялар» каби тушунчаларининг мазмун ва моҳияти илмий-педагогик жиҳатдан асосланган ҳамда «Талабаларда лингвистик компетенцияси» типологияси аниқланганлигига оид хулосалар талабаларнинг мустақил таълим жараёнида лингвистик компетентликни шакллантиришда, мавжуд дастурлар ва қўлланмаларининг такомиллашувига хизмат қилди[50].

Бошланғич таълим йўналиши талабаларнинг инглиз тилидаги лингвистик компетенциясини ривожлантиришнинг аутентик материаллардан фойдаланиш шартлари аниқланган хулоса ва таклифлардан «EnSPIRE-U», яъни махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш тизимини ислоҳ этиш лойиҳаси асосида (2017-2019) «Бошланғич таълим» бакалаврият таълим йўналишлари учун ўқув ишчи дастурларини яратишда фойдаланилган (Низомий номидаги ТДПУнинг 2021 йил 23 декабрдаги 02-07-4188-04-сон маълумотномаси).

Нофилологик таълим йўналиши бакалаврлари учун мультимедиали электрон таълим воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини (касбий

лойихалаш ва фаолиятни амалга ошириш) виртуал таълим муҳитида баҳолаш мезонлари (когнитив, фаолоиятли ва компетентлилик) ва сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқилган, ҳамда касбий фаолият мониторинги асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар А-1-197 рақамли «Инглиз тили ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув услубий модулларидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Низомий номидаги ТДПУнинг 2021 йил 23 декабрдаги 02-07-4188-04-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 11 та республика анжуманларида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 дан ортиқ илмий-услубий иш, жумладан 2 та монография, 1 та ўқув-услубий - қўлланма, 1 та электрон –услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола (3 та республика ва 3 та хорижий журналда), Scopus базасидаги журналда 1 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 134 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

1-БОБ. ВИРТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАРДА ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришга оид илмий манбалар таҳлили

Ёшларни хорижий тилларда нутқ, мулоқот маданиятини шакллантириш муаммоси ўтмишда шарқ мутафаккирларининг асарларида ҳам кенг ёритилган бўлиб, бу борада мухтарам президентимиз Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга йўллаган мурожаатномасида хорижий тилларни замон талабларидан келиб чиқиб чуқур ўрганиш ва ўқитишга замонавий ёндашиш масаласига чуқур эътибор қаратиш каби вазифалар белгиланган [12].

Бу борада Форобий «Бахт саодатга эришув тўғрисида» асарида хорижий тилларни ўрганиш тартиби ҳақида фикр юритар экан, хорижий тилни ўрганиш инсон тафаккурини кенгайтиради дея таъкидлайди [58].

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний барча иллатларнинг асосий сабаби илмсизликда, деб билади. Илмларни эгаллашда хорижий тилни ўрни нихоятда катта эканлиги таъкидлаб ўтган [59].

Абу Али ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезонларидан бири ўз тили билан биргаликда ўзга тилни ўрганиш, деб хисоблайди. Чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб, табиат қонунларини очиб, авлодларга етказиш керак. Бу борада ўзга тилни ўрганиш ўзига хос ахамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтган [135].

Мирзо Улуғбек бошчилик қилган расадхона кутубхонаси кўплаб илмий асарлар, жаҳондаги машҳур кишиларнинг асарлари билан тўлдирилган ва у ерда сақланаётган китоблар сони 150 мингдан ортиқ бўлган. [135].

А. Авлоний хорижий тилларни ўрганиш ҳақида фикр юритар экан: «Тил – миллат руҳини юксалтирувчи буюк кучдир» деб таъкидлайди [60].

Буюк Шарқ мутафаккирларининг фикрлардан келиб чиқиб, шуни айтиш жоизки, ёшларни хорижий тилни ўрганишга чорлаш шарқ мутафаккирлари асарлари мазмунининг етакчи ғояларидан бири ҳисобланган.

Ҳозирги кунда ҳам шарқ алломаларининг фикр мулоҳазаларига, ғояларига таянган ҳолда ахборот ва глобал ахборотлаштириш жамият тараққиётининг энг муҳим омилларидан бири эканлиги бугунги кун давр талаби ҳисобланади.

Таълим соҳасида давлат ислохотлари, фанни тараққий этишида, жумладан, инглиз тилини ўрганишга бўлган талабнинг кескин ўсиб бориши нофилологик таълим йўналишлари талабаларнинг лингвистик компетенциясини такомиллаштириш тизимини амалиётга фаол татбиқ этишни талаб этади. Бунинг учун эса дунё илм-фанида ўқитувчи компетенцияси, лингвистик компетенцияни шакллантириш тизимини такомиллаштириш бўйича педагог, лингвист ва методист олимлар томонидан илгари сурилган илғор назарий қарашларни илмий ўрганмоқ зарур. Илмий изланишлар шундан далолат берадики мазкур муаммо юзасидан халқаро миқёсда эътироф этилган қатор илмий марказлар ва олий таълим муассасалари тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар[35].

Жумладан, Мамлакатимиз педагог олимлари А. Абдуқодиров [57], У.Ш. Бегимқулов [69], Р.Ҳ. Жўраев [83], Ш.С. Шарипов [137], Н.А. Муслимов [43], А.Т. Нурманов [111], Ж.А. Ҳамидов [133], З.К. Исмоилова [93], К.Ж. Рискулова [120], У.У. Жуманазаров [90], М.Б. Уразова [129] ларнинг тадқиқот ишларида ҳам олий таълим муассасаларида мазкур тадқиқот муаммоларининг айрим жиҳатлари ўз ечимини топган.

Н.А. Муслимовнинг фикрига кўра ўқитувчи компетенцияси **таянч ва махсус педагогик компетенциялардан иборатдир. Таянч компетенция**— олий таълим тизимида фаолият олиб борувчи барча ўқитувчиларга хос бўлиб, **махсус компетенция** – ихтисослик фани бўйича таълим берувчи ҳамда таълим олувчининг таълим жараёнида эга бўлган билим, кўникма ва малакалари мажмуидан иборатдир. Компетентликларни икки турга ажратиш

мумкин: 1) ўқув фани ёки таълим йўналиши билан бевосита боғлиқ бўлган компетентликлар – ихтисосликка оид махсус компетентликлар; 2) барча таълим йўналишлари бўйича ҳам муҳим ҳисобланадиган компетентликлар – умумий компетентликлар [43].

М.Б. Уразова бўлажак мутахассисни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишларида бўлажак ўқитувчи лингвистик компетенциясида лойиҳалаштириш фаолиятининг дидактик шарт-шароитларини аниқлайди [129].

Педагог олим Б.Рахимов ўз тадқиқот ишида ўқитувчи ва талабанинг ўзаро муносабатга кириша олиш қобилиятлари кўрсаткичи ўнта бир-бири билан боғлиқ бўлган энг муҳим сифатларда умумлашади, жумладан, Б.Рахимов нотиклик, мулоқот маданиятига амал қила олиш, чет тилини яхши билиш кабиларни муҳим сифатлар қаторига киритади ҳамда ўсиб бориш динамикасини таъминловчи омиллар қаторига таълимни инновацион технологиялар асосида ноанъанавий ташкил қилишни киритади.

Унинг фикрича, замонавий ўқитувчида юқорида қайд этилган сифат ва омиллар муҳим аҳамият касб этади. [119].

В.Х Назаровнинг фикрича «...аудиовизуал материаллар асосида чет тилида нутқий компетенцияларни ривожлантириш талабаларнинг нутқий компетенциясини шакллантиришнинг самарали жиҳатлари тўғрисида ўз тадқиқотларида мазкур муаммо юзасидан изланишлар олиб бораётган олимларининг фикридан келиб чиққан ҳолда қуйидаги фикрларини баён этамиз: видео материаллар сўзловчидан тўғридан-тўғри (оғизнинг ҳаракатланиши, лабларнинг кенгайиб-торайиши, мимика, пантомимикалар орқали) артикуляция жиҳатидан муҳим маълумотларни аудиовизуал қабул қилишга имконият туғдиради. Бу эса тингловчининг нафақат хорижий тилни пухта ўрганишига ёрдам беради, балки билим доирасини ҳам кенгайтиради, қабул қилинаётган ахборотни таҳлил, синтез қилиш орқали ижодий эркин фикрлаш доирасини ривожлантиради. Ушбу жараён талабанинг чет тилидаги нутқий компетенцияси, ижодий эркин мулоқот кўникмасини янада

ривожлантиради. Мустақил ўрганиш кўникмасини шакллантиришга, интерфаолликка имконият яратади» [44].

У.У. Жуманазаров ўз тадқиқотида «компетенциялар инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклланиб ҳамда ривожланиб боради ва уларни фаолият тури ёки фан тармоғи бўйича чегаралаб бўлмайди. Ҳар қандай компетенциянинг шаклланишига маълум бир вақт давомида тўпланган билим ва малакалар замин яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда, компетенцияларнинг шаклланишида шахсий фазилатлар билан бир қаторда, ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакалар асосий роль ўйнайди» деган илмий фикрларини билдирган [90].

Шунингдек, ўқитувчи компетенциясини шакллантириш ва такомиллаштириш муаммоси нафақат педагог олимлар томонидан илмий ўрганилган балки лингвист, методист олимлар томонидан унинг турли жиҳатлари тадқиқ этилган.

Компетенция масласи ва унинг турли хусусиятлари МДХ мамлакатлари олимларининг илмий изланишлари мавзуси бўлиб келмоқда [35]. Жумладан, педагог олимлар Ю.К. Бабанский [65], М.Н. Скаткин [125], В.А. Сластенин [126] ўз тадқиқотларида узлуксиз таълим тизими мазмуни назарияси ва концептуал асосларини тадқиқ этганлар. М.М. Поташник [116], С.Г. Молчанов лар [108] эса таълим тизими менежменти назарияси ҳақидаги педагогик ғояларни илгари сурганлар. В.А. Кан-Калик [97], А.В. Мудрик [109], В.И. Байденко [66], И.А. Зимняя [91], С.А. Баландин [68] ва бошқаларнинг фикрларига кўра бўлажак ўқитувчини касбга тайёрлаш, «самарадорликка эга ўқитувчи» технологияси ва унинг мазмунига умумдидактик ёндашувлар тавсия этилади.

А.В. Хуторской ўз навбатида «компетенция» ва «компетентлик» тушунчаларини бир-биридан ажратди.

«Компетенция» атамаси инглиз адабиётидан «компетентлик» тушунчаси билан биргаликда кириб келди ва илмий ҳамжамиятда кенг қўлланилади. «Компетенция» ва «компетентлик» тушунчалари «билим», «кўникма»,

«қобилият» тушунчаларидан анча кенгрок ҳисобланади, зеро улар ўз ичига мотивацион, ахлоқий, ижтимоий ва хулқий жиҳатларни олади[54].

«Компетенция» атамаси билим, кўникма, қобилият, чет тилини билиш деган маънони англатади. Баъзи олимлар компетенция ва компетентликни бир хил деб биладилар, баъзилари уларни бир-биридан ажратадилар. Бир қатор олимлар компетенцияни (ўз она тилини билиш) ва компетентликни (тилни қўллаш, тилни реал ишлатиш) тил-нутқ дихотомияси сифатида кўришади[54].

Олимларнинг катта гуруҳи, шу жумладан Дж. Равен, И.А. Зимняя, А.В. Хуторской [117,91,54] бу тушунчаларни бир-биридан фарқлайди. А.В. Хуторской компетенцияни ҳар қандай соҳада фойдаланиш учун зарур бўлган фазилатлар тўплами, дея таърифлайди. А.В. Хуторскойнинг фикрича, компетенция – бу ўлчов, билимни ўзлаштиришдан аввал талаба олдида кўйиладиган талаб, компетентлик эса – талабанинг шаклланган шахсий фазилати ва унинг минимал иш тажрибаси экан.

Олимнинг фикрича, компетентлик шахс томонидан тегишли компетенцияни эгаллаш бўлиб, унга бўлган муносабатни ҳам ўз ичига олади.

«Компетенция» тушунчаси «ўз ишини билувчи, лаёқатли, уста» деган маънони англатади. Компетентлик, контекстга кўра, «ўз ишини билиш» деган маънони англатади. Буни мақсадга интилувчан, тўғри, мос келувчи, деб тушуниш керак.

Инсоннинг компетентлиги маълум бир соҳада билимларнинг мавжудлиги, ўз билимлари ва ўрнатилган ваколатлари доирасида бирор ишни бажариш ёки маълум бир масалани еча олиш қобилияти, ғояларни ҳосил қилиш ва ифодалаш қобилиятини англатади [145]. Бу атама педагогик тизимни қуришдаги асосий ўзак, унинг асосий маъноси, назарий билимлар манбаи, педагогик лойиҳалаш турларидан бири ҳисобланади. Компетенциянинг мавжудлиги билим ва кўникмалардан фойдалана билиш, амалий тажриба асосида кенг доирадаги муайян муаммоларни ечишда

муваффақият қозониш билан ифодаланади. Агар компетенциянинг изоҳини тегишли манбаларга таянган ҳолда кўриб чиқсак, унда компетенция:

- ўз ишини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган қобилият ва шахс фазилатлари мажмуи, уларни хулқ-атвор терминологиясида тавсифлаш;
- инсон ҳаракатларининг натижадорлигини ички нуқтаи-назардан белгилайдиган шарт-шароитлар бўлган муайян характер ва қобилиятлар;
- фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва хулқ-атвор шаклидан иборат бўлган шахслараро характеристика. Шунда малакали мутахассисни тайёрлашга қараб, тегишли соҳада юқори сифатли ва самарали фаолият учун зарур деб ҳисобланган ижтимоий меъёр илгари сурилади.

Шу билан бирга, компетенция тушунчаси касбий фаолиятни амалга оширишни таъминловчи фазилатлар мажмуини англатади. «Компетентлик» тушунчаси инсоннинг амалий фаолиятга қобилияти сифатида, «компетенция» эса билим, кўникма ва малакалар шаклида ушбу қобилиятнинг мазмундор компоненти сифатида намоён бўлади.

А.В. Хуторской «компетенцияни муайян фан ва жараёнларга нисбатан белгиланган ўзаро боғлиқ шахс фазилатлари мажмуи сифатида» белгилайди[126].

И.А. Зимняя «компетентлик» тушунчасини бўлажак мутахассиснинг ўз билимига асосланган, интеллектуал ва шахсий шартланган ижтимоий-касбий ҳаёт фаолияти деган фикрни билдиради [91].

Б.И. Канаев компетенция ва компетентлик тушунчаларига қуйидагича таъриф беради: компетенция – бу муайян бир йўналишда изланиши лозим бўлган лаёқат, компетентлик – эса бу маълум йўналишда эришилган натижадир [96].

Педагогик тадқиқотларда компетентлик таълим самарадорлиги ҳисобланиб, у талабаларнинг билим, кўникма малакани эгаллашидан иборатлиги келтириб ўтилган[102].

Компетентлик – ижтимоий ва профессионал жиҳатдан муҳим

вазифаларни ҳал қилиш учун асосдир. Сўнгги ўн йилликларда чет тилини фан сифатида ўқитиш методологиясида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Европа мамлакатлари ва баъзи МДҲ мамлакатларида (Россия, Қозоғистон, Белоруссия) шу жумладан мамлакатимизда ҳам компетентликка йўналтирилган ёндашувга асосланган хорижий тилларни ўрганиш дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бундай ёндашувлар чет тили ўрганувчисининг лингвистик компетентлигини шакллантиришга ҳам қаратилган. Кўриб чиқилаётган масалага бағишланган бир қатор тадқиқотларни таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, чет тили лингвистик компетентлиги нофилологик таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, бўлажак мутахассиснинг турли ижтимоий вазиятларда иккиламчи тил сифатида ҳаракат қилиш қобилияти ва маданиятлараро мулоқотни амалга оширишга тайёрлиги сифатида белгиланган[40]. Инглиз тилидаги лингвистик компетенциянинг таркибий қисмларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар, унинг кўплаб таркибий хусусиятларини кўрсатди. Шу тариқа, тил материали (фонетика, лексика, грамматика) бўйича билим ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмалар инглиз тилидаги лингвистик компетенция таркибига киради[49].

Ю.Ковалеванинг грамматик структурани шакллантириш, мазмунли ибораларни тузиш учун сўз ва грамматик қоидаларни билмасдан, вербал мулоқотни ривожлантиришнинг имкони йўқ. Ҳозирги даврда ёш мутахассис (ОТМ битирувчиси) олдига қўйилган замон талаби (қўшимча равишда) чет тилини ўрганиш бўлиб, кўплаб талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш учун узоқ йиллар талаб этилади. Хорижий тилларни ўрганиш муҳитининг йўқлиги эса кўпинча тил ўрганиш ёки хорижий тил ўрганиш маданияти даражасини оширишга ёрдам бермайди[99].

Шу муносабат билан олий таълим тизими олдида хорижий тилларни инновацион технологияларнинг таркиби ҳисобланган виртуал технологиялар талабларига мувофиқ билиш соҳасидаги компетентлик даражасини ошириш

вазифаси турибди. Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида М.Я. Виленскийнинг «Олий таълимда касбга йўналтирилган таълим технологиялари» кўлланмасига мурожаат қилайлик, унда олий таълим тизимига оид иккита устувор вазифа ёритилган. Биринчиси, таълим технологияларини такомиллаштириш орқали кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш; иккинчиси, – ОТМ битирувчисининг билим, кўникма ва қобилиятлар мажмуи, шунингдек, касбий фаолият вазифаларини муваффақиятли бажарилишини таъминлаш вазифасини кўяди[77].

Мазкур тадқиқот йўналишига оид хорижий давлатлар олимлари ҳам изланишлар олиб борган бўлиб, жумладан, И.В. Робертнинг фикрига кўра, талабалар томонидан инглиз тилини ўрганилиши жараёнида таълим жараёнини ахборотлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Олимнинг фикрича «ахборотлаштириш – бу глобал ижтимоий жараён» бўлиб, унда замонавий компьютер технологиялари ва ахборот алмашинуви асосида амалга ошириладиган ахборотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва фойдаланиш ижтимоий ишлаб чиқаришда асосий фаолиятга айланади [121].

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ахборот жамияти ривожланишнинг ушбу босқичида хабарларни узатиш тезлигининг ошиши, узатилаётган маълумотларнинг ҳажми ва кўриниши ошиши, уни қайта ишлашнинг тезлашиши, фикр-мулоҳазалардан тўлиқ фойдаланиш (интерактивлик) билан тавсифланади.

Интернет-лойиҳа форматида ўқув гуруҳларини ташкил этишни талаб қиладиган ва ўрганилаётган мавзунинг глобал тармоқнинг турли ресурсларидан фойдаланиб лойиҳалаштириш сценарийсини Йел университети ўзида мужассамлаштирган ўқув инструментларининг янги авлоди, яъни: вебквест (webquests), электрон портфолио (e-portfolio), электрон кундаликлар (blogs), е-подкаст (podcasts) яратди [94]. Шунингдек, Марокашнинг Сусси университети олимлари талабалар ўртасида сўров ўтказишган ҳамда тил ўрганиш учун қайси технологиялардан фойдаланишни афзал кўришларини аниқлашган. Натижалар шуни кўрсатдики, талабалар Facebook ва бошқа

ижтимоий тармоқлардан ҳамда UTube ва Dailymotion сингари видео улашувчи саҳифалардан фойдаланишни мақбул деб билишади. Шу ўринда, талабалар Livemocha ва Busuu каби ижтимоий онлайн ўқитиш контентларига ўз қизиқишларини намоён этмаганларини ҳам таъкидлаш зарур. Бу эса талабалар тилни ўрганиш учун платформалардан фойдаланишни афзал кўришларини кўрсатади[26].

Ж.М. Дукротнинг француз тили аудиторияси учун видео материаллардан фойдаланиш хусусидаги [24], хорижий тилни ўрганиш/ўргатиш жараёнида виртуал технологиялар ресурсларининг аҳамияти ҳақида Ф. Менженот ўз илмий изланишларида[150], шунингдек хорижий тилни ўрганиш ва ўргатишда аудиовизуал материалларнинг нечоғли муҳимлигини хорижий тилини ўқитишда фаолиятга йўналтирилган ёндашув ҳамда виртуал технологиялар ва мультимедиа воситаларини амалиётда қўллаш юзасидан француз олими, М.Катруксинг олиб борган тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган [44,19].

А.Г. Бермус ўз тадқиқотларида умумий компетенциялар рўйхатини шакллантиради ва унинг таркибий қисмларини асосий тўрт компетенцияга бўлади: инструментал, шахслараро, систем ва махсус компетенциялар. Инструментал компетенция когнитив қобилият, ғоя ва фикрларни тушуниш ва қўллай олиш қобилияти, атроф-муҳитни тушуниш ва уни бошқара олиш қобилияти, вақтни тўғри тақсимлаш, таълим стратегияларини тўғри белгилай олиш, муаммоларни еча олиш ва қарорлар қабул қила олиш, технологик уқув, лингвистик кўникма, коммуникатив компетенцияларни ўз ичига олади ва у куйидагиларда намоён бўлади: анализ ва синтез қилиш қобилияти; ташкилий ва режалаштириш қобилияти; таянч умумий билимлар[49]; касби бўйича умумий билимлар; она тилидаги коммуникатив кўникмалар; оддий компьютер кўникмалари; турли манбалардан олинган ахборотларни топиш ва таҳлил қила олиш кўникмалари; муаммоларни ечиш қобилияти; қарорлар қабул қилиш қобилияти [29].

Юқорида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериш учун

профессионал чет тилини биладиган малака талабларига эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

«Компетенция» атамаси (аниқроғи, лингвистиканинг тушунчага доир аппаратига қайтарилди) Н. Хомский (Массачусетс университети) томонидан 1822 йилда тил ва маданиятни биргаликда ўрганиш зарурияти ғоясини илгари сурган В.фон Гумбольдтни қўллаб-қувватлаган тарзда таклиф этган.

Н. Хомский илк бор лингвистик компетенцияни (linguistic competence) алоҳида тушунча сифатида ажратиб олди ва уни генератив (трансформацион) грамматика муаммоларини ўрганиш билан боғлиқ тил назариясига нисбатан қўллади. Дастлаб, «компетенция» атамаси ўз она тилида тил фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган қобилиятни белгилаб олди [145.]

Н. Хомский таъкидлаганидек, «... биз компетенциялар ўртасидаги асосий фарқ (ўз она тилини билиш, гапириш/тинглаш) ва фойдаланишни (муайян вазиятларда тилини реал қўллаш) тушунамиз. Фақат идеаллашган ҳолатда қўллаш компетенцияни бевосита акс эттиради.» Ҳозирги вақтда «компетенция» ва «компетентлик» атамалари аниқлик беришда бир хил фикр мавжуд эмаслиги сабабли, келинг, ушбу масала бўйича турли нуқтаи назарларни кўриб чиқайлик. Тилшуносликда тегишли компетенциялар тез-тез эслатиб турилади, психологлар эса кўпроқ компетентлик атамасини қўллашади.

Хоржий тил коммуникатив компетенцияси талқинларининг ноаниқлигига кўриб чиқиладиган категориянинг кўп аспектлилиги сабаб бўлиши мумкин. Ушбу атамани таржима қилишнинг хусусиятлари: маҳаллий илмий кўринишда инглизча «communicative competence» тушунчаси «коммуникатив компетенция» ва «коммуникатив компетентлик» деб белгиланади[145].

Атама таржимасининг чексизлиги кўплаб таърифларнинг пайдо бўлишига олиб келади:

- коммуникатив мукамаллик,
- нутқ ва социолингвистик компетентлик,

- оғзаки коммуникатив компетентлик,
- коммуникатив қобилиятлар,
- коммуникатив саводхонлик,
- коммуникатив кўникма ва бошқалар.

Тадқиқотимизнинг мақсади олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг тил (лингвистик) компетентлигини шакллантиришдан иборат.

Лингвистик компетентликнинг асл моҳияти кўплаб илмий нашрларда баён этилган. Д. Хаймс лингвистик компетентликни тил қоидаларини билиш, луғат ва грамматик қоидаларни билиш, фақат чет тилида ўзлаштирилган билимлар асосида баён қилиш имконияти сифатида қарашган ва тилни маълум бир тизим сифатида тушинган [148].

Лингвистик компетенция - коммуникатив компетенциянинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Лингвистик компетенлик талабаларда тилга оид билимларини чуқур эгаллашда хизмат қилади ва қуйидаги лингвистикани таркибий қисмларни талабалар ўзлаштирадилар:

фонетик - ўрганилаётган тилда фонетик кўникмалар, товушлар артикуляциясининг ўзига хос хусусиятлари, интонация [49], урғу ва нейтрал нутқ ритми;

Лексик - касбий мулоқот соҳасига хос лексик кўникмалар; сўз бирикмаларини қўлланиш соҳалари бўйича бир-биридан фарқлаш тушунчаси (маиший, терминологик, умумий илмий, расмий ва бошқ.); эркин ва барқарор сўз бирикмалари, фразеологик бирликлар тушунчаси; сўз ҳосил қилишнинг асосий усуллари тушунчаси;

Грамматик - ёзма ва оғзаки мулоқотда маъно бузилмасдан умумий алоқани таъминловчи грамматик кўникмалар; касбий нутққа хос асосий грамматик ҳодисалар.

Нутқ малакаларини ривожлантириш:

гапириш - норасмий ва расмий мулоқотнинг асосий коммуникатив вазиятларида кенг тарқалган ва нисбатан содда лексик ва грамматик

воситалардан фойдаланган ҳолда нутқ-диалогик ва монологик нутқ; оммавий нутқ асослари (оғзаки мулоқот, ҳисобот);

эшитиш – тинглаш - кундалик ва касбий мулоқот соҳасида диалогик ва монолог нутқни тушуниш;

ўқиш - матн турлари: оддий прагматик матнлар ва мутахассисликнинг кенг ва тор профилидаги матнлар;

ёзиш - хат-нутқ асарлари турлари: абстракт, тезислар, хабарлар, шахсий хат, иш мактуби, таржимаи ҳол каби грамматик кўникмаларни ўз ичига олади[101].

Мазкур муаммонинг баъзи жиҳатлари республикамиз ва МДҲ методист олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилган бўлиб, бўлажак мутахассисларни касбга тайёрлашнинг лингводидактик хусусиятлари очиқ берилган. Жумладан, методист олимлар Т.К. Саттаров, А.В. Малаев , Е.В Розанова. тадқиқотларида чет тилини ўқитиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларни касбга йўналтиришнинг муҳимлигини қуйидагилар билан изоҳлайдилар [123,105,122]:

– талабаларни назарий ва амалий тайёргарлигидаги узилиш осон бартараф қилинади:

– лингвистик-педагогик мақсадга мувофиқ равишда олий таълимдаги чет тилини ўргатувчи ўқув предметларининг мақсад ва вазифаларига аниқлик киритишга имкон беради:

– бўлажак мутахассиснинг педагогик эҳтиёжини қондира оладиган таълим мазмунини оқилона ташкил қилиш ва зарурий лингво-методик кўникма ва малакаларини шакллантиришга шароит яратилади:

– талаба ўзини бўлажак мутахассис сифатида ҳис этиш, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзлигини англашга йўл очилади[119]:

– талабадаги умуман ўқишга бўлган ва касбига оид мотивациясини кучайтиришга ижобий таъсир кўрсатади:

– ўз-ўзини назорат қилиш ва камчиликларини тuzатиб боришга ўргатилади;

– билим, кўникма ва малакаларини ижодий ўзлаштириш орқали талабалар ақлий тарбия оладилар ва ҳоказо.

Биз тадқиқотларимиз жараёнида юқоридаги тадқиқот ишлари таҳлил қилинган олимларнинг компетенциявий ёндашувлари илмий ғояларига таянган ҳолда талабаларнинг лингвистик компетенциясини виртуал технологиялар ёрдамида шакллантириш жараёнини мавжуд ҳолатини ўрганиш бўйича тажриба-синов ишларини олиб бордик ва ушбу илмий-назарий ғоя юзасидан ўзимизнинг қарашларимизни илгари сурдик.

1.2. Виртуал технологиялар талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш воситаси сифатида

Замонавий таълим жараёнида инновацион технологиялар, андроид операцион тизимга эга бўлган мобил телефонлар ва ҳоказоларнинг жадал ривожланаётган давридамиз, ушбу воситалар масофа ва вақтдан қатъий назар мулоқот қилувчилар ўртасида муваффақиятли ўзаро ҳамкорлик (мулоқот) учун шарт-шароитлар яратиб, тезкор маълумот алмашинувига қулай имконият яратилмоқда. Ҳозирги пайтда алоқа воситаларини синтез қилиш учун тўғридан-тўғри оғзаки мулоқот (юзма-юз), матн (босма, қўлёзмалар), аудио-визуал воситалар (видео, телевидение, видеотақдимотлар, филмлар), компьютер дастурлари, ахборот-коммуникация технологиялари асос қилиб олинмоқда [120].

Мулоқот воситалари қуйидаги параметрлар асосида таснифланади: ўзаро мулоқотда қатнашувчилар сони; интерфаоллик даражаси (мулоқот қилувчиларининг фикрлари мавжудлиги); алоқанинг синхронизацияси-асинхронлиги (тезкор кечиктирилган тесқари реакция); хабарни ёзиб олиш, кейинчалик такрорлаш ва ўзгартириш имконияти; хабарни қайта ишлашнинг мураккаблиги (махсус техник воситалардан фойдаланиш, харажатлар, меҳнат харажатлари ва бошқалар); мулоқот иштирокчиларининг ижтимоийлашув даражаси[127].

Тўғридан-тўғри оғзаки мулоқот сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро таъсирнинг кўплаб турларини ўз ичига олади. Юзма-юз мулоқотнинг ижобий хусусиятлари, масалан, саволлар, қизиқиш уйғотиш, илгари сурилган ва қарши кўрсатмалар ва ҳоказолар шаклида эришиладиган синхрон ва мулоқотнинг интерактивлигини ўз ичига олади. Оғзаки мулоқотнинг муваффақияти иштирокчилар сонига боғлиқ: уларни сони қанчалик кўп бўлса, тингловчиларнинг жавобларини бошқариш қанчалик қийин бўлса, интерфаоллик шунчалик заиф бўлади [104].

Тўғридан тўғри мулоқотга асосланган барча дидактик жанрлар (маъруза, мунозара, дебат, репетиторлик, брифинг, семинар, коллоквиум ва бошқалар) бу жараёнда тенг даражада самарали бўлади.

Барчамизга маълумки маърузалар кўп сонли тингловчилар аудиториясига мўлжалланган, аммо маърузачи ва тингловчи ўртасидаги мулоқот чегараланганлигини ҳисобга олсак ўзаро мулоқот жараёнида янги билимларни яратиш ўз самарасини бермайди ва амалда эгаллаб бўлган билимларни пассив ўтказиш учун самаралироқ.

Жумладан виртуал технологиялар асосида нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг инглиз тилидаги билимларини оширишда онлайн репетиторлик ва яққа дарсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Узлуксиз таълим жараёнида виртуал тушунчаси кенг маънода қўлланилмоқда. Масалан: виртуал таълим, виртуал технологиялар, виртуал хотира, виртуал синф ва х.к.

Бугунги кунда таълим сифатини ошириш мақсадида жараёнида виртуал технологиялардан фаол фойдаланилаётгани ҳеч кимга сир эмас.. Бу эса таълим жараёнига замонавий АКТ воситаларини кўпроқ жорий этилишини талаб қилади. Талабаларнинг таълим жараёнида виртуал технологиялари ёрдамида матн билан ишлашни, тасвирий объектларни ва маълумотлар базасини яратишни, электрон жадваллардан фойдаланишни ўрганади. Дарсларда виртуал технологияларининг қўлланилиши ўқишга

бўлган мотивациясини, талабаларнинг қизиқувчанлигини, таълим самарадорлигини оширади.

Бедрул Хан томонидан таклиф этилган электрон таълим концепциясида саккизта: педагогик, технологик, педагогик интерфейс дизайни, баҳолаш, бошқариш, ресурсларни қўллаб - қувватлаш, этик асослар, асбоб ускуналар жиҳати мавжуд [25].

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, технологиялар шу қадар тез ривожланиб, бўшлиқни тўлдириб бормоқдаки, ҳатто энг илғор ўқитувчининг ҳам бу жараёнга дарҳол киришиб кетишга улгурмай қолмоқда. Агар тил таълими ҳақида гапирадиган бўлсак, унда 5 йил олдин дарсликларга CD-ROMлар асосий илова сифатида тикиларди, ҳозирда эса бутун дарслик ва унинг барча таркибий қисмлари, жумладан аудио, видео, ўқитувчи китоби ва бошқалар унинг ичига киритилган бўлиб, ҳар қандай компьютер ёки планшетда онлайн фойдаланиш, ҳамда дарсга ортиқча нарса олиб киришнинг ҳожати қолмади, дарсда бор-йўғи гаджет ёки қурилмадан фойдаланиш мумкин бўлиб қолди.

Оддий фойдаланувчи учун пайдо бўлган бу технологиялар дарҳол таълимда ўз ўрнини топади. Бу деярли барча технологияларга, ҳатто виртуал технологиялар каби футуристларга ҳам тегишлидир. Google компанияси бир неча йилдан бери таълимда виртуал технологиядан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда, натижада ўзига хос Google Expeditions иловаси яратилиб, у синфхонадан чиқмасдан жуда кўп жойларга ташриф буюриш имконини беради. Бу улар томонидан ишлаб чиқилган дастур ҳисобланиб, ўз ичига виртуал саёҳат қилиш учун 200дан ортиқ саёҳат манзилни қамраб олиб, ўз ўрнида у ерларга индивидуал ёки гуруҳ билан саёҳат қилиш имконини беради, бу эса ўқув машғулотини учун янада қулай ҳисобланади. Бундай виртуал ташриф таъсири ҳар қандай ўқитувчининг ҳикоя, фотосурат ёки тарихий ёдгорликни кўрсатишининг ўрнини бемалол боса олади, сабаби талаба маълум бир жойга ташрифи орқали уларни виртуал саёҳатда жонли солиштириш мумкин. Ушбу дастур кўплаб мамлакат таълим муассасаларида

фаол равишда қўлланилиб, география, тарих, маданият, санъат ва бутун дунёвий билимларини бутунлай бошқа даражага олиб чиқади. Шунингдек таъкидлаш керакки, ҳозирги замон рақамли авлоди онлайн режимда ишлашлари учун анча қулай бўлганлиги сабабли бу аллақачон «табiiй муҳит» бўлиб улгурди, улар технология ичида яшамоқдалар.

Ҳозирги замон рақамли авлодининг асосий хусусиятлари орасида, АКТ компетенциялари юқори даражада қайд этилади, шунингдек ҳаёти ва ўрганишда технологиядан фойдаланишда юқори мотивация беради, тезкор фикрлаш ва бир вақтнинг ўзида кўп топшириқларни бажариш қобилиятини шакллантириш имконини беради, бу эса виртуал технологияни янада кизиқарли, тушунарли ва самарали бўлишини таъминлайди [44].

Ҳозирги вақтда виртуал технология мавзусида жуда оз маълумот мавжуд бўлиб, шу билан бирга бу мавзуда жуда кам педагогик тадқиқотлар олиб борилган. Агар Я.Ю. Ленс берган таърифни асос қилиб олсак, у виртуал технология деганда, «бир ёки бир нечта фойдаланувчи муайян қурилма ёрдамида ҳаракатланиши ёки ўзаро таъсир қилиши мумкин бўлган компьютер муҳити, компьютердан ажратилган ҳаёлий дунёга тушиб қолиши тушунилади, шунда тил таълимида виртуал технологиянинг қуйидаги таърифи юзага келиши мумкин: ўрганилаётган тил мамлакатларининг ижтимоий-маданий ҳақиқатини кўрсатадиган компьютер дастури томонидан яратилган виртуал маконда талаба тил, маданий, ижтимоий-маданий ёки коммуникатив вазиятда иштирок этишга имкон беради [44]. Я.Ю. Ленс шунингдек, виртуал технологиянинг икки муҳим фазилатларини ҳам белгилаб беради: ахборотни турли каналлар орқали узатиш (нафақат кўргазмали, балки сезги ва эшитиш органлари орқали) ҳамда инсонларнинг ўзаро интерфаол муносабат имкониятлари назарда тутилади. Бу икки хусусият, шунингдек, тил ўрганиш жараёни учун тегишли бўлган, ўзаро таъсир ва барча сезги органларини (жисмоний ҳаракатларга таяниш усули) жалб этишга асосланган яхлит усуллар, шунингдек, ўқитиш жараёнига қанчалик кўп сезги органлари жалб этилса, шунчалик ўзлаштириш

самарадорлиги юқори бўлади, деган фикрни тасдиқловчи, Гарднернинг интеллект тўплами назариясининг ўзлаштиришда ўрни катта бўлади[44].

Хорижий тилларни ўрганишда виртуал технология ўзига хос ўринга эга, хусусан мамлакатимизда ҳам. Кембридж университети блоги 2018 йили виртуал технологияни хорижий тилларни ўрганишда кенг қўламда қўлланилаётгани хақида маълумот беришди. Нашриёт блогига келтирилган мисоллар, ақлга сиғмас маълумотлардир. Ўзининг видео блогига Л.Бордкош бир мавзу бўйича мисол келтиради. Бир томондан, «Таомлар» мавзуси бўйича лексикани ўрганиш ва топшириқларни анъанавий форматда бажариш, бошқа томондан эса виртуал кўзойнакни тақиш ва кутилмаганда виртуал ошхонага тушиб қолиш, реал меню билан танишиш ва таомни буюриш бошқача ҳиссиёт улашади [18].

Талаба илгари имконсиз бўлган ижтимоий-маданий жиҳатнинг барча бойлигини хис этиши мумкин. Бир томондан америка футболни хақида матнни ўқиш ёки хатто ўйин хақида видеони томоша қилиш, бошқа томондан эса стадион ичига тушиб қолиш, атрофни кўриб, атмосферани хис қилиш, атрофидаги мухлисларнинг эмоцияларини сезиб, ўйинчиларнинг ўзини тутишини реал ҳолатда кўриш кабилар инсон сезги органларининг тадбирга жонли ташриф буюргани каби мияси ва онги «виртуал шўнғиш» имконини беради[46].

Бу технология яна нима бериши мумкин? инглиз тили ўқитувчиси ва тилларни ўқитишда АКТ соҳаси бўйича эксперт Пол Драйвер, икки муҳим йўналишни ажратиб кўрсатади: ролли ўйинлар ва виртуал саёҳат [22]. Ролли ўйинлар чет тилларни ўқитишда, айниқса коммуникатив ёндашувда кенг қўлланилиб, талабаларга ўзларида муайян ижтимоий ролни синаб кўриш ҳамда табиий шароитда материални ўрганиш ва ўзлаштириш имконини беради. Ролли ўйинларни «классик жанр» деб аташ мумкин, зеро уларнинг моҳияти ва шакллари хақида ғарб ва маҳаллий тадқиқотчи олимлар ўз ишларида жуда кўп ёзишган. Виртуал технологиялар ёрдамидаги ролли ўйинлар яхлит жараённи янги даражага олиб чиқиши мумкин, аниқроғи

симуляция кўринишидаги ролли ўйинлар контекстдаги реаллик билан боғлиқ бўлган ҳолда янада самарали бўлади. Масалан, Лондоннинг Хитроу ёки Нью Йоркнинг JFK халқаро аэропортига тушиб қолиш ҳамда маълум бир рейсга рўйхатдан ўтиш ёки паспорт назоратидан ўтиш, бағажни топшириш ёки самолётга чиқиш учун ўз терминалини топиш талабага ўзгача завқ бағишлаши аниқ. Бу жараёнда нечта одам саёхат давомида адашиб қолишда, ўзга тилни тушунишда, қаердан егулик топиш ёки дам олиш учун жой топишда қийинчиликка дуч келиши аниқ. Бу эса виртуал технология ёрдамида тажрибадан ўтганда, реал ҳаётда қийинчиликка дуч келмайди. Ёки, дейлик, катта хорижий супермаркетда пайдо бўлиб қолиш, токчаларда қандай маҳсулот турганини, вивескаларда нима ёзилганини кўриш, тўловни қандай амалга ошириш, кассада нима ҳақида гапиришаётгани, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминалида қандай тўлаш мумкинлиги талабаларга кўп нарсани ўргатиши бор ҳақиқат. Бу каби ўзига хос тажриба инсонга нафақат тилни ўзлаштиришда компетенли бўлиш, балки ўзига бўлган ишончни ошириш имконини беради. Агар аэропортдан икки марта виртуал тарзда юриб кўрса, унда реал ҳаётда аэропортда пайдо бўлиб қолса, унда одам ўзини ишончли хис қилади.

Пол Драйвер таъкидлаган иккинчи йўналиш, биз юқорида таъкидлаган Google Expeditions иловаси ҳисобланади. Бу технологиянинг арзонлиги, унинг қиммат виртуал кўзойнақлар сотиб олиш шарт эмаслиги унинг афзаллигидир, чунки Google компанияси Google's cardboard headsets (картон кўзойнақлар) деб номланувчи тўпламни таклиф этади. Шу тариқа, ушбу технологиядан дарсда фойдаланиш кўп харажатни талаб қилмайди ҳамда машғулот жараёнида талаба ўз қурилмасидан фойдаланган ҳолда иштирок этиши мумкин[22].

Виртуал технологиянинг афзалликлари билан бирга ўзига камчиликлари ҳам мавжуддир.

Ҳозирги вақтда виртуал технологияси мамлакатимиз таълим тизимида у даражада кенг тарқалмаган. Виртуал технологиясининг имкониятларини

билган тадқиқотчилар уни чет тилларини ўқитишнинг янги усули деб аташади [34]. Тил таълими учун виртуал технологиянинг салоҳияти жуда катта. Кембридж университети блогида виртуал контентни яратиш бўйича босқичма-босқич кўрсатмалар келтирилган ва бу жараён у даражада мураккаб эмас, фақатгина 360 даражали кўриш бурчагига эга камера, видеолавхага ишлов бериш учун илова ва юқорида таъкидланган Google's cardboard headsets керак бўлади холос [33]. Ўқитувчилар учун ягона қийинчилик кўча, ресторан, кинотеатр ва ҳоказо жойларда аутентик материал тайёрлаш бўлиши мумкин, лекин бунинг ҳам иложисини топиш мумкин. Балки, ўқитувчига мустақил тарзда видео ярашига ҳам тўғри келмас, яқин орада мутахассислар бундай материалларни тайёрлашни бошлаб қолишар ва бу контент замонавий дарсликнинг бир қисмига айланиб қолади. Ҳозир ҳам Google Expeditions иловасида яратилган контент инглиз тилини ўргатиш учун, география, тарих, маданият, санъат, спорт ва бошқа мавзуларнинг доирасини қамраб олиш учун етарли [18].

Ушбу технологиянинг яна қандай истиқболлари мавжуд? Ўқитувчи бу технология уни сиқиб чиқариши ёки ўрнини эгаллашидан чўчимаслиги керак. Чунки барибир ўқитувчининг ўзи ўқитади, тушунтиради, мотивация беради, жараённи назорат қилиб боради. Виртуал технология амалиёт учун янги имкониятлар яратади. Балки кўникма ва қобилиятларга виртуал ишлов бериш учун турли тренажёрлар яратилиб қолар, масалан, суҳбатдан ўтиш, университет, кампус, халқаро имтихонларга тайёргарлик кўриш, балки виртуал форматда виртуал имтихон олувчига имтихон ҳам топшириш имконияти пайдо бўлади. Бу ғоялар ҳозирча хом хаёл туюлиши мумкин, лекин ҳозирда имтихонлар онлайн топширилмоқда ва таълим МООС (Massive Open Online Course) тизимида олиб борилмоқда [32].

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, замонавий технологиялар ҳаёт тарзимизни шиддат билан ўзгартирмоқда, виртуал технологиялар таълимни, шакл ва мазмунини тубдан ўзгартирмоқда. Янги даражадаги таълимни технология билан боғлаб бўлмайди ва бугунги кунда технологиялар чет

тилларини ўрганиш учун талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш учун ҳам, ўқишни янада самарали ташкил этиш учун ҳам кенг кўламли воситаларни тақдим этмоқда.

Хорижий тилларни ўрганишда тили ўрганилаётган мамлакат аҳолиси билан ўзаро коммуникатив мулоқот қилиш имконинияратмоқда ва бу ўз навбатида талабаларда мулоқот кўникмасини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек талабаларда ўрганилаётган мавзуга доир дунё миқёсидаги катта хажмли маълумотлар базасидан фойдаланиш имконияти яратилади

Виртуал таълим, анъанавий таълимга нисбатан, онлайн ресурслардан маълумотлар базасидан, даврий нашрлар ва бошқа материаллардан фойдалана олишни енгиллаштиради..

Виртуал таълимнинг барча афзалликларини ҳисобга олган ҳолда ҳам айрим камчиликларга эга. Виртуал таълимда амалий кўникмаларни интернет-ресурслардан танлаб олиш бир мунча мураккаб ҳисобланади.

Виртуал таълим ва ўқитиш воситалари сифатида келажакда шаклланишини тасаввур қилиш имконини берадиган электрон таълим ривожланишининг айрим тенденциялари мавжуд:

Геймификация – бу фойдаланувчиларнинг диққатини жалб қилиш ва муаммоларни ҳал этишни билиш учун ўйин орқали тафаккурдан ва ўйинсиз контекстдаги ўйин механизидан фойдаланиш.

Таълимга индивидуал ёндашув – айрим ўқувчиларнинг эҳтиёжларини ва мақсадларини қаноатлантириш учун педагогика, ўқув дастур ва ўқув муҳитининг асоси ҳисобланади.

LMS таълимни бошқариш тизими деб юритилади ва бу глобал атама онлайн курсларни бошқариш, ўқув материалларни тарқатиш учун махсус ишлаб чиқилган компьютер тизимни билдиради ва талабалар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни назарда тутаяди.

LMS талабаларни рўйхатга олишдан синовлар натижаларини қайд этишгача жараён каби курснинг ҳар бир жиҳатини бошқариш имконини

беради, шунингдек топшириқларни электрон кўринишда қабул қилиш ва барча талабалар билан алоқани сақлаш имконини беради. LMS одатда PHP, Net ёки Java каби турли платформаларда қурилган ва улар PostgreSQL, MySQL ёки SQL-сервер каби маълумотлар базасига уланган бўлади.

Рўйхатга олиш. Тизим талабаларга онлайн рўйхатдан ўтиш ва маълумотларни ўқув жараёнини ва тест натижаларини кузатиб (назорат қилиб) бориш имконини беради.

Виртуал аудитория. Виртуал аудитория машғулотларига таклифнома юбориш ёки эслатиб туриш ва онлайн, календар ёки Outlook тизими билан интеграциялаш имконини беради.

Ижтимоий тармоқ. LMS ижтимоий медиа билан интеграцияланган бўлиши мумкин, натижада ўз контенти ёки янгиликлар билан Twitter ёки Facebook орқали ахборот алмашиниш мумкин.

Мулоқот. LMS тизими талабалар билан мулоқотга киришиш учун хабарларни муайян курс ёки муайян талабаларга юбориш тизими каби ўрнатилган функционал тизимга эга бўлиши мумкин. Шунингдек LMS чат ёки форумдан фойдаланиш имконини беради.

Ҳисобот. Ҳар қандай LMS ҳисобот тизимига эга, ушбу тизим маълумотларни Excel тизимга экспорт қилиши, шунингдек тушуниш осон бўлиши учун маълумотларни график кўринишда таклиф қилиши мумкин.

Тестлаш. Тестлар кўплаб виртуал курсларнинг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади ва кўплаб LMS уларг боғлиқ бўлган кўплаб функцияларга эга бўлади. Тест саволларни ва тестлар учун ажратилган вақт бўйича чекловларни ўрнатиш имконига эга бўлади[131].

Синхрон электрон ўқитиш ва асинхрон электрон ўқитишнинг қиёсий таҳлили. Электрон ўқитишнинг замонавий муҳитида, қоидага кўра, синхрон ва асинхрон тоифаларга бўлинади.

Синхрон ўқитиш. Синхрон ўқитишга мисол қилиб онлайн, чат ва видеоконференцияни келтиришимиз мумкин. Талабаларнинг синхрон ўқитиш курсларида иштирок этиш давомида машғулотларда бошқа талабалар

ва ўқитувчилар билан биргаликда ишлаш имконига эга бўлишади. Синхрон ўқитишнинг асосий афзаллиги бу бутун ўқитиш давомида бошқа инсонлар билан мулоқотга кириша олиш имкониятига эга бўлганлиги сабабли ўзларини ажралиб қолгандек ҳис қилмасликлари ҳисобланади. Бирок синхрон ўқитиш вақтга нисбатан қатъий белгиланмаган, талабалар реал вақт режимида ўқитишнинг жонли сессиясида ёки онлайн курсида иштирок этиши учун муайян вақтни белгилашлари керак бўлади..

Асинхрон ўқитиш. Асинхрон ўқитиш, бошқа томондан, талаба ёки ўқитувчи иштирок этмаган ҳолатда ҳам амалга оширилиши мумкин. Ўқувчиларга веб, электрон почта ва хабарлар орқали етказиладиган, бирлашма форумларда жўнатиладиган курс ишлари ва хабарлар асинхрон электрон ўқитишга мисол бўлади. Ушбу ҳолатларда, қоидага кўра, талабалар машқларни ўзлари бажаришлари ва машғулот ўтказилишини таъминлаб туриш учун инструмент сифатида Интернетдан фойдаланишлари мумкин.

Бу усул ўқув режада машғулотларнинг турли режаларини мустақил тарзда ўрганишни афзал кўрадиган фойдаланувчилар учун яхши ҳисобланади [75]. Замон ривожлангани сари таълим тизимига виртуал кутубхоналар ва музейлар ташкил этиш концепцияси тадбиқ этилган бўлиб, фойдаланувчи компьютер воситасида виртуал кутубхоналардаги китоб жавонларининг визуал тасвири бўйлаб ҳаракатланиши, керакли адабиётлардан фойдаланиши зарур ҳолда эса улардан нусха кўчириши имкониятни беради.

Бугунги кунда виртуал тушунчаси таълим соҳасида кенг қўлланилиб келинмоқда. Масофавий таълимда виртуал тушунчаси виртуал борлиқ маъносини беради. Нарса ва ҳодисаларнинг вақт ва маконда мавжуд бўлмаган, лекин объектив нарсалар ёки субъектив образларнинг амалга ошиш эҳтимоли мавжуд бўлган жараён виртуал (лотинча *Virtualis* — мумкин бўлган, яъни муайян бир шароитларда содир бўладиган ёки рўй бериши мумкин бўлган) тушунчасини англатади.

Виртуал борлиқ **иммерсивлик** ва **интерфаоллик** тушунчалари билан боғлиқ.

Шахснинг виртуал борлиқда ўзини фарз қилиши **иммерсивликдир**

Фойдаланувчи реал вақтда виртуал борлиқдаги объектлар билан ўзаро мулоқотда бўлиб уларга таъсир кўрсатиши **интерфаолликдир**

Виртуал борлиқнинг турлари:

- пассив виртуал борлиқ (passive virtual reality) – шахс томонидан идораэтилмайдиган автоном график тасвирни товуш билан кузатиш;

- текширилувчи виртуал борлиқ фойдаланувчига чекланган миқдорда тақдим қиладиган сценарий, тасвир, товушни танлаш имконияти мавжудлиги

- интерфаол виртуал борлиқ трекинг вазифасини бажара оладиган махсус қурилма ёрдамида виртуал муҳитни фойдаланувчи ўзи бошқара олишидир [143,152].

Виртуал борлиқ деб реал дунёни компьютер симуляцияси орқали яратилган муҳитига айтилади. Виртуал борлиқнинг асосий 3 та хусусияти мавжуд. Улар:

- таъсир доирасининг кенглиги;

- юқори визуаллашганлиги;

- уч ўлчовли муҳит.

Виртуал борлиқ атамасининг илк босқичлари панорама сифатида тушинилиб келинган.

Панорама – грекча кўриш майдони деган маънони англатади. Панораманинг турли шакллари мавжуд бўлиб, улар: чизилган, шакллантирилган, тасвирга олинган ва видео-фильм кўринишидаги турларидир. Ахборот технологияларида панорама 360 градус бурчак остидаги кўриш имкониятига эга тасвир тушинилади. Панорама орқали инсон бир нуқтадан бутун борлиқни кўриши мумкин [17].

Бугунги кун таълим тизимида виртуал технологиялардан фойдаланган ҳолда хорижий тилларни ўқитиш қутилган самарани бермоқда ва бугунги глобаллашув шароитда муҳим заруриятга айланиб бормоқда.

Виртуал таълим мухитини ташкил этиш жараёнида on-line мухитида мобиль таълим технологиялари, 3D технологиялар, интернет ва ижтимоий тармоқлар, очик таълим ресурсларини таълим жараёни самарали татбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Хорижий тилини ўрганиш ва ўқитишнинг замонавий ёндашувлари лингвистик вазиятга мос ҳаракат қилиш (фаолиятга йўналтирилган ёндашув) ва мулоқот юритишга ўргатиш (коммуникатив ёндашув)га асосланади. Бу жараёнга виртуал технологиялар ёрдамида ёндашилса, янада таълим сифатини оширишда хизмат қилади.

Таълимнинг замонавий шаклида Европа мамлакатлари, жумладан, Англияда хорижий тилларни ўқитишда энг замонавий ва самарали ёндашув сифатида фаолиятга йўналтирилган компетенциявий ёндашув фаол қўлланилмоқда[21].

Маълумки, виртуал технологиялар ўз манбасига, методик ва методологик асосига эга бўлади ва ҳар бир виртуал технологиялар воситаларида муайян муаммога эътибор қаратилади. Шундагина унга мулоқотни ривожлантирувчи восита сифатида қараш мумкин. Демак, виртуал технологияларни таълим жараёнига татбиқ қилиш жараёнида нутқ амалиётининг интерфаол, ижодий хусусияти намоён бўлади [54] .

Хозирги кун таълим-тарбия жараёнида фойдаланилаётган виртуал технологияларнинг таркибий қисми бўлган аудиовизуал материалларнинг манбаи бўлган интернет эса мобиль қурилмалар ёки компьютер фойдаланувчилар ўртасидаги мулоқотнинг халқаро алоқа тармоғи сифатида талқин қилинади. Хулоса қилиб айтганда , виртуал технологиялар талабалар тил ўрганиши учун рухлантириш манбаи бўлиб бирор бир тил воситасида дунёда содир бўлаётган воқеаларни аудиовизуал материаллар орқали англаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Виртуал технологияларнинг таркибий қисми сифатида аудиовизуал материаллар хусусида гапирилар экан, «аудиовизуал» тушунчасининг моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиз. Латин тилида» *audire* – тингламоқ, *videre* –

кўрмоқ, яъни, тинглашга ҳам, кўришга ҳам мўлжалланган»деган маънони англатади [44].

Хорижий тилларни аудиовизуал материаллар асосида ўқитиш методи аудиовизуал метод деб аталади. Чет тилини ҳам тинглаш, ҳам кўриш орқали ўзлаштириш ушбу методнинг асоси қилиб олинган. Бу метод Францияда ўтган асрнинг 50-йилларида шаклланган бўлиб, хорижий тилларни ўқитишда асосан видео ва аудио материаллардан фойдаланиш билан ифодаланган [141].

Виртуал технологиялар медиа восита сифатида ҳам маълумотни икки хил йўсинда ифодалайди: *тасвир ва товуш*. Бунда тасвирни дидактик восита сифатида, товушни маълумот берувчи восита сифатида тушуниш мумкин.

Тасвир реалликни ифодалагани учун талабада қизиқиш уйғотади, маълумотни кенгроқ тушунишга имкон беради. Эшитилган материални визуал тасвирлашга имкон яратади. Маълумки, тасвир ва товуш жамиятда мулоқот ва ахборот етказишнинг фундаментал, самарали воситаси бўлиб, виртуал технологиялар асосида берилганда реал воқеликни акс эттириши билан муҳим аҳамият касб этади.

Демак, дидактик материал нафақат четтилини ўрганишда бир восита сифатида, балки маънавий ва маданий дунё қарашни ривожлантирувчи восита сифатида ҳам қаралади. Мавзуни ўзлаштиришнинг аудиал томони. материалнинг аудиал томони нутқнинг нима ҳақида эканлиги тўғрисида тўлиқ вербал хабар беради. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар қандай аудиовизуал материалдан фойдаланишдан асосий мақсад талабада лингвистик фаолият турларидан бири бўлган тинглаб тушуниш компетенцияни ривожлантиришдир. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, аудиал матн реал ҳаётни акс эттириши ва талабани коммуникатив муҳитга мослаштириши керак. Шундагина, талаба аудиал нутқни тез ва аниқ англайди, синтез қила олади. [44]

Лексик-грамматик компонент лингвистик компетенциянинг асосий компоненти ҳисобланади. Лингвистик компонентлар, ўз навбатида, хорижий тили коммуникатив компетенциясининг кичик компетенцияси бўлиб, ва

хорижий тилни ўқитишнинг асосий мақсади талабаларнинг коммуникатив компетенциясини шакллантиришга эришиш мақсадида ОТМларда лингвистик компетенциянинг лексик-грамматик компонентини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳисобланади[142].

Европа Кенгашининг қабул қилган ҳужжатида кўра, лингвистик компетенция структурасидаги қуйидаги компонентлар ажратиб кўрсатилади: лексик, грамматик, семантик, фонологик, имло ва орфоэпик[1].

Лексик компетенция тилнинг сўз бойлигини, шу жумладан лексик ва грамматик элементларни билиш ва уларни нутқда қўллай олиш билан тавсифланади. Лексик компетентликка қуйидагилар киради:

1) мустақил сўзлар – гап бўлаклари (от, сифат, феъл, қўшимча ва бошқалар);

2) фразеологик бирликлар семантик жиҳатдан кўринмас, барқарор бирикмалар бўлиб, улар алоҳида интеграл мазмун, компонентли структуранинг ўзгармаслиги билан ажралиб туради ва сўзловчининг хотирасида мустақамланган бўлади.

Улар бир маъноли мураккаб ва зид маъноли бирликлардир (нутқ белгилари, мақол ва масаллар, фразеологик феъллар, мураккаб предлоглар ва бошқалар);

Грамматик маҳорат, аслида, тил қоидаларининг грамматик қонунларини билиш ва уларни нутқда ишлатиш қобилиятидир. У маълум бир маънони тушуниш ва ифодалаш қобилиятини ўз ичига олади, уни иборалар ва мақсадли тил қоидаларига мувофиқ тузилган жумлалар кўринишида шакллантиради.

Грамматик компонент тилнинг грамматик элементларини (морфология, синтаксис ва бошқ.) билишга асосланган. Илғор грамматик компонент – бу тилнинг грамматик воситаларини ишлатиш қобилияти ва лексик элементларни мазмунли ибора ва жумлаларга бирлаштирадиган бир қатор принциплар сифатида қаралади. Бу икки компонентни биргаликда талабалар ўзлаштирган «нутқ намуналари»га қиёслаш мумкин бўлган лингвистик

билимларнинг барқарор элементини ташкил этиб, улар ҳам самарали, ҳам рецептив нутқни ташкил этади. И.Ф. Мусаэяннинг фикрича тил компетенциясининг лексик ва грамматик таркибий қисмига лексик ва грамматик билим, кўникма ва малакалар киради. [151].

Сўз бойлиги (кенг луғат) ва грамматика (тил ҳодисалари ва лексик бирликларни бирлаштириш қонун ва қоидалари) соҳасидаги билимлар лексик ва грамматик билимлар – мажмуи ҳисобланади. Лексик-грамматик кўникмалар (ЛГ) ёзма ва оғзаки матнда ЛГ тил бирликларини таниш ва тушуниш учун синтезланган ҳаракат, шунингдек, мулоқот учун мос тилнинг лексикограмма бирликларини танлаш ва улардан фойдаланиш ҳаракатларини жалб қилишни таклиф этади. Шартли ва реал коммуникатив вазифаларни ечишда нутқий кўникмаларни амалда қўллай олиш қобилияти эгалланган билим ва кўникмаларга асосланган ЛГ кўникмалари ҳисобланади.

И.Ф. Мусаэян лингвистик компетенциянинг лексик ва грамматик компоненти ҳақида гапирганда, продуктив, рецептив кўникма қобилиятларни бир-биридан фарқлайди.

Продуктив кўникма ва қобилиятларга қуйидагилар киради:

- тилнинг луғавий ва грамматик бирликларини мулоқот ҳолатига қараб танлаш ва улардан фойдаланиш;

- янги грамматик бирликларни илгари ўрганилганлар билан бирлаштириш;

- мулоқот мавзуси ўзгарганда ЛГ баёнини қайта шакллантириш ва уни бошқариш;

- контекстдаги луғавий ва грамматик хатоларни аниқлаш ва тузатиш;

- Рецептив қобилиятларга қуйидагилар киради:

- Контекстда тилнинг илгари ўрганилган лексик ва грамматик бирликларини ажрата олиш ;

- Тилнинг луғавий ва грамматик бирликларини фарқлаш ва аниқлаш;

- тилнинг луғавий ва грамматик бирликлари билан уйғунлаштириш;

- тилнинг лексик ва грамматик бирликлари ўртасидаги фарқни англаш;

Тадқиқотимиздан келиб чиқиб шуни айтиш жоизки лексик-грамматик компонент лингвистик компетенциянинг ажралмас қисми сифатида қаралади.

Нофилологик йўналиш талабаларида лексик ва грамматик компетенцияни шакллантириш даражасини баҳолаш муаммоси ҳақида гапирганда, амалда бу муаммо шаклланиш даражасини, лингвистик ёки лингвистик компетенцияни ва унинг фонологик, ортоэпик ва орфографик компонентларини баҳолашга боғлиқ. Уларни ривожлантириш ва такомиллаштириш талабалар учун муҳимдир, зеро тил компетенциясининг барча компонентларини ривожлантирмасдан уларни ўрганишнинг имкони йўқ.

Хомский лингвистик компетенция ўртасидаги фарқни таъкидлар экан, сўзловчи-тингловчининг ўз она тилини билиши ва қўллаши, аниқ вазиятларда тилни реал ишлатиши деганда, у «тилшунослик назарияси, авваломбор, идеал сўзловчи-тингловчи билан мутлақо бир хил вазиятда, тилни мукамал биладиган ва хотира чекловлари, чалғитишлар, диққат ва кизиқишларнинг ўзгариши ҳамда тилга доир билимларини реал ҳолатда қўллашда хатолар (тасодифий ёки характерли) каби грамматик жиҳатдан бефарқ бўлмаган шароитларга боғлиқ, деб ҳисоблайди.» [145].

Хабермас (1970) компетенция ва амалда қўллаш тўғрисидаги тушунчаси Хомскийнинг тушунчасига қараганда идеаллик жиҳатдан юқори даражасида, эканлигини таъкидлайди.

У ўзининг лингвистик компетенциясидан ташқари, сўзловчи нутқнинг асосий малакаси ва коммуникатив компетенция деб атайдиган рамзий таъсир ўтказиш (ролли хатти-ҳаракат)га эга бўлиши кераклигини таъкидлайди [147].

Нофилологик йўналиши талабаларининг чет тилида лингвистик компетенцияларини ривожлантиришда аудиовизуал материаллардан фойдаланишнинг афзалликларини қуйидаги хусусиятлардан келиб чиқиб ҳам баҳолаш мумкин:

- **Педагогик хусусияти.** Аудиовизуал материаллардан фойдаланишда таълим жараёни талабаларни кўпроқ эркинликка, масъулиятлиликка, интерактивликка ва ижодий фикрлашга ундайди.

- **Дидактик хусусияти.** Ўрганилаётган манбани бир неча бор такроран эшитиш, ўз хоҳишига хос методикани танлаши мумкин.

- **Психологик хусусияти.** Бу жараёнда талабаларнинг тилни ўрганишга ички мотивациянинг кучлилиги, ўрганилаётган манбага нисбатан бутун эътиборнинг ва қизиқишнинг юқорилиги каби хусусиятлар билан изоҳланади. Шунингдек, таъкидлаб ўтиш жоизки, бошқаларнинг нигоҳидан четда ва аудиториянинг босимидан ҳоли бўлиш кабилар психологик жиҳатдан муҳимдир[44].

Виртуал технологияларнинг таркибий қисми сифатида қараладиган рақамли технологиялар воситасида нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетенцияларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Рақамли технологиялар - бу таълимни жадаллаштириш ва оптималлаштириш, ахборот жамиятида ҳаётга мослаштирилган шахсни тарбиялаш масалаларини муваффақиятли ҳал қилиш воситасидир.

Шу билан бирга, таълим жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг психологик-дидактик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув жараёнини ташкил этишнинг назарий масалаларини ва ўқув фаолияти шакллари ишлаб чиқиш рақамли технологиялардан илмий жиҳатдан асосланган ҳолда фойдаланиш зарур. Шу билан бирга, ҳар қандай тушунча ва назариялар яратилса, уларнинг ҳар бирининг асосида талабанинг шахсияти бўлиши керак, чунки ўқув жараёнига янги технологияларни жорий этиш фақат ахборот технологиялари, психология ва педагогика соҳасидаги ютуқларни бир бутун бирлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин[51].

Акмеологик ёндашув рақамли технологиялар ёрдамида ўқитишнинг ажралмас қисми бўлиши керак, замонавий шароитда талабанинг ижобий шахсий фазилатларини шакллантириш учун асос бўлиши керак [50]. Таълимни компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш жараёни шахсни ишлаб чиқилган дастурлар ва алгоритмлар ёрдамида мураккаб вазифаларни ҳал қилувчи, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини англашга ундайдиган машинага айлантirmаслиги жуда муҳимдир. Шу

сабабли, рақамли технологияларни хорижий тилларни ўқитиш жараёнига интеграциялашнинг асосий мақсади – талабаларнинг компьютер технологиясидан фойдаланишга босқичма-босқич мослашиши [52], талабанинг ахборот маданиятини шакллантиришни, унинг ақлий қобилиятининг ўзига хос хусусиятларини ва компьютердан фойдаланишга психологик тайёргарлигини ҳисобга олишни, талабаларда барқарор таълим мотивациясини сақлаб қолишни назарда тутати.

Рақамли технологиялар ёрдамида ўқув жараёнининг психологик ва педагогик асосларини моделлаштиришга акмеологик ёндашиш қуйидаги хусусиятларни ўз ичига олади:

- технологик ёндашувнинг устиворлиги;
- ўқитишда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги - улар анъанавий усуллар ва технологиялардан фойдаланишга доир билим ва кўникмаларни эгаллашни таъминлайдилар[51].

Ҳозирги вақтда компьютернинг инсоннинг ақлий фаолиятига таъсири муаммосига психологияда ривожланган учта асосий назария мавжуд: алмаштириш назарияси, қўшилиш назарияси ва трансформация назарияси.

Келтирилган назарияларга асосланиб ўқув ва касбий фаолиятда, ахборотлаштиришнинг психологик оқибатларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган хусусан, компьютер маълумотларини қайта ишлаш ва идрок этиш билан боғлиқ маълум маҳорат, ўзига хос ҳаракат, индивидуал ақлий жараёнлардир.

Масалан, босма матн ахборот манбаи сифатида таркибни воқеликдан ажралиш тамойиллари асосида қурилган, у чизиклилик, изчиллик, объективлик, рационаллик каби хусусиятлар билан тавсифланади.

Бундан ташқари, визуал маълумотларнинг муаммоли хусусияти қанчалик баланд бўлса, талабанинг ақлий фаолиятининг интенсивлиги шунчалик юқори бўлади. Шундай қилиб, рақамли технологиялар ёрдамида ўқув машғулотларини визуаллаштириш қилиш материални янада интенсив ўзлаштиришга ёрдам беради [121].

С. Шевченконинг сўзларига кўра, компьютер «расмий фикрлашни шахсийлаштиришга имкон беради» [139]. Шу нуқтаи назардан, рақамли технологиялар нафақат ўрганиш воситаси балки, компьютер ўзининг имкониятлари билан алоҳида ҳам ажралиб туради, чунки у расмий операцияларни ўзлаштириш орқали ўзлаштирилган билимларни конкретлаштириш учун ишлатилади. Бундай конкретлаштирилган билимлар расмий тафаккур воситаларини ўзлаштириш учун зарур бўлган барча элементларни ўз ичига олади.

Виртуал технологияларни таълим жараёнига интеграция қилиш, биринчи навбатда талабанинг тафаккур қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради, шу билан бирга талаба ижодкорга айланади; иккинчидан

К Биелакзик ўз тадқиқотида ўқув жараёнида компьютердан фойдаланиш талабаларда ҳам алгоритмик, ҳам образли фикрлашни шакллантиради ва фикрлаш қобилиятларининг ушбу таркибий қисмининг аҳамияти жуда катта эканлигини таъкидлайди, чунки «инсоннинг ақлий фаолияти ҳеч қандай ҳолатда компьютернинг фикрлаш тизимидан нусха кўчирмаслиги керак» [17].

Таълим мазмуни ёки ўқув материални рақамли технологиялар ёрдамида узатишга келсак, Р. Потапованинг операцион интеллект концепциясига кўра, ҳар қандай маълумот тўрт босқичдан ўтиб, ундан кейин шахс томонидан қабул қилинади:

- сенсорли восита (эмоционал ҳиссиёт);
- рамзий босқич (сенсорли-мантиқий маълумотларнинг образли катлами);
- мантиқий босқич (ахборотни дискурсив ва мантиқий тушуниш);
- лингвистик босқич (сўз орқали маълумотни онга жойлаштириш - олдинги босқичларда ишланган тасвир).

Мазкур технологиялар ёрдамида олиб борилган дидактик жараённинг ўзига хос хусусиятлари, ўқитувчи ва талаба ўзаро муносабатларининг тўртта муҳим шакллари кўриб чиқишни талаб қилади:

- талаба - компьютер ёки мобил қурилма;
- ўқитувчи - компьютер ёки мобил қурилма;
- талаба - ўқитувчининг компьютер ёки мобил қурилмаси;
- талаба - талаба компьютерлари ёки мобил қурилмалар.

Шунинг учун, рақамли технологияларни қўллаш билан ўқитиш назариясининг асосий масалаларидан бири ўқув жараёнини ташкил этиш ва ушбу шаклларнинг ўзаро самарали таъсири масаласидир. Кўп ўқитувчилар анъанавий таълим тизими талабаларнинг фикрлаш қобилиятларини самарали ривожлантиришига шарт-шароит яратмаслигини, уларнинг ижодий салоҳиятини мустаҳкамлашини таъкидлайди [115].

Одатда, ОТМларда таълим бериш жараёнида кўп ўқитувчилар талабаларга ўз мавзулари бўйича иложи борича кўпроқ маълумот беришга ҳаракат қилишади. Шу билан бирга, уни етказишнинг репродуктив усуллари минимал билим ва ижодий фаолиятни талаб қилади. Бундан ташқари, талаба салбий фазилатларни шаклланиб қолишига, ўз кучига бўлган ишончини йўқотишига [51], талабанинг ҳаракатларида билим олишдан кўра кўпроқ баҳо олишга бўлган ҳаракат кучаяди. Натижада, иш берувчига ўз соҳасини мукамал эгалламаган мутахассисни, профессионал соҳада қарор қабул қилиш қобилиятига эга бўлмаган кадрни етишиб чиқишига сабаб бўлади.

Маълумки, анъанавий таълим жараёнида бир қатор классик зиддиятлар мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича шакллантириш мумкин:

- ўқитувчи фаолияти ва талабанинг пассивлиги;
- ўқув дастури билим даражаси ўртача блган талабага мўлжалланган;
- талаба шахсига индивидуал ёндашувнинг етишмаслиги;
- маълумотлар мавҳум-мантиқий шаклда тақдим этилади;
- чекланган вақт ва бошқалар [138].

Юқорида келтирилган зиддиятлар умуман таълим жараёни учун жиддий муаммо саналади. Таълим жараёнида АКТдан фойдаланишда анъанавий «ўқитувчи - талаба» ўзаро ҳамкорлик шакллари ўзгаради, чунки, аввало, янги ўқитиш воситаси жорий этилади, бу жараённинг зарур бўғинига айланади (масалан, масофавий таълимда бу тизим талаба - компьютери/мобил қурилма

- ўқитувчи); иккинчидан, талаба рақамли технология ёрдамида машғулотнинг турли хусусиятлари туфайли машғулот объектидан машғулот иштирокчисига айланади:

- ўқитувчининг фаол позицияси;
- когнитив жараённинг «ўргатиш» тоифасидан ҳар қандай мавзунинг равишида ва мустақил равишида «ўрганиш» тоифасига ўтиш [51];

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда хорижий тилларни ўқитишда виртуал технологиялардан таълим жараёнида самарали фойдаланишга бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Ўқув материаллардан самарали фойдаланиш технологиялари ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, олиб борилган илмий тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг чет тилида лингвистик компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилувчи виртуал технологияларни, (аудиовизуал материаллар)нинг дидактик жиҳатдан тўғри танланиши ва таълим жараёнига методик жиҳатдан тўғри татбиқ этилиши ҳар қандай ўқитувчига ўта жиддий масъулиятни юклайди.

Демак, аудиовизуал материаллар талабаларнинг хорижий тилда эркин мулоқот қилиш кўникмасини ривожлантиришда самарали хизмат қилиши билан бирга уларнинг баркамол шахс сифатида шаклланиш омилларидан бири ҳисобланади[44].

1.3. Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришнинг мавжуд ҳолати

«Виртуал борлиқ» атамаси 1970 йилларнинг охирида Массачусет технология институтида Жарон Ланиер томонидан ўйлаб топилган.

Жарон Ланиернинг фикрича « виртуал олам — инсон борлигининг ўзига хос шакли ва одамлар маънавий алоқасининг алоҳида маданий ифодасидир. Шу боис виртуал борлиқда мавжуд барча нарсаларнинг манбаи инсон онгидир Виртуал борлиқ объектив тарзда, яъни инсон миясида эмас, балки компьютерда мавжуд бўлади. Айни вақтда, у инсон онгининг

маҳсулидир. Виртуал борлиқ инсон маданий ҳаётининг барча бўғинларида фойдаланилмоқда» [149]. Виртуал борлиқдан турли соҳаларда, айниқса таълимни ташкил этишда таълимий восита сифатида кенг фойдаланилмоқда.

Юқоридаги таҳлилардан шуни айтиш жоизки, бугунги кунда ахборотлашган жамиятда давр эҳтиёжларига жавоб бера оладиган рақобатбардошли мутахассисларни тайёрлашда виртуал технологиялар ёрдамида инглиз тилини талабаларга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги №ПҚ-5117 сонли қарори чет тилларини асосан инглиз тилини таълим тизимининг барча босқичларида узлуксиз ва мукамал ўрганишни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эгадир [17].

Жаҳон миқёсида инглиз тили ўзаро давлатлараро асосий расмий мулоқот тили сифатида қўлланилади. Шу жумладан, юртимизда чет тилларини, яъни инглиз тилини ўқитишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш қатор ижобий натижалар бермоқда. Қарорда кўрсатиб ўтилганидек барча соҳаларда замонавий фикрловчи, турли миллат вакиллари билан эркин фикр алмаша оладиган, жаҳон илм-фан ютуқларидан жамият тараққиётида унумли фойдаланадиган, жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга асос солинди. Бугунги кунда нофилологик таълим йўналиши талабаларининг хорижий тилни билиш даражаси В2 даражасига жавоб бериши назарда тутилган ҳолда таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда[3].

Ривожланган мамлакатлар тажрибасида мутахассисларнинг хорижий тиллар бўйича лингвистик компетентлигини ривожлантиришда таълим жараёнига виртуал технологияларини қўллашга доир фаолиятга йўналтирилган илмий-ижодий изланишлар олиб борилаётган бўлиб, жумладан, инглиз тилида талабанинг лингвистик компетентлигини ривожлантиришда виртуал технологияларни қўллаш; ўқитишда илғор инновацион педагогик технологияларни қўллаш орқали талабаларни мавжуд

ахборотлар муҳитида тўғри йўналиш олиши, олинган ахборотни идрок эта олиши ва уни қайта ишлаш кўникмаларини шакллантириш; интернетнинг оммалашуви шароитида инновациянинг педагогик-психологик хусусиятлари; компетентли ёндашув доирасида бўлажак педагогларда чет тилини билиш даражасини аниқловчи технологияларни такомиллаштириш ўта муҳим аҳамият касб этади [106].

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятидаги университетлар бутун дунё бўйича талабаларнинг таълим контентларини етказиб бериш (бепул) учун электрон таълим имкониятларидан фойдаланишади. Гарвард ва Массачусетс инновацион технологиялар университетларида бепул виртуал ўқув машғулотларни ўтказишга қаратилган дастурлар йўлга қўйилган. Гарвардда видео маъруза ёзилади ва интернетга жойлаштирилади. Талабалар ўтказиб юборган маъруза машғулотини кўриш имкониятига эга бўлади [23].

Виртуал технологиялар ёрдамида таълимни ташкил этиш жараёни кўпгина афзалликларга эга. Бироқ, шу билан бирга талаба билимларни ушбу усул ёрдамида ўзлаштириши ўқув материали ҳамда олинган ахборотни тақдим этишда қўлланиладиган амалиётга ҳам боғлиқ. Виртуал технологиялар ёрдамида таълимни ташкил этиш жараёнини талабаларга қулайлик яратиладиган куйидаги онлайн тренингларни мисол сифатида келтириши мумкин:

1. Виртуал технологиялардан фойдаланган ҳолда таълимни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўзаро дўстона, ижобий, ижодий, илмий муҳит ташкил этилади. Бу жараёнда талаба ўзини эркин ҳис этиб, мустақил фикрлаш имконияти яратилади.

2. Мазкур жараёнда талабалар оладиган ахборот ҳақида маълумотга эга бўлади, жумладан, фан бўйича ўқув режа, ўрганиши зарур бўлган мавзулар кетма-кетлиги, ўқитувчи томонидан фанни ўзлаштиришга оид адабиётлар, ўқитувчи талабаларнинг электрон почта орқали топшириқларни берилиши ва бажарилишини назорат қилиш технологияси масалан сайт ўрнига электрон таълим ёрдамида етказиш методи танланади.

3. Асинхрон ва синхрон фаолият интерактив ўқитиш усулидан фойдаланиш, бунда талабалардан ақлий ҳужум методи ва мавзуни билиш имконияти кенгайди. Талабалар интернет ёрдамида виртуал видеокурсларни кўриши, шунингдек муайян мавзуни тушуниб олиш ёки кўникмаларга эга бўлиш имконини яратадиган автоном режимда тўлиқ ўқув курсларини кўриш имкониятига эга бўлади.

Виртуал технологиялардан максимал тарзда унумли фойдаланиш учун ўқитувчи ва талаба интернетдан олинadиган кўплаб ресурслардан фойдаланиши керак. Ахборотдан фойдалана олиш имконини берадиган юзлаб онлайн сервислар мавжуд, масалан, Udemу, Khan Academy Википедия каби таълим ресурслари. Инструкторлар онлайн материалларининг мазмуни ва таркибини бойитишда имкониятлардан фойдаланишлари ёки талабаларни кўшимча веб-ресурсларга йўналтиришлари керак[151].

Виртуал таълим технологиялари исталган жой, компьютер ёки мобил қурилмага уланган интернетдан, яъни уйда, дам олишда ёки иш ўртасидаги танаффусда таълим олиш имконини беради[85].

Замонавий таълим жараёнида республикамиздаги олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналишларида хорижий тилларни ўқитиш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда, зеро хорижий тил талабаларнинг келгусидаги касбий тайёргарликларини белгилашда ўз мутахассисликларидан кейин турувчи омиллардан бири ҳисобланади. Жумладан, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлардаги ташкилотларнинг 70 фоизиди мутахассис ишга қабул қилинганда ундан камида иккита хорижий тилни билиши, қолган 30 фоизиди эса учта хорижий тилни билиши талаб этилади. Демак, замонавий мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги даражасини белгилашда хорижий тилларнинг ҳам ўрни катта экан.

Олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналишларида хорижий тил ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, улар хорижий тил ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай муаммолар қаторига хорижий тил таълими учун тузилган ўқув дастурлари,

дарсликлар ва қўлланмаларни, шунингдек, нофилологик факультетларда тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий тайёргарлигига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, уларни қайта ишлаш зарурияти, таълимни ташкиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни, ўқув хоналарини замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлаш, хориждаги илғор ўқитиш технологияларни ўрганиш ҳамда уларни амалиётда қўллашга қаратилган турли методик ишланмалар ва кўрсатмалар тузиш каби масалаларни киритиш мумкин.

Турли мутахассислик факультетларида чет тилларни ўқитишни ташкил қилишдаги муҳим ҳолатлардан бири – талабаларнинг олий ўқув юртидаги муҳитга мослашиши, чет тилларни ўқитишдан кўзланган мақсадни билиши ва ўзларининг бўлажак мутахассислиги билан боғлиқ касбий фаолиятларида ўрганилаётган чет тилнинг ўрни ва ролини аниқ ҳис қилишларидадир [87].

Олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналишларида талабалар билан бўлган суҳбатлар, дарс жараёнини кузатиш, мутахассисликка йўналтирилган топшириқларни бажаришга бўлган муносабатларни таҳлил қилиш кўпчилик талабаларда юқорида қайд этилган омилларга нисбатан бефарқлик, яъни чет тилини келгусидаги касбий фаолиятда тутган ўрни ва ролини яхши тасаввур қила олмасликларини кўрсатди. Бундан ташқари биринчи босқич талабаларининг олий ўқув юртидаги шароитга мослашиши (адаптация) даврида уларда ўрганилаётган чет тилига нисбатан зарур касбий мотивациянинг шакллантирилмаганлиги чет тили ўргатиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиш ҳолати ҳам аниқланди.

Нофилологик факультетларда чет тил ўргатишда талабаларнинг бўлажак касблари билан боғлиқ касбий мотивация ҳосил қилиш уларда чет тили ўрганиш учун бўлган истак-хоҳишнинг барқарор бўлишини таъминлайди.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда диссертацияда қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Гулистон давлат университети, Термиз давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтларидан, «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» бакалавр таълим йўналиши

2,3,4-босқич талабалари таркибидан тажриба гуруҳи 360 нафар, назорат гуруҳи 360 нафар, жами 720 нафар нофилологик таълим йўналишлари талабаларида виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентлигининг шаклланганлик даражаси махсус сўровнома асосида аниқланди (III боб, 3.5-жадвал). Тажриба гуруҳларида машғулотлар тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган виртуал технология асосида, назорат гуруҳларида эса анъанавий услубда амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида тавсия этилаётган технология бўйича тадқиқотчи ва юқорида баён этилган олий таълим муассасаларининг тегишли чет тиллар кафедраси мутахассислари иш олиб бордилар.

Тадқиқот хусусиятидан келиб чиқиб, амалга оширилган тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларда инглиз тилни ўрганишга йўналтирилган виртуал технологиянинг самарадорлиги ўрганилди.

Диссертациянинг юқоридаги параграфларида айтиб ўтилганидек, тадқиқот жараёнида талабаларни лингвистик компетентлигини шакллантиришда замонавий ахборот технологиялари интеграциясининг муҳим элементларидан бири бўлган электрон ўқув қўлланмани яратишга эътибор қаратилди. Дастлаб электрон ўқув қўлланмани яратиш имконини берувчи педагогик шарт-шароитлар ўрганилди, талабаларни инглиз тилидаги бошланғич билимларни ўзлаштиришга бўлган талаб ва истаклари асосида махсус методика шакллантирилди, муайян мавзулар бўйича материаллар тўпланди, мавзунинг ўзи ва йўналишига кўра ўқув материаллари туркумларга ажратилди, шунингдек, амалий фаолиятни ташкил этишда самарали бўлган методлар танланди. Замонавий ахборот технологияларига асосланган электрон ўқув қўлланмалар асосида ўқув материалларини дарс жараёнида талабаларга етказишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири намойиш этиш, кўрсатиш, тушунтириш ҳамда амалий бажариш усуллари бугунги кунда машғулотларни самарали ташкил этишга катта ёрдам бермоқда.

Қуйида «Хорижий тил» фани бўйича яратилган электрон ўқув услубий қўлланма асосида амалий машғулотларни ташкил этиш методикаси

тўғрисида сўз юритилади. Ушбу ўқитиш услубида, анъанавий усуллардан фарқли равишда, ўқитиш мақсади, мазмуни, шакли, воситаси ва методикаси каби таркибий қисмлари орасидаги узвий боғлиқлик ахборот технологияларининг усул ва воситалари ёрдамида таъминланди. Бу ерда асосий ўқитиш воситаси сифатида замонавий ахборот технологиялари, мультимедиали электрон ўқув қўлланма, усул сифатида фойдаланилди (14-илова, 1-6 расмлар).

Бугунги кунда анъанавий ўқитиш усуллари асосида талабаларни дарс жараёнига қизиқтириш, муаммоли ўқув дарслари ва мустақил таълим соатларини самарали ташкил қилиш долзарб масала ҳисобланади. Шу боис фанларни ўқитишни замонавий ахборот технологиялари асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ахборот технологиялари асосида дарс ўтиш асосан, ўқитилаётган фаннинг мавзусига тегишли жараёнларни ўқув қўлланмалар, виртуал стендлар асосида образли кўринишда ифодалаш ва талабаларга етказиб бериш орқали амалга оширилади.

Талабаларнинг мазкур бўлим бўйича хорижий тилдаги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда компьютер воситасида дарс ўтиш катта самара беради. Талабалар ўқув материалларининг мазмунини тушуниб етиши учун уларга компьютердаги дастур намойиш этилади. Талабаларнинг компьютерда тегишли мавзулар устида амалий шуғулланиши туфайли уларнинг хорижий тилдаги билимини кўникмага, кўникмани эса малака даражасига ўстиришга имконият яратилади.

Нофилологик таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатдики, талабалардаги инглиз тилни ўрганиш мезонига кўра улар бир неча гуруҳларга ажратилди.

Биринчи гуруҳга кирувчи талабалар ўрганаётган инглиз тили уларнинг келажакдаги касбий фаолиятида муҳим ўрин тутишини, шу тил воситасида хорижлик ҳамкасблари билан мулоқот қила олиши ва касбига хос янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб боришлари мумкинлигини яхши англаб етадилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб талабалар чет тилини ўзларининг бўлажак касбий фаолиятлари билан боғлай олмайдилар, унинг ролини ҳам аниқ ҳис қилмайдилар, инглиз тили улар учун кераксиз фандек кўринади.

Учинчи гуруҳ талабалар эса инглиз тилини шахсий қизиқиш асосида, яъни келажакда чет элга чиқса, керак бўлиб қолади, деган мақсадда ўрганадилар.

Тўртинчи гуруҳ талабаларида инглиз тилини ўрганишга нисбатан қизиқиш ўзгачароқ. Улар хорижий тилга мутахассислик дипломини олиш учун керак бўлган мажбурий фанлардан бири сифатида қарайдилар ва паст баҳо олмасликлари учун яхшироқ ўрганишга ҳаракат қиладилар. Ушбу гуруҳдаги талабалар ҳам ўрганаётган чет тилини ўзларининг бўлажак касби учун қанчалик зарур эканлигини аниқ ҳис қилмайдилар.

Кўриниб турибдики, талабаларнинг чет тилини ўрганишга нисбатан қарашлари таълимни қай даражада ташкил этилишига, виртуал технологияларни татбиқ этишга боғлиқ бўлиб, талабаларда фанни ўзлаштиришига бўлган қизиқиши янада ортишига сабаб бўлиши аниқланди.

I боб бўйича хулосалар

1. Замонавий таълим муҳитида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришда виртуал технологиялардан фойдаланиш масаласи долзарб илмий тадқиқот муаммоси бўлиб, унинг илмий-назарий ва методологик асосларини чуқур ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш, хулоса ва тавсиялар асосида илгари сурилган назарий ғояларни амалиётга татбиқ этиш замон талабларига мос ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг гаровидир.

2. Мазкур муаммонинг ечимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик, идоралар ҳамда таълим ва ўқитувчи мақоми борасидаги халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари; таълим сифатини таъминлаш ва компетентли ўқитувчи кадрлар тайёрлаш борасидаги халқаро илмий ғоялар ва ижобий тажрибанинг мазмун ва моҳияти; хорижий ва

мамлакатимизнинг етук педагог, филолог, психолог, методист, социолог олимларининг компетенция ҳақидаги илмий-назарий қарашларининг моҳиятини давр, жамият талаби нуқтаи назаридан билиш ва унга амал қилиш, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашнинг ғоявий пойдевори ҳисобланади.

3. Болонья декларациясига мувофиқ қабул қилинган CEFR (Common European Framework of Reference for Language) Европа стандарти виртуал технологиялар асосида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш ва баҳолашда муҳим рол ўйнайди [1].

4. Виртуал технологиялар асосида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш мазмунини давр талаблари асосида такомиллаштириш кўп жиҳатдан педагог, психолог, методист, социолог ва бошқа мутахассис олимларнинг назарий ғояларига таянишни тақозо этади.

5. Талабалар лингвистик компетенциясини шакллантиришнинг самарадорлиги мавжуд умумқасбий компетенцияси турлари мазмун ва моҳиятини чуқур билиш асосида лингвистик компетенция типологиясига амал қилишга боғлиқ.

6. Мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда талабаларда лингвистик компетентликни виртуал технологиялар ёрдамида жорий этишнинг лингвистик имкониятлари қамрови аниқланди.

8. Ижтимоий тармоқлардан қай тартибда фойдаланиш биз ёшларнинг ўзимизга боғлиқ. Ижтимоий тармоқлардаги керакли маълумотларнигина қабул қилишимиз ва кераксиз маълумотларга бефарқ қарашимиз фойдадан холи бўлмайди.

II БОБ. ВИРТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАРДА ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИНГ ДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари

Диссертациянинг 1-боби таҳлили шундан далолат берадики, виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш асосида замонавий дарс самарадорлигини ошириш, талабаларга инглиз тилини ўргатишга йўналтирилган инновацион жараённинг мазмуни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни тобора мустақамланиб бормоқда. Буни барча соҳаларда, айниқса таълим соҳасида яққол кўриш мумкин. Ана шундай долзарб бир пайтда юрт келажаги бўлган ёшларга хорижий тилларни пухта ўргатиш муҳим вазифа ҳисобланади. Қолаверса, бугунги глобаллашув шароитида хорижий тилларни билиш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий ва маданий тараққиёти учун улкан аҳамият касб этади.

Энг аввало бир мавзуга тўхталиб ўтсак, XXI аср интеллектуал етуклик асри деб бежиз айтилмади. Бугунги кунда ҳеч бир хонадонни электрон ускуналарсиз тасаввур қилиш жуда қийин. Шундай экан ахборот асрида компьютердан фойдаланишни билиш ва ундан мақсадли фойдаланиш ҳар биримиз учун замон талабидир.

Шу ўринда нофилологик таълим йўналишлари талабаларини инглиз тилини ўрганиш жараёнида бир муаммоли савол қийнайди: «Инглиз тилини қандай қилиб тез ва осон ўрганиш мумкин?». Бунинг учун талаба ўзининг қабул қилиш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда турли методлардан фойдаланиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳозирда замонавий АКТ воситалари ҳам талабаларга чет тилини ўрганишда катта имкониятлар яратмоқда.

Бугунги кунда хар қандай таълим жараёнини ташкил этишда виртуал технологияларисиз тассавур қилишимиз қийин бўлиб қолди. Мазкур таълим технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этишда виртуал технологияларнинг амалга оширилиш мазмунини ангаб этиш таълим олувчи ва таълим берувчилар учун хозирги замонда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хозирги кунда юртимизда интернет тизимини такомиллаштириш мақсадида оптик тола билан қайта жиҳозланганлиги туфайли ёшларимизнинг 70% фоизидан кўпроғи интернет тармоғи, мобил телефон, мослама ва восита иловалари (whatsapp, viber, telegram, hangout, hika) ҳамда мессенджерлардан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Юқорида келтирилган виртуал технология воситаларидан тил ўрганишда кенг қўллаш мумкин. Айниқса бугунги ёшларнинг кўпчилиги қисми интернетдан шунчаки фойдаланиш эмас, балки ундан мақсадли тарзда чет тилини ўрганиш самарали эканлигини уларга етказиш - тил ўрганишга биринчи қадам ҳисобланади. Тил ўрганишда сўзни ёд олиш эмас, балки ўзлаштирилган сўзни амалиётда қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир[47].

Халқаро майдонда рақобатбардош педагог кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш яхлит тизимининг вужудга келиши чет тилларни пухта ўзлаштирган юксак салоҳиятли педагог кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бу ўринда нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг лингвистик компетентлигини ривожлантириш катта аҳамиятга эгадир.

Бизнинг назаримизда лингвистик компетенцияни шакллантириш куйидаги таркибий босқичлардан иборат:

- ўқув жараёнини лойиҳалаштириш;
- ўқув жараёнини АКТ воситалари асосида ташкил этиш;
- лингвистик компетенцияни шакллантиришда ўқув жараёнини олиб боришда талабаларга виртуал технология моҳиятини етказиш;
- натижани баҳолаш, келгуси фаолиятини виртуал технологиялар асосида дастурлаштириш.

Албатта, бу жараёни самарали ташкил этишда нафақат ўқитувчи балки талабадан ҳам лингвистик компетентлик талаб этилади. Демак, бу жараёнда ҳар иккала субъектнинг фаоллиги, ижодий ҳамкорлиги талаб этилади. Хулоса ўрнида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- бошланғич таълим йўналиши талабаларининг лингвистик компетентлиги ривожланишида педагогик шарт-шароитлар, педагогик рефлексия, маҳорат муҳим ўрин эгаллайди;

- фонетик, лексик, грамматик кўникмалар (гапириш, тинглаб-тушуниш, ўқиш, ёзиш) каби лингвистик компетентлиги шаклланганлигини асосий даражалари ҳисобланади .

- нофилологик таълим йўналиши талабалари лингвистик компетентлигини кўрсатишда , талабалар томонидан олинган билимларини виртуал технология ёрдамида амалиётга татбиқ этиш ҳамда самарли жиҳатларини талаба томонидан англаб етиши муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун:

- талаба таълим жараёнида виртуал ва ахборот технологиялар электрон таълим ресурслари, мультимедиа тақдимотлари, медиа технологиялар, замонавий электрон ўқув-услубий материаллар, аудио-визуал воситалардан унумли фойдаланмоғи зарур;

- талабалар халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш бўйича илғор хориж тажрибасидан унумли фойдаланиши зарур.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси педагогик маҳорати юксаклишининг муҳим мезонларидан бири лингвистик қобилиятдир. Яъни, у ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги педагогик мулоқотнинг таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этишга эришиш омилидир.

Нофилоогик таълим йўналиши талабаларининг лингвистик компетенцияси шаклланишининг илк босқичи лингвистик қобилият, мантиқий-математик қобилият, жисмоний қобилият, мусиқий қобилият, хатти-ҳаракат уйғунлигидаги қобилият, шахслараро, киришимлилик

қобилияти, ўзини англаш қобилияти асосида амалга ошади [80].

Жамиятда барча фаолият турлари бўйича лаёқат албатта зарур, лекин бўлажак ўқитувчи учун лингвистик мезон энг зарури ҳисобланади. Ўқитувчининг ўқувчи, жамоа, ота-она, кенг жамоатчилик, атроф-муҳит билан бўладиган узлуксиз алоқаси унинг коммуникатив қобилиятини ривожланган бўлишини тақозо этади.

Коммуникация (лот. Communicatio – маълум қилиш, узатиш ва communicaredан – умумлаштириш, суҳбат қилиш, боғлаш, дарак бериш, топшириш) – ижтимоий ўзаро таъсир маъносини англатади. Ҳар қандай шахсий ҳаракат бошқа инсонлар билан бевосита ёки билвосита муносабатлар шароитида амалга оширилгани сабабли, у ўз-ўзидан коммуникатив йўналишни ичига олади. Коммуникатив қобилият эса ўқитувчининг ўз касбига бўлган мухаббати, маънавий-маърифий тайёргарлиги, касбий психологияси шаклланганлигини кўрсатувчи муҳим индексларидан биридир [53].

Қуйидагилар коммуникатив қобилиятнинг муҳим педагогик талаблари ҳисобланади:

- ўқитувчи ва талаба ўртасида ўрнатилган ўзаро ижодий ҳамкорлик;
- таълим-тарбия жараёнини соғлом муҳит асосида ташкил этиш;
- илмий-назарий билимни ўзлаштиришда тил қоидаларига риоя этиш, ўқитувчи ва талабанинг муомала маданияти;
- таълим-тарбия жараёни ҳисобланган иккала иштирокчи ўртасидаги ўзаро муносабат қоидаларини билиш;
- тарбия методлари, усуллари ва уларнинг моҳиятидан хабардор бўлиш ҳамда уларга риоя этиш;
- педагог этикети, талаба этикети қонун-қоидаларига зид бўлган ҳолатларнинг оқибатларини тушуниш;
- лидерлик қобилиятига эга бўлиш ва бошқалардан иборатдир [120].

Талабаларда лингвистик компетенцияни шакллантиришда муҳим роль ўйнайдиган коммуникатив компетентликнинг қуйидагилари инобатга олинади.

- фактли ахборотларни қидириш (importing and seeking factual information);
- муносабатни ўргатиш ва ифодалаш (expressing and finding out attitudes);
- муаммо ечимини топиш (getting things done);
- ижтимоийлашув (socializing);
- мулоқотни тузиш (structuring discourse);
- алоқани қайта йўлга қўйиш (communication re-pair) [82].

Шу жиҳатдан инглиз тилини ўрганувчи талабаларнинг коммуникатив компетенцияси ўзига хос педагогик шарт-шароитларни ўз ичига олади. Чунки талаба ўз она тили, ўз Ватани, урф-одатлари, анъаналари, маънавий қадриятлари билан бир қаторда ўзга миллат тили, маданияти, қадриятларини ҳам билиши, қиёсий таҳлил қилиш, хулоса чиқариш, қарор қабул қилиши зарур. Бу ўринда ўқитувчининг педагогик рефлексияси (фикр алмашуви), педагогик таъсир кўрсатиш талабанинг фан бўйича чуқур билим эгаллаши омили ҳисобланади. Инглиз тили дарсларида ўзаро фикр алмашиш жараёнининг узлуксизлиги, маълумотларнинг қиёсий таҳлили, ишончлилиги, объективлиги муҳим аҳамиятга эгадир [86].

Педагог-олимларнинг фикрларига кўра ўзаро фикр алмашиш омиллари билан бевосита боғлиқ бўлган коммуникатив компетенциянинг талабани ишонтириш, унинг онгига таъсир этиш, ўзгаларга тақлид қилиш каби йўналишлари мавжуддир.

Талаба инглиз тили машғулотида фан мазмунида ифода этилган назарий ғоя, қиёсий таҳлиллар асосида чиқарилган хулосалар, дунёқараши, онги, ахлоқ-одоби, хатти-ҳаракати, сермазмун нутқи, фикр-мулоҳазаларга ишонади. Ушбу воситалар орқали келажакда инглиз тилининг ўзига хос хусусиятлари, тили ўрганилаётган мамлакат, асосан АҚШ, Буюк Британия тарихи, географияси, демографик ҳолати, миллийлик жиҳатлари, урф-

одатлари, анъаналари, маданияти, санъати, иқтисоди, сиёсати ва бошқалар ҳақидаги фикрлар асносида ўз исботи ва далилларини ўқувчилар онгига сингдиради [41].

Электрон ресурсларни яратиш ва ушбу ресурслар билан чет тилини ўқитишни ташкил этишда мультимедия технологияларидан фойдаланиб, шахсга йўналтирилган ёндашувнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлган бакалавр-талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириши, ўз шахсий тажрибаларига эга бўлишлари билан изоҳланади. Бу эса уларни мультимедия ўқув материалларидан самарали фойдаланиш орқали ўз фаолияти натижаларини қулай ва тушунарли шаклда тақдим эта олишларига олиб келади. Шахсга йўналтирилган таълим доирасида бундай материаллардан фойдаланиш умуман таълим жараёнини такомиллаштиришга, бакалавр-талабанинг яхлит, интеллектуал ва ахборот-саводли шахсини шакллантиришга ёрдам беради [39].

Шу тариқа, нофилологик таълим йўналишидаги бакалавр талабаларни касбий тайёрлаш жараёнига мультимедия воситаларини жорий этиш учун биз яратган модель лингвистик компетенцияни шакллантириш тизимининг структураси ва мазмунини очиқ беришга имкон беради ва тадқиқотимизнинг мақсад ва вазифаларига жавоб беради. Компетентлик муаммоси нафақат педагогика фанининг тадқиқот объекти ҳисобланади, балки бошқа соҳаларда ҳам мазкур муаммога оид ёндашувлар мавжуд.

Илмий маълумотларга қараганда тинглаш мулоқот жараёнининг 45% фоизини ташкил этади. Тинглаб тушуниш кўникмасининг намоён бўлиши қисман, нотўлиқ, қониқарли, аъло ва қониқарсиз бўлиши каби параметрлардан иборат бўлиши мумкин. Мазкур ҳолат эса қатор омилларга, хусусан тилга доир қонуниятларни билиш ҳамда тушуниш даражаси, нутқий ахборотни тақдимот этиш шакли, мавзунинг ижтимоий характердаги долзарблиги, ижобий натижадорлиги, муҳитга таъсири, нутқдаги асосий тушунча ва ғояларни ажратиб олиш, ижтимоий ҳаётни реал ифодалаш даражаси ҳамда тингловчининг қобилият, хотира, диққат, характер, ирода

каби индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғлиқдир[46].

Бўлажак ўқитувчиларда лингвистик компетентликнинг дастлабки элементлари лингвистик компетентликни шакллантиришдаги муҳим омили сифатида педагогик фанлар орқали амалга оширилади, ҳамда талабалар педагогик фаолиятга йўналтирилади.[107].

Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш жараёни мазмунини таҳлил қилган, умумлаштирган ҳолда компетентли ёндашувнинг педагогик тизими такомиллаштирилди.

ОТМда машғулотларга тайёргарлик кўраётган талаба АКТда электрон кутубхона каталоги, маълумотлар базаси ва электрон дарсликларга киришга имконияти бўлган электрон ўқув-услубий материаллардан фойдаланиши мумкин, шу билан бирга ўз индивидуал таълим фаолиятини ўзи ташкил қилади. Бунда талаба мустақил тарзда янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши ҳамда ўқув-касбий фаолиятини ўзи бошқарган ҳолда мустахкамлаш ва чуқурлаштиришга муваффақ бўлишади [39].

2.2.Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришга доир тамойил ва ёндашувлар.

Мураккаб, машаққатли, қутилмаган ҳолатларга бой, аммо жамиятнинг зарурий эҳтиёжи ҳисобланган таълим-тарбия тизимини янгича кўриниш ва янгича мазмунда амалга ошириш, дарс жараёнида инновацион педагогик ва ахборот технологияларни самарали қўллаш орқали таълим самарадорлигига эришиш давр талабидир.

Олий таълимда компетенциявий таълимни ташкил этишда кўпроқ қуйидаги таълим принципларига таянилади:

Илмийлик тамойили амалий аҳамиятга эга бўлган назарий билимлар, фактлар, тушунчалар, қоидалар ва илмий компетенцияларни ўрганишни кафолатлайди.

Тизимлилик тамойили – ўқитиш мақсади, вазифалари, мазмуни, методлари, воситалари ва шакллари, тилнинг ўзини яхлит бир тизим шаклида тасаввур қилиш ва фойдаланишни, шунингдек, талабалар томонидан яратиладиган матнларнинг изчил, тизимли, мантиқли шаклланишига эришишни кўзда тутди.

Изчиллик тамойили – талабалар томонидан тилга оид тушунчаларни изчил ўзлаштириш, нутқий компетентцияларни босқичли кетма-кетликда шакллантириш, тил имкониятларидан мавзу талаби асосида, мақсадли фойдаланишни тақозо этади.

Кўргазмалилик тамойили – талабалар томонидан мустақил матн яратишда табиий, тасвирий, тарқатма, дидактик, аудио-видеоматериаллар, мультимедиа, интернет ва электрон ўқув воситаларидан унумли фойдаланишни кўзда тутди.

Таълим ва тарбиянинг узвийлиги тамойили таълим мазмуни, изчиллиги ва мантиқан боғлиқлиги, ўқувчилар томонидан матн яратиш жараёнида ўзаро узвийликни таъминлаш, ўқувчиларда маданий мулоқотни шакллантириш ва ривожлантиришни кўзда тутди.

Онглилик тамойили – мустақил матн яратиш компетенцияларини эгаллашда талабалардан компетентлилик даражасини онгли юксалтира билишни талаб қилади.

Тушунарлилик тамойили – янги билимларни ўзлаштиришни қулай қиладиган, асосий ғояни англашини осонлаштирадиган атама ва тушунчалардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Узвийлик тамойили – талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимлари билан янги ўрганилаётган мавзулар ўртасидаги сатҳлараро алоқадорлик сақланиши, шунингдек, имло, пунктуация ва услубиятга доир билимлар ҳам матн яратиш билан узвийликда такомиллаштирилиши назарда тутилади [109].

2.1-жадвал

Виртуал технологиялар ёрдамида нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантириш жараёнини ташкил этиш босқичлари

Босқичлар	МАҚСАД
1.Тайёрлов босқичи 2-босқич	Виртуал технологиялар асосида дарсни ташкил қилиш мазмуни талабаларни дастлабки психологик-педагогик тайёрлаш асосида амалага оширилади. Нофилологик таълим йўналиши талабаларини ўқув фаолиятига тайёргарлигини шаклланишига шарт-шароитлар яратилади. Мазкур босқичда фанининг интеграцияси амалга оширилади. Бу босқичи барча фанлар бўйича мазмун жиҳатдан ҳам бир хил бўлиши мумкин.
2.Методик босқич3-босқич	Бу босқичда виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш аниқ методик жиҳатдан тайёргарлигининг минимал репродуктивлик даражасини таъминланади. Методик босқичда ўқув жараёни 3-курсда махсус ишлаб чиқилган дастур асосида амалий инглиз тили фанида амалга оширилади.
3 . Ижодий-тадқиқий босқич 4-курс	Муайян босқичда талабаларни ўқув фаолиятга тайёрлаш тугалланади ҳамда виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш орқали уларда мустақил изланиш кўникмаси эгалланади, ишнинг самарали усуллари аниқланади ва методикалар ишлаб чиқилади. Учинчи босқичда талабаларнинг кейинги педагогик фаолиятга тайёргарлигининг шаклланганлик даражаси ташхис этилади.

Юқоридаги илмий таҳлилларга кўра виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда инглиз тили бўйича қуйидаги лингвистик компетенлигини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланди:

2.2-жадвал

Талабаларда хорижий тил фани бўйича лингвистик компетентлигини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

№	Талабаларда хорижий тил фани бўйича қуйидаги лингвистик компетенлигини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мазмуни
1	Таълим тиизимини такомиллаштиришнинг устуворлигини англаб этиш
2	Лингвистик компетентлик касбий кампнтнтликнинг таркибий қисми эканлигининг тузулиши ва мазмунини билиш
3	Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш шакл, метод ва воситаларининг моҳиятини англаш ва ўқув жараёнида қўлланишини ташкиллаштириш ҳамда назорат қилиш
4	Виртуал технологияларни амалиётга татбиқ этиш йўллариини белгилаш
5	Виртуал технологиялар асосида таълимни замонавий ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқа олиш
6	Электрон ўқув модулларини яратилиши ва сифатини назорат қила олиш
7	Модераторлар,т्यूбер, кейсологлар фаолиятини ташкил эта олиш
8	Амалий машғулотлар базаларини янгилаш ва дастурларини такомиллаштиришни назорат қила олиш
9	ОТМда ўқув-услугий фаолиятни самарали ташкил этишида виртуал таълим муҳитини ташкил этиш ва ривожлантира олиш.

Бизнинг тадқиқотимизда ўқув жараёнида нофилологик таълим йўналишларининг лингвистик компетенцияларни шакллантиришнинг 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021- ўқув йилларидаги мавжуд ҳолат ўрганиб чиқилди. Лингвистик компетентликни виртуал технологиялар ёрдамида шакллантиришга қаратилган тадқиқотлар таҳлили қилиш асосида, талабаларнинг виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентлигини шакллантириш даражалари ва мезонлари ишлаб чиқилди (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентлик даражасини аниқлаш мезонлари

№	Турлари	Мазмуни
1	Талабалар томонидан лингвистик компетентлик тушунчасини билиши	Виртуал технологиялар (ВТ) ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини ошириш мазмунини билиши дарс жараёнида АКТ татбиқ этиш технологияларини билиш қобилияти.
2	ВТ ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини оширишга оид методик билимга эга эканлиги	ВТ ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини ошириш бўйича билимларини ёшларга тушунарли, раво тилда етказа олиши, инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланиши
3	ВТ ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини оширишга доир билимларга эга бўлиши	ВТ ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини оширишда фан бўйича чуқур ва мукамал билимга эга бўлиши, мустақил таълимда янги билимларни эгаллаш қобилияти
4	ВТ ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини оширишни билиш қобилияти	ВТ ёрдамида таълим жараёнидаги таъкидланган қобилиятга эга педагоглар фанни ўқув курси ҳажмида эмас, балки анча кенг ва чуқур маънода ўзлаштирган бўлади, ўз фани бўйича ҳар қандай янгиликдан хабардор бўлади, илмий тадқиқот ишларини мустақил олиб боради..
5	ВТ ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини оширишни тушунтира олиш қобилияти	ВТ ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини ошириш ўқув материални тушунарли тарзда баён этиш, мустақил фикрлашга ундаш.
6	ВТ ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини оширишга оид кузатувчанлик қобилиятга эга эканлиги	ВТ ёрдамида талаба шахси ва рухий ҳолатлари билан боғлиқ психологик кузатиш. Бундай ўқитувчи талабанинг ҳар қандай кўз илғамас вазиятларини илғаб олади.
7	ВТ ёрдамида педагогик нутқ қобилиятига эга эканлиги	ВТ, нутқ, шунингдек имо-ишора орқали фикр ва ҳис-туйғуларини аниқ-равшан ифодалашдан иборат.
8	ВТ ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини оширишда ташкилотчилик қобилиятга эга эканлиги	ВТ ёрдамида таълим жараёни самарадорлигини оширишда талабалар жамоасини уюштириш, жиқлаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини уюштиришни назарда тутади. Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади.

**Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик
компетентлик кўрсаткичлари**

Мезонлар	Кўрсаткичлар	Услублар
Мотивацион	<p>талабанинг педагогик фаолиятга тайёргарлиги сифатида лингвистик компетентликни ривожлантиришнинг муҳимлигини аниқлаш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - талабанинг педагогик фаолиятга виртуал технология ёрдамида лингвистик компетентлигини шакллантиришга тайёрлаш; - Талаба ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро мулоқотни олиб бориш; - Талабалар лингвистик компетентликнинг таркибий (фонетик, лексик ва грамматик) қисмларига оид билимларини мустахкамлаб учун тегишли педагогик шарт-шароитлар яратиш. 	<p>анкета; «Ўқув амалиёти» сўровномаси; Амалиёт даврида талабаларни кузатиш;</p>
Когнитив	<ul style="list-style-type: none"> - Эгалланган билим, кўникма ва малака ҳамда тажрибалар асосида ўз фаолиятини тўғри ташкил қилиш ; - касбий педагогик фаолияти аҳамиятини тўғри англаб етиш; - ўзлаштирилган билимлар бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш ; - Инглиз тилида мулоқотни олиб бориш қобилияти; - Касбга йўналтирилган лексик бирикмаларни қўллаш, ўқиш ва аутентик касбга йўналтирилган матнларни тушуниш қобилияти; 	<p>хориж мутахассислари подкаст ва маърузалари мазмуни бўйича дебатлар</p>
Операцион	<ul style="list-style-type: none"> - ОТМда дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўз касбий фаолиятини тўғри ташкил қилиш малакаларга эгаллиги; - Атрофдагилар билан ижобий муносабатларни ўрната билиши; ўз фаолиятида инновацион технологиялардан фойдалана олиши; - таълим жараёнида ўзининг касбий компетенцияларини қўллай билиши; - инглиз тили бўйича (фонетик, лексик, грамматик) билимларини тизимлаштириш қобилияти; инглиз тилидан фойдаланган холда касбий билим ва кўникмаларини қўллаш; 	<ul style="list-style-type: none"> - лексик-грамматик тестлар; - диалогларда мулоқотга йўналтирилган вазиятларни моделлаштириш;
Рефлексив	<ul style="list-style-type: none"> - фикрлаш, баҳолаш ва ўқув жараёни натижалари ва ютуқларини олдиндан кўра билиш қобилияти; - шахсий ва касбий фаолиятга оид ҳаракатлар бўйича ўз-ўзини таҳлил қилиш ва шу асосда баҳолаш кўникмаси; - Мулоқот жараёнида чет тилини ўзлаштириш даражасини ўз-ўзини таҳлил қилиш қобилияти; Касбий фаолиятда хорижий тил коммуникатив компетенциянинг шаклланганлик даражаси бўйича ўз-ўзини баҳолаш; 	<ul style="list-style-type: none"> - «М. Снайдер» методи бўйича мулоқот жараёнида ўз-ўзини таҳлил қилишни баҳолаш диагностикаси анкетаси; - Хорижий тил коммуникатив компетенцияси шаклланганлиги даражаси бўйича ўз-ўзини таҳлил қилиш;

Мотивацион мезон «когнитив ва коммуникатив фаолиятга олиб келадиган ижтимоий аҳамиятга эга мотивларнинг мавжудлиги» қуйидаги таркибий қисмларга эга; чет тилини ўрганишга қизиқишнинг намоён бўлиш, АКТ ёрдамида ахборотни қидириш ва фарқлаш масалаларини намоён этиш; аудитория ва ундан ташқарида тил билан ўзаро муносабат; турли тил фаолиятига ижобий эмоционал муносабат; маданиятлараро мулоқотни давом эттириш учун юқори даражадаги коммуникатив кўникмаларни эгаллаш бўлган истак; етарли ижтимоий ҳамкорликнинг мотивацион ва қадриятли йўналиш ва қоидалари; чет тилида коммуникатив фаолиятнинг мақсад, шакл ва усуллари танлашда шахсий масъулиятни англаш» [61].

Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг чет тилини ўрганиш учун мотивацион соҳасини шакллантириш даражасини аниқлаш, шунингдек, касбий фаолиятида чет тилининг аҳамиятини англаш даражасини аниқлаш, талабаларнинг ихтиёрий ҳаракатлари ва эмоционал реакцияларининг интенсивлигини аниқлаш, уларнинг шахсий ва ижтимоий шартланган сабаблари, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини такомиллаштириш сабаблари, талабаларнинг чет тилидаги коммуникатив компетенцияни юқори даражада шакллантиришга ҳаракат қилишга ундаш бўйича вазифалар илгари сурилди[50]. Чет тилидаги мулоқотнинг мотивацион компоненти тартибга солувчи функцияни бажаради ва келажакдаги мутахассиснинг асосий хусусиятлари ва фазилатлари яратилиши асос ҳисобланади.

Мотивацион мезоннинг шаклланиш кўрсаткичи: 1) касбга йўналтирилган чет тилини ўзлаштиришга талабаларнинг масъулиятли муносабати; 2) чет тилини ўрганишга қизиқиш; 3) касбий билимларга бўлган эҳтиёжни англаш; 4) инглиз тилини мустақил ўзлаштириш фаолияти учун ички мотивларнинг мавжудлиги; 5) мотивларнинг касбий фаолиятни такомиллаштиришга йўналтирилганлиги; 6) чет тилини билишни ижодий қўллашга интилиш.

Нофилологик йўналиш талабаларининг чет тилидаги коммуникатив компетенциясини шакллантириш даражасини баҳолаш учун когнитив

мезонини танлаш талабаларнинг инглиз тилида маданиятлараро мулоқот қилиш қобилиятини баҳолаш, уларнинг суҳбатдошларини ўзаро тушуниш учун маълумот алмашиш қобилияти, касбий йўналтирилган лексик бирликлардан фойдаланиш қобилиятини баҳолаш мақсадга мувофиқлиги билан белгиланади [146].

Нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг хорижий тил коммуникатив компетентлиги шаклланганлиги даражасини баҳолашнинг операцион мезонини танлаш ўзида талабаларни ақлий англаш ва ташқи ахборотга ишлов бериш, ўқув субъектлари ўқув-идрок фаолиятини самарали амалга ошишини таъминловчи, хорижий тил (грамматик, лексик, фонетик аспект) тизимлаштирилган билимларни ўзлаштирганлигини баҳолаш, ментал фаолияти концентрациясини баҳолашнинг зарурияти, талабаларнинг ақлий фаолиятини, амалий машғулотларда рефлексия ва эмоционал реакцияларнинг ривожланганлик даражасини эркин назорат қилишни акс эттиради. Унинг шаклланганлигини намоён этувчи кўрсаткичлар қуйидагилар саналади: 1) ўзлаштирган хорижий тил бўйича билимларини касбий фаолиятида максимал қўллай олиш кўникмаси; 2) мулоқот маданияти (нутқ техникаларидан тўғри фойдаланиш); 3) касбий масалаларни ечиш учун фаолиятини лойиҳалаш ва моделлаш; 4) АКТдан касбий фаолиятида ижодий фойдаланиш кўникмаси[28].

Рефлексив мезон танлови қуйидагиларни: талабаларнинг коммуникатив ўзаро муносабат вазиятларида ўз-ўзини назорат қилиши ҳамда ўз нутқий компетентлиги даражасини тегишлича баҳолашни аниқлашни назарда тутади.

Биз тадқиқотимиз доирасида ўзимиз фойдаланган ёндашув ва ташкилий-педагогик шарт-шароитлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамиз.

Тизимли ёндашув умумий методологик тамойил сифатида фан ва инсон фаолиятининг турли соҳаларида объект ва ҳодисаларни ўрганиш учун ишлатилади, унинг моҳияти тадқиқот объектини тизим сифатида тушуниш ва

объектни мантиқ ва ишлатиладиган воситалар сифатида ўрганиш жараёнини тушуниш деганидир.[51]

Интегратив ёндашув - бу натижада янги хусусият юзага келадиган, объект, ходиса, жараён, умумийликни бирлаштирадиган минимукми сифатидаги мажмуанинг яхлит тасвири ҳисобланади[103].

Шахсга йўналтирилган ёндашув талаба ва ўқитувчининг шахсиятлари субъектлари сифатида ҳаракат қиладиган таълим жараёнининг бир тури сифатида тушунилади, чунки ўрганишнинг мақсади талаба шахсини, унинг индивидуаллигини ва қобилиятларини ривожлантиришдир[51].

Гуманистик ёндашув. 1960-1970 йилларда ўрганишга гуманистик ёндашув шаклланди. Унга кўра ўқув жараёни бевосита талабанинг индивидуаллигига йўналтирилади. Унинг қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш хорижий тилларни янада тезроқ ўрганишга ёрдам беради. Инсоннинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўйин вазиятларини яратиш орқали у жараёнга жалб қилинади. Гуманистик ёндашув ўқитувчининг шахсияти ҳали ҳам муҳим саналса-да, сезиларли даражада бўлмайди.

Коммуникатив ёндашув. Грамматик машқ, матнларни ўқиш ва таржима қилиш каби китоб орқали ўқитиш методи юқори технологияли одатий усуллари ривожланиши билан секин-аста муомаладан чиқиб бормоқда. Гуманистик ёндашув охир-оқибат бутун процедурага асосланган коммуникатив ёндашувнинг шаклланишига олиб келди.

Культурологик ёндашув. Агар чет тилини ўқитиш услубий тизимини яратилса, кўпинча культурологик ёндашув инобатга олинади. Унинг асосий мақсади маданиятлараро компетенцияни шакллантиришдир. Бунга ўрганиш ва асосий тамойиллари асосий тамойиллари асосланган. Ўқитувчи вазифани ҳисобга олган ҳолда машқлар тўпламини танлаши мумкин.

Муаммоли ёндашув. Доимий равишда ўтказиладиган ўқув машғулотларининг самарадорлигини ошириш илгари сурилади. Асосий йўналишлардан бири – бу бир муаммога асосланган таълим бўлиб, бу эса чет тилида турли аспекти ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Мутахассислар когнитив фаолият, жумладан барча онг кучлари, симулятив ижодиёт ва мустақил тарзда муаммоли топшириқларни ечиш учун воситаларни қидиришади.

Технологик ёндашув. талабаларнинг ўзаро муносабатларга киришиш, бошқариш ва таъсир этиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ коммуникатив кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди. Бу белгилаб қўйилган технологик намуналарга ва интизомга риоя этиш, мулоқот ва унинг турли шакллари, технологияси ва техникаси, самарали мулоқотнинг вербал ва новербал воситаларини билиш ва амалда қўллаш, замонавий психологик тренинглар

ташқил этиш, мулоқот соҳасида ўзини -ўзи баҳолай олиш ва ўзини-ўзи такомиллаштириш кўникамаларидир[111].

Махсус методикага асосланган ҳолда 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021-йилларда амалга оширилган тажриба-синов ишлари ГулДУ, Нукус ва ТерДУда ўказилди. Мазкур ОТМларнинг «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши 2,3,4-босқич талабалари тажриба синов ишларига жалб этилди. Дастлабки тажриба-синов ишларини ташқил этилишида бўлажак ўқитувчиларда виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликнинг шаклланганлиги бўйича олинган ташхис натижалари тажриба ва назорат гуруҳларида бир хилликни ташқил этди .

Тажриба-синов ишларининг иккинчи – таъкидловчи босқичида, махсус ташқил этилган машғулотларда олий таълим муассасаларидаги инглиз тилидан ўқитувчилари амалий инглиз тили фанида виртуал технологияларини қўллаган ҳолда талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришда ахборот технологияларини қўллаш орқали олинган сўровномалар, ўтказилган тадқиқотлар орқали шундай хулосага келиндики,

нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришда электрон ўқув қўлланмалардан инглиз тилини виртуал мухитда ўрганишда, лингвистик компетентликни шакллантиришда кенг фойдаланса бўлади.

2.5-жадвал

Тажриба майдонларида синов ишларига жалб этилган
респондент-талабалари ва ўқитувчилар

ОТМлари номи	2018-2020 йиллар		2020-2021 йиллар		Жами	
	Талаба-лар сони	Ўқитув-чилар сони	Талаба-лар сони	Ўқитув-чилар сони	Талаба-лар сони	Ўқитув-чилар сони
Гулистон давлат университети, Факультетлараро чет тиллар кафедраси	127	2	111	2	238	4
Термиз давлат университети Факультетлараро чет тиллар кафедраси	120	2	124	2	244	4
Нукус давлат педагогикаинститути Чет тиллар кафедраси	113	2	125	2	238	4
Жами	360	6	360	6	720	12

Тадқиқот хусусиятидан келиб чиқиб, амалга оширилган тажриба-синов жараёнида виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантиришга йўналтирилган илғор педагогик технологиянинг самарадорлиги ўрганилди.

Виртуал технологиялар асосида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришда хорижий ва республика олимларининг мавзу доирасидаги илмий-назарий қарашлари, ғоялари илгари сурилган фикрлари муҳим илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади[35].

Ушбу мавзу илмий-назарий тадқиқ этилишидан аввал атамаларнинг мазмун ва моҳиятига муаллифлик ёндашуви бўлиши лозим. Жумладан,

«Компетенция» тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, унинг мазмун ва моҳияти турли соҳа олимлари томонидан турлича талқин этилади.

Компетенция – у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик. «Компетенция» (лотинча *competere* – эришаман, мос келаман, тўғри келаман). маъносини англатади [144].

Ушбу атаманинг мазмун ва моҳияти педагог, психолог, иқтисодчи, методист олимлар томонидан турлича талқин этилади. Талқинлар ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда олға сурилади. Масалан, В.И. Байденконинг «Компетенция баъзи шахсларнинг тавсифномалари (билим ва уни қўллашга оид, ҳаётий позицияси, малакаси, масъулиятига кўра) мутаносибликни ўзида намоён этиш имкониятига эга бўлишидир» фикри бунга далил бўлиши мумкин [66].

Мутахассислар фикрича «Лингвистик компетенция» тушунчаси маълум шахс лингвистиканинг моҳиятини англаши ва амалиётга татбиқ эта билишида ақс этиши билан белгиланди [55].

Лингвистик компетентлик эса – мутахассис томонидан лингвистикага оид билим кўникма ва малакаларини иш тажрибасида намоён этиш маҳорати деб белгиланди. Лингвистик компетенция тушунчаси шахсга нисбатан умумийлик касб этса, лингвистик компетентлик индивидуаллик характериға эгадир. Лингвистик компетентликнинг асосий мезони маҳсулдор фаолият, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш натижаси билан белгиланади [45].

Шу тариқа, педагог, психолог ва методист олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш натижасида лингвистик компетенция турлари ниҳоятда хилма-хил эканлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Юқорида таъкидланган компетенция турлари ОТМ нофилологик таълим йўналишлари лингвистик компетенциясини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Бу эса лингвистик компетенция типологиясини яратишга асос бўлади.

Жамият тараққиёти ижодкор инсонларнинг касбий фаолиятиға асосланади. Вақт ўтиши билан ҳар қандай илмий далиллар, ғоялар,

кашфиётлар эскириб бораверади. Шу асосда тажриба-синов ишлари олиб бориш орқали фундаментал тадқиқот ишларини бажариш илмий фаолиятнинг такомиллашувига олиб келади [142]. Шунга сабабли, биз «Виртуал технологиялар ёрдамида нофилологик таълим йўналишлари талабаларини лингвистик компетентлигини шакллантириш» махсус курсидан ишчи дастур ишлаб чиқилди(15-илова)

Ушбу дастурда нофилологик йўналиш талабаларини виртуал технологиялар асосида лингвистик компетентлигини шакллантиришга оид билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари яхлит жараён сифатида назарда тутилди.

Махсус курс асосида нофилологик таълим йўналиш талабаларини виртуал технологиялар асосида лингвистик компетентлигини шакллантириш жараёни амалга оширилди. Ушбу жараённинг самарадорлик даражаси диссертациянинг 3-бобида батафсил баён этилган.

2.3. Нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг виртуал таълим ёрдамида инглиз тилида лингвистик компетентлигини шакллантириш модели.

Янги Ўзбекистонда ахборот, виртуал ва коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши шароитида олий таълим ислохотлари амалга оширилмоқда. Компьютер ва бошқа ахборот манбаларидан нафақат билим, балки фойдаланиш қобилияти, уларни кундалик ҳаётда ўз тараққиёти учун таҳлил қилиш ва қўллаш қобилияти ҳам замонавий жамиятда муҳим омилларга айланиб бормоқда. Бугунги кунда олимларнинг виртуал таълим ҳақидаги фикрлари рўёбга чиқаётган бўлса, виртуал технологияларнинг таъсири ёшлар ҳаётида яққол кўзга ташланмоқда. Замонавий таълим, хусусан, олий таълим тизими ахборотдан кенг қўламда фойдаланиш, ва зарур шарт-шароитлар билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Юқоридаги технологияларнинг самарали интеграллашуви таълим сифатини ошириш, талабаларнинг ижодий

қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг доимий равишда янги билимларни эгаллашга бўлган интилишларига қаратилган. Шу билан бирга ёндашув, ўрганиш усуллари, таълим иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари, ўқув цикллари мазмуни ва талабаларнинг роли ўзгаради. Узоқ муддатли иш - замонавий таълим жараёнининг маъносидир, шу жумладан лингвистикада ҳам. Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида ўқув ахборотларини узатиш воситаси сифатида фаол компьютерлаштириш замонавий ахборот технологиялари имкониятларига жавоб бермайдиган анъанавий ўқув жараёнини доимий равишда такомиллаштириб боради, деган фикр илгари сурилади [100].

Виртуал таълим ва виртуал борлиқдан иборат модель билимларни эгаллашни интерфаол олиб бориш ва лингвистик компетентликни барқарор шакллантириш имконини яратади. Турли материаллардан фойдаланиш: видео ва аудио маълумотлар (лингвистик компетентликни шакллантириш учун ядро сифатида билим базаси (гиперматнли маърузалар); тест маълумотлари банки (назорат ва сертификатлаш тестлари), ўқитувчи ва тест дастурлари билан ҳисобот, мустақил иш ёрдамида виртуал борлиқ таълим вазифаларини ўрганиш ва лойиҳалашдан иборат [100].

Замонавий таълимдаги янги шакллардан бири виртуал воқелик бўлиб, унинг асосида янги билим ва кўникмаларни эгаллаш мумкин. Виртуал технология сифатида ахборот ёндашувига асосланган ва мультимедия технологиялари билан чамбарчас боғлиқ. «виртуал» ҳодиса сифатида ўзига хосликка эга. Виртуаллик қуйидагиларни: виртуал ахборот майдони, виртуал ахборот макони, виртуал таълим моделлари, виртуал таълим технологиялари, виртуал ахборот тузилмалари, ахборотнинг ўзаро таъсирини ўз ичига олади. Юқоридагилар виртуалликнинг ажралмас қисми сифатида таълим технологиялари шаклланишини белгилаб беради. Виртуал моделлаштириш ва виртуал технологиялар визуал тасаввурларни объектив борлиқ билан боғлаш учун янги омилларни яратади. Бу омиллар: макон кўлами, вақт


кўлами, вақтни орқага қайтариш, нореал вазиятларни моделлаштириш ва бошқалар саналади [31].

Виртуал технологиядан фойдаланишда талабалар лингвистик компетентлигини шакллантириш жараёнида қуйидагиларга пухта тайёргарлик кўришини талаб этади: дастурий таъминот, режа, дастурларни бошқариш учун ўқув қўлланмалари, кўрсатмаларни индивидуаллаштириш, ўқитувчиларнинг махсус тайёргарлиги. Виртуал технологиялари ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида, учинчи минг йилликнинг ақлий дунёси, маданияти ва маънавиятига таъсир қилувчи идрок фаолиятининг муҳим воситасидир. Виртуал технологиялари туфайли лингвистик таълимни ислоҳ қилиш, ахборот жамиятига нафақат лингвистик компетентликнинг, балки ақл-заковатнинг шаклланишини ва талабаларда ижодкорликнинг ривожланишини олиб кириш имконини беради. Аммо бугунги кунда виртуал технологияларининг ривожланишининг биринчи босқичларида уларни ижтимоий ва ахлоқий назорат остига олиш керак. Янги таълим стратегияси ва виртуал технологияларининг жамиятдаги ўрни ва ролидан хабардорлик талабалар учун ўқитиш даврининг қисқаришига, таълим мазмунининг ўзгаришига олиб келади [110].

Нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг виртуал таълим ёрдамида инглиз тилида лингвистик компетентлигини шакллантириш моделини лойиҳалашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир (2.1-расм): Моделни қуйидагича тасвирлаб чиқамиз:

Мақсад: нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг виртуал таълим ёрдамида инглиз тилида лингвистик компетентлигини шакллантириш учун:

лингвистик компетенция – бу ўрганилаётган тилни унинг даражалари бўйича маълумотлар тизимини билиш эканлигини унутмаслик лозим: фонемик, морфемик, лексик, синтактик. Талаба хорижий тил тизими ҳақида тушунчага эга бўлиши ва уни амалда қўллай олиши лозим.



2.1 Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш модели

Талабалар гапларини грамматик ва синтактик жиҳатдан тўғри тузиши ва ўз нутқида тил эгалари қўллайдиган нутқнинг семантик қисмини тушуниш ва амалда қўллаш кўникмаларини ривожлантирадилар.

Бундан мақсад: ўзининг шахсий тажрибаси ва бўлажак ҳамкасбининг тажрибасига асосланган «тўғри» қарорини топа олишида уни қўллаб-қувватлашдир[78].

Унга эришиш учун тадқиқот фаолиятини амалга ошириш талаб этилади. Ўз навбатида тадқиқот фаолиятини амалга оширишда қуйидаги асосий қоидаларни инобатга олиш лозим:

Ташкилий қоида: Виртуал технологиялардан таълим жараёнида фойдаланиш асосида On-line курсли мультимедиали воситалардан фойдаланган ҳолда интерфаол ва қизиқарли ўқув курслари ишлаб чиқиш, амалда қўллаш жараёнида қуйидагилар амалга оширилди:

Виртуал машғулотлар асосида On-line мультимедиали воситалардан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши мумкин, бу ерда машғулотлар виртуал хона, иштирокчи эса виртуал персонаж сифатида намоён бўлади. Фойдаланувчилар ўз виртуал персонажларини тармоқ бўйлаб мулоқоти (овозли ёки матнли) чоғида рухий кечинмасини бошқаришлари мумкин. Шунингдек улар виртуал интерфаол муҳити билан ўзаро муносабатни йўлга қўя олади. Масалан, ўқитувчи виртуал тарзда маълум бир видео ёки вебинар шаклида машғулотини ташкил эта олади. Шу тариқа, замонавий виртуал ва тармоқ технологияларини қўллаш, анъанавий дарсларни виртуал дарсларга алмаштиришни юқори сифат даражасига кўтаради. Бунда албатта қуйидаги ташкилий қисмларни унутмаслик лозим, хусусан режалаштириш, ташкилий масалалар ва виртуал таълимда қўлланиладиган ўқитишнинг турли метод ва шакллари қўллаган ҳолда олиб боришни ҳам унутмаслик лозим [20].

Иқтисодий қоида: Фаол ўрганиш талабанинг ўз фаолияти асосида янги ахборотни ўзлаштириши, кашфиёт, синов ва хатоликлари орқали ўрганиши, қайси ахборотни қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳамда ундан келажакда қай йўсинда фойдаланиши борасида ўз қарорини қабул қилиши

жараёнларида фойдаланишини англатади. Бу мухитнинг бир қисми сифатида танқидий фикрлаш ва талаба ўз позицияси борасида бахслашиши, шунингдек, гуруҳдаги бошқа талабаларнинг фикрларини инобатга олишга эътибор берилади. Бу жараён эса талабани тегишли маълумотларни танлаш ва таҳлил қилиш учун креативлик фаолиятини амалга оширишида рағбатлантириш муҳим саналади.

Ҳозирги кунда ахборот ва глобал ахборотлаштириш жамият тараққиётининг энг муҳим омилларидан саналади. Қолаверса, муваффақиятга йўналтирилган таълим тизими жамиятдаги мавжуд кадриятлар асосида курилади, ривожланиш даражаси билан боғлиқ ва ундан олдинда бўлган ўзгариш тенденцияларини ҳисобга олади.

Босма нашрдаги дарслик, ўқув қўлланма, материалларнинг ўрнини айна пайтда интернет тизимида замонавий талабларга жавоб берадиган электрон дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа материаллар эгалламоқда, бу эса ўз навбатида бошқа манбалардаги янги нашрларни сотиб олишга зарурият қолдирмаяпти.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда, шуни айтишимиз мумкинки, талабаларни замонавий виртуал технологиялар асосида хорижий тилларни ўрганишга йўналтириш ва уларнинг тил билиш кўникмаларини шакллантирган ҳолда мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига кўшилиши учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

Ижтимоий-педагогик қоида: Хорижий тилни ўқитишда талабаларга тили ўрганилаётган мамлакат маданияти, урф-одатлари, тарихи ва қахрамонларини ўргатишда, биринчи навбатда ўз она ватани маданияти, маънавияти, урф-одатлари, тарихи ва улуғ зотлари билан солиштирилган ҳолда ўқитилишини унутмаслик лозим. Бу ерда нафақат ўз умуминсонийлик туйғуси, ўз халқи кадриятини ардоқлаш, балки маданиятлараро кадриятларни ҳам назарда тутиш лозим бўлади [128].

Моделга кўра юқоридаги қоидалар негизида қуйидаги *вазифалар* жойлашганлигини кўриш мумкин:

1. Талабаларни хорижий тилларга қизиқишини ошириш, нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришнинг дидактик воситаси сифатида виртуал технологиялардан фойдалана олиш даражалари ва уларни танлаш мезонларини аниқлаш;

2. Талабаларда «Инглиз тили» фани бўйича лингвистик компетентликни шакллантиришда виртуал технологиялардан фойдаланишнинг самарали механизмни қўллашда виртуал дидактик ўйинлар типологиясини моделлаштириш орқали такомиллаштириш;

3. Виртуал технологиялар ёрдамида нофилологик таълим йўналишлари талабаларни лингвистик билимларини (фонетик, лексик, грамматик гапириш, ўқиш, тинглаш, ёзиш) шакллантириш виртуал таълим муҳитида баҳолаш мезонлари ва сифат кўрсаткичларини ҳамда тажриба-синов жараёнида амалга татбиқ этиш асосида тегишли ҳулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Виртуал технологиялар асосида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришга оид илғор ёндашувлари аниқланди:

Тизимли ёндашув умумий методологик тамойил сифатида фан ва инсон фаолиятининг турли соҳаларида объект ва ҳодисаларни ўрганиш учун ишлатилади.

Чет тилини ўрганишга тизимли ёндашувни олий таълим муассасаларидаги талабаларнинг бутун фаолияти давомида ва бўлажак касбий фаолиятларида қўллаш мумкин .

Чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўрганишга тизимли ёндашув муаллифлик электрон ўқув материалларида баён этилган бўлиб, унда грамматик, фонетик ва лексика кичик тизимлар сифатида келтирилган.

Тизимли ёндашув ёрдамида тилнинг кучли ва юқори сифатли ўзлаштирилишини кафолатлайдиган гипералоқалар шакллантирилади. Тизимли тамойил тадқиқотимизда махсус қўлланадиган лойиҳавий, коммуникатив ва масофавий усулларда фойдаланилади.

Тизимли ёндашуда PowerPoint дастурий муҳитида яратилган ўқув

материалини тақдим этиш чоғида индикатив ҳаракатларни амалга оширадиган услубий методлар муҳим рол ўйнайди. Бундай ҳолда, тизимли талаба-ўқитувчи ўз-ўзаро таъсири, шунингдек, бакалавр талабалари томонидан ўқув материални илғор англаш ва ўзлаштиришда ўқитувчининг йўналтириш фаолияти амалга оширилади. Шунинг учун, ҳар қандай материални, айниқса, чет тилида тақдим этишда (масалан, мақола, предлог, мураккаб қўшимча ва ҳоказолардан фойдаланиш), дарҳол кўрсатмаларни онгли бажариш учун тизим шароитлари сифатида намоён этиш керак.

Тизимли ёндашув билан лексик материални тақдим этиш дастлабки босқичда нутқ қисмлари тизимини жумла тузишда синтактик таҳлил учун мос ёзувлар нуқтаси сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Тизимли ёндашув асосида янги лексик бирликларни қўллаш нутқ қисмларида амалга оширилади ва шахсий ўқув луғатларини сақлаш ҳам тақлиф этилади. Буларнинг барчаси жумла таркибидаги тегишли бўлақларни эга, кесим, аниқловчи, ҳолат, тўлдирувчи сифатида ишлатиш имкониятини осонлаштиради [39].

Бизнинг тадқиқотимизда биз касбий компетентликнинг лингвистик компетентлигининг нофилологик таълим йўналишидаги бакалаврларининг лингвистик компетентлигини виртуал технологиялардан фойдаланган ҳолда, очиклик, иштирокчиларнинг ўзаро мулоқоти тармоғи, умумий билимни тўплаш, ижтимоий тармоқ асосида ўзаро баҳолаш ва назорат қилиш имконияти каби хусусиятларга эга бўлган таълимий портал алоқалари муҳитини яратишга имкон беради.

Интегратив ёндашув - бу натижада янги хусусият юзага келадиган, объект, ҳодиса, жараён, умумийликни бирлаштирадиган минимукми сифатидаги мажмуанинг яхлит тасвири ҳисобланади[101].

Биз лойиҳа усули, ролли ўйинлар, кейс-технологиялари каби педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитиш усулларини интеграллаштирганликни ўз ичига олган услубий ва мазмунли ёндашувнинг иккита ишни кўриб чиқамиз.

Ўқув ва мустақил таълимни ўз ичига олган чет тилини ўрганишга интегратив ёндашувнинг мазмун жихатидан ишни амалга оширишда интерфаол усул ва таълим шаклларида фойдаланамиз (кейс-методи, лойиҳа методи, веб-портфелио, вебинар, тармоқ, электрон ўқув материалларини мустақил ўрганиш), бу ерда талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантиришга интилишига олиб келадиган муаммоли вазифалар алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Виртуал воситалар орқали инглиз тилини тилини ўқитишда интегратив ёндашувдан фойдаланиш натижалари қуйидагилар саналиши мумкин:

- ўқув-билиш фаолиятини жадаллаштириш ва тизимлаштириш;
- асосий компетенцияларни, хусусан, коммуникатив компетенцияни шакллантириш;
- ахборот таълим маконида самарали маданиятлараро мулоқотга тайёр бўлажак ўқитувчини шахсини шакллантириш;
- нофилологик таълим йўналиш талабаларининг инглиз тилини билиш кўникмаларини шакллантириш; бўлажак бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув фаолиятида ҳар томонлама ривожлантириш;
- фикрлашнинг ўзгарувчанлигини шакллантириш, ўқитувчи шахсининг янги типини шакллантириш.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг мазмуни , талабаларнинг шахсий хусусиятлардан келиб чиқиб, уларнинг мақсад ва эҳтиёжларини, уларнинг тил ўрганишдаги стратегия ва мотивацияларини ҳисобга олишга асосланади. Бу ёндашув ёрдамида, биз индивидуаллаштириш тамойилини қўллаш, бир вазият ўз-ўзини рўёбга учун яратилганлиги, уларнинг қобилиятларини ошкор, касбга йўналтирилган вазифаларни ечиш усулини танлаш тўғрилигига ўз-ўзига бўлган ҳурматни оптималлаштириш, деганидир [30].

Гуманистик ёндашув. 1960-1970 йилларда ўрганишга гуманистик ёндашув шаклланди. Унга кўра ўқув жараёни бевосита талабанинг индивидуаллигига йўналтирилади. Унинг қизиқиш ва эҳтиёжларини қондириш хорижий тилларни янада тезроқ ўрганишга ёрдам беради.

Инсоннинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўйин вазиятларини яратиш орқали у жараёнга жалб қилинади. Гуманистик ёндашув ўқитувчининг шахсияти муҳим саналса-да, сезиларли даражада бўлмайди. Гуманистик ёндашув таълимнинг бир қатор муқобил усулларини шакллантиришга олиб келди. Уларнинг мақсади чет тилини ўрганиш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Бу ноанъанавий усуллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Жисмоний ҳаракатларга таяниш.
- «Коллектив» усули
- «Жим ўрганиш».
- Нейро-лингвистик дастурлаш.

Баъзи усуллар ўз қийматини исботлади ва ўз функцияларини сақлаб қолди. Педагогика ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш учун турли усулларни бирлаштирди.

Коммуникатив ёндашув. Грамматик машқ, матнларни ўқиш ва таржима қилиш каби китоб орқали ўқитиш методи юқори технологияли одатий усуллари ривожланиши билан секин-аста муомаладан чиқиб бормоқда. Гуманистик ёндашув охир-оқибат бутун процедурага асосланган коммуникатив ёндашувнинг шаклланишига олиб келди.

Анъанавий грамматик-таржима усуллари тил кўникмаларини шакллантирмайди. Талаба турли матнларни юқори даражада ўқиш ва таржима қилишга қодир, аммо у реал ҳаётда чет тилидан ўзлаштирган билимини қўллай олмайди. Коммуникатив ёндашув грамматик билимларни оғзаки ва ёзма қобилиятлари шаклида ишлатишга имкон беради.

Асосий вазифалардан бири бу сўз бойлигини бойитишдир. Бироқ, янги сўзлар нафақат пассив, балки фаол шаклда ҳам сақланиши керак. Бошқача қилиб айтганда, талаба нафақат сўзнинг таржимасини билиши, балки уни нутқда ёки ўз матнларини тузишда ишлата олиши лозим.

Кўникмаларни ривожлантириш учун оддий машқ сифатида тасодифий гуруҳ суҳбатларини келтириш мумкин. Талабалар жуфтликларга бўлиниб,

турли мавзуларда мулоқот қилишга ҳаракат қиладилар. Одатда ўқитувчи суҳбатни назорат қилади ёки етакчи саволлар билан туртки бериб туради.

Янги сўзларни ўрганиш давомида карталардаги машқлар ишлатилади. Уларда янги сўзлар ёзилган, кейин эса улар орқа томонига ўгиртирилади ва аралаштирилади. Муайян бир талаба картани тортади ва чет тилидаги мазмунини тушунтиришга ҳаракат қилади, шу орқали талабаларга ўз тахминини етказилади. Ушбу машқ янги сўзларни «ҳис қилиши» ва улар тўғри қўлланиладиган вазиятларни эслаб қолиш имконини беради.

Ўзлаштиришнинг маълум босқичида чет тилида ўқув жараёнига турли фильмлар қўлланилиши мумкин. Талабаларга фильмни кўриш жараёнида мазмуни бўйича саволлар берилади.

Коммуникатив ёндашув доирасида матнларни оддийгина ўқиш ва таржима қилиш бўлмайди. Кўп ўқитувчилар буни муҳокама орқали ташкил этадилар. Бу усул эса креатив саналади.

Ҳозирги даврда ўқитувчилар анъанавий таълимдан кўра кўпроқ замонавий таълим турини танлашмоқда. Улар турли усуллардан фойдаланиш ва ўзлари истаган натижага эришиш мақсадида турли янги метод ва усуллардан фойдаланишмоқда. Бунинг натижасида талабалар ҳам жаҳон талабларига хос таълим олишларига иштиёқларига баланд.

Культурологик ёндашув. Агар чет тилини ўқитиш услубий тизими яратилса, унда культурологик ёндашув инобатга олинади. Унинг асосий мақсади маданиятлараро компетенцияни шакллантиришдир. Бунга ўрганиш ва асосий тамойиллари асосий тамойиллари асосланган.

Тасвирланган метод хусусий ўқитиш тамойилларига асосланган бўлиб, чет тилини ўрганишнинг культурологик йўналишини назарда тутди.

Мутахассислар қуйидаги тамойилларни аниқлайдилар:

- Ўқитишнинг оғзаки йўналтирилганлиги.
- Чет тилида нутқ фаолияти хусусиятларини ҳисобга олиш.
- Ўқув жараёнида маданиятлараро мулоқот вазиятини моделлаштириш.
- Онг ва модулликни ҳисобга олиш.

- Ўз тили ва чет тилидан оқилона фойдаланиш.
- Талабаларнинг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олиш.
- Машқлар тўпламини тайёрлашда тизимлилик истаги

Оғзаки ва шартли оғзаки машқлар ҳар доим катта устуворликларга эга. Бу культурологик ёндашувда ўқув жараёнининг нутқ йўналиши тамойилидан далолат беради. Бу орқали биз маданиятлараро мулоқот кўникмаларини шакллантиришимиз мумкин[53].

Чет тили ўқитишнинг замонавий методларида луғат, имло, фонетика, грамматика, нутқ, тил, рецептив ва маҳсулдор кўникмаларга бўлиниш қабул қилинган. Бироқ, ўрганишнинг амалий мақсади бевосита маданиятлараро мулоқотни сақлаб қолиш қобилиятига эга.

Муҳим роль машқларнинг мослик тамойилига асосланган. Улар маданиятлараро таълим учун вазиятларни таклид қилиш учун мўлжалланган. Бунинг учун, аввал эгалланган билим билан бир қаторда маданият, қадрият, мулоқот мақсадлари ва кутишлар ҳисобга олиниш керак. Ўқитувчи турли жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда вазифаларни танлаши керак, шунда талабалар турли даражаларда маданиятлараро мулоқотда иштирок этишлари мумкин.

Муаммоли ёндашув. Бу ёндашувда доимий равишда ўтказиладиган ўқув машгулотларининг самарадорлигини ошириш илгари сурилади. Асосий йўналишлардан бири – бу бир муаммога асосланган таълим бўлиб, бу эса чет тилида турли аспектларни ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Мутахассислар когнитив фаолият, жумладан барча онг кучлари, симулятив ижодиёт ва мустақил тарзда муаммоли топшириқларни ечиш учун воситаларни қидиришади.

Педагогика соҳаси талаба ахборотни идрок этувчи шунчаки пассив объект эмас, балки жараённинг тўлиқ иштирокчиси бўлиши керак, деган хулосага келди. Бугунги кунда муаммоли ёндашувга асосланган таълим чет тилларни ўқитишнинг инновацион усуллари аниқланиб боради. Бу кўникмалар ўз-

ўзини ривожлантириш ва талабалар фикрлаш учун восита сифатида хизмат қилади.

Машғулотларда муаммоли ёндашувдан фойдаланадиган ўқитувчилар гуруҳдаги талабаларнинг мустақил ишларини тизимли ривожлантиришга эътибор беришлари керак. Асосий мақсад уларнинг ўзлари билим олишларига имкон яратишдир. Ижодий тасаввур, нуқтаи-назарлари ва тафсилотларга эътиборни ривожлантириш кейинги машғулотларда ёрдам беради.

Бу усулнинг асосий аспекти:

- Мантиқий, креатив ва диалектик фикрлашнинг ривожланиши;
- Анъанавий ўқув материални янада кўرғазмали қилиш.
- Муаммоли вазиятларни мунтазам ишлаши.
- Таълим тизимини яратиш.

Муаммоли вазиятларнинг асосий турлари педагогик ва психологик ҳисобланади. Улар таълимнинг барча босқичларида мавжуд бўлиб, талабалар фаолиятига ҳам, ўқув жараёнининг ўзига ҳам таъсир кўрсатади. Ўқитувчи олинган билимларни ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва назорат қилиш учун муаммоли вазият яратади.

Муаммоли вазиятларни яратиш мақсадлари:

- Турли фактларни назарий тушунтириш учун бўлган мотивация.
- Ҳаётий вазиятларни батафсил аналитик жиҳатдан таҳлил қилиш.
- Билимларни амалда қўллашни мустақил ишлаш.
- Мотивацион умумлаштириш, ва янги фактларни таққослашдан иборатдир [98].

Виртуал технологиялар асосида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришда қуйидаги илмий- назарий асослари таҳлил қилинди:

Олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналишларида хорижий тил ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, улар хорижий тил ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай

муаммолар қаторига хорижий тил таълими учун тузилган ўқув дастурлари, дарсликлар ва қўлланмаларни, шунингдек, нофилологик факультетларда тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий тайёргарлигига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда, уларни қайта ишлаш зарурияти, таълимни ташкиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни, ўқув хоналарини замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлаш, хориждаги илғор ўқитиш технологияларни ўрганиш ҳамда уларни амалиётда қўллашга қаратилган турли методик ишланма ва кўрсатмалар тузиш каби масалаларни киритиш мумкин.

Турли мутахассислик факультетларида чет тилларни ўқитишни ташкил қилишдаги муҳим ҳолатлардан бири– талабанинг олий таълим муассасасида бўлажак мутахассис сифатида онгли равишда ўз касбий билимлари қаторида хорижий тилнинг ўрни ва ролини аниқ ҳис қилишларидадир.

Олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналишларида талабалар билан бўлган суҳбат, дарс жараёнини кузатиш, мутахассисликка йўналтирилган топшириқларни бажаришга бўлган муносабатларни таҳлил қилиш кўпчилик талабаларда юқорида қайд этилган омилларга нисбатан бефарқлик, яъни чет тилини келгусидаги касбий фаолиятда тутган ўрни ва ролини яхши тасаввур қила олмасликларини кўрсатди. Бундан ташқари биринчи босқич талабаларининг олий ўқув юртыдаги шароитга мослашиши (адаптация) даврида уларда ўрганилаётган чет тилга нисбатан зарур касбий мотивациянинг шакллантирилмаганлиги тил ўргатиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиш ҳолати ҳам аниқланди.

Нофилологик факультетларда чет тилини ўргатишда талабаларнинг бўлажак касблари билан боғлиқ касбий мотивация ҳосил қилиш уларда чет тилини ўрганиш учун бўлган истак-хоҳишнинг барқарор бўлишини таъминлайди.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда диссертацияда қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Гулистон давлат университети, Термиз давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтлари «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» бакалавр таълим йўналиши 2,3,4

босқич талабалари таркибидан тажриба гуруҳида 360 ва назорат гуруҳида 360, жами 720 нафар нофилологик таълим йўналишлари талабаларидан виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентлигининг шаклланганлик даражаси махсус сўровнома асосида аниқланди.

Тажриба синов ишлари қуйидаги уч босқичда амалга ошириш режалаштирилган бўлиб шакллантирувчи тажриба босқичи (2018-2019 йиллар)да виртуал технологиялар асосида талабаларининг лингвистик компетентлигини шаклланганлик даражасини аниқлаш учун қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- тадқиқотнинг асосий йўналиши аниқлаб олинди;
- муаммонинг назарий ва амалиётдаги ҳолати таҳлил қилинди;
- ушбу йўналишда «Хорижий тил» фанини ўқитишда виртуал технологиялардан фойдаланиш ҳолати ўрганилди;

- Тажриба-синов ишларини ўтказиш режалаштирилган олий таълим муассасаларидаги «Бошланғич таълим методикаси» кафедраларининг моддий-техник базаси, ўқув-услубий асос ва шарт-шароитлар мавжудлиги ўрганилиб чиқилди;

- режалаштирилган олий таълим муассасалари ва тажриба-синов ишларини ўтказиш учун моддий-техник, илмий-услубий асоси ва педагогик шарт-шароитлари ўрганилди;

- Тажриба-синов ишларини ўтказиш учун зарур материаллар тайёрланди;

Биринчи босқичда тажриба синов ишлари предмети билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ўрганилди. Бу жараёни ифодаловчи саволномалар тузилиб ва улар билан олий таълим муассасаларидаги бошланғич таълим кафедраларидаги иккинчи, учинчи ҳамда тўртинчи босқич талабалари билан сўровномалар (анкета) ўтказилиб, натижалари таҳлил қилинди.

Виртуал технологиялар асосида талабаларда лингвистик компетентликни шаклланганлик даражасини тажриба-синов ишлари асосида қуйидагилар аниқланди:

Тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун 2018-2019 йиллар мобайнида Гулистон давлат университети, Термиз давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтларидан , «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» бакалавр таълим йўналиши 2,3,4 босқич талабалари орасида 360 нафаридан анкета ва тест синовлари ўтказиб борилди. Тажриба майдонларидаги синов ишларига тажриба гуруҳидан 360, назорат гуруҳидан 360, жами 720 нафар талаба респондент сифатида қабул қилиндилар. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан тавсия этилаётган методиканинг самардорлигини холис баҳолаш мақсадида тажриба майдонлари бўлган олий таълим муассасаларидан жами 12 нафар (2018-2021 йилларда) инглиз тили ўқитувчилар ҳам жалб қилиндилар.

Тажриба гуруҳларида машғулотлар тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган виртуал технология асосида, назорат гуруҳларида эса анъанавий услубда амалга оширилди.

3.1-жадвал

2018-2021 ўқув йилларида тажриба майдонларида синов ишларига жалб этилган респондент-талаба ва ўқитувчилар

ОТМлари номи	2018-2019 йиллар		Жами	
	Талаба-лар сони	Ўқитув-чилар сони	Талаба-лар сони	Ўқитув-чилар сони
Гулистон давлат университети, Факультетлараро чет тиллар кафедраси	127	2	127	2
Термиз давлат университети Факультетлараро чет тиллар кафедраси	110	2	110	2
Нукус давлат педагогикаинститути Чет тиллар кафедраси	113	2	113	2
Жами	360	6	360	12

Тадқиқот хусусиятидан келиб чиқиб, амалга оширилган тажриба-синов жараёнида талабаларда инглиз тилини ўрганишга йўналтирилган виртуал технологиянинг самарадорлиги ўрганилди.

Тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тажриба синов объекти сифатида танланган Гулистон давлат университети, Термиз давлат университети, Нукус давлат педагогика институтлари бошланғич таълим йўналиши талабаларида амалий инглиз тили дарсида 2- босқич талабаларида «Socializing through social media». Ушбу машғулотда Ижтимоий ОАВдан фойдаланишда тегишли ёзиш услубидан фойдаланилади. Нутқ хусусиятларига доир ижтимоий ОАВ суҳбатида хабарларга жавоб бериш ва суҳбатларни бошлаш, суҳбатга киришиш каби қобилиятлар ривожлантирилади (Иловалар 1-3).

3-босқич талабаларига «Great lives» мавзусида видеомашғулот тақдим этилади, шу билан бирга видео машғулот орқали талабалар видеодағиқаҳрамонлар ҳақида қизиқарли маълумотларни ўзлаштирадilar. Масалан: сифат, равиш сўз туркумига оид янги сўзларни ўрганадилар. Бу ерда талабалар сифатдан равиш ясалиши ҳолатларини ўрганадилар, масалан «lovely» (севимли) сўзидан «ly» қўшимчасини олиб ташласак «love» (севги) сўзи ҳам мустақил маъно беради. Ушбу мавзу турли машқлар тизимида изоҳлаб берилган (Илова 4-5).

Нофилологик таълим йўналишларинг 4-босқич талабаларида «Quizziz.com» веб саҳифасида жойлаштирилган махсус контентда берилган «Describing people» мавзусидаги аудитория машғулотига юкланган дидактик ўйин келтирилган мавзусидаги амалий машғулотда эса талабаларга инсонларни тасвирлаб бериш орқали ўз билимларини мустаҳкамлаш имконияти берилади. Талабалар ўзларининг билимини мутаҳкамлаш билан бирга, ўз кўникма ва қобилиятларидан ишончли тарзда фойдаланадилар. Талабалар интернет, китоб ёки бошқа мавжуд тадқиқот материалларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот кўникмаларини ривожлантирадilar ва эгалланган билимларини quizziz.com веб сайтига юкланган қизиқарли

викторина тарзидаги топшириқларни гуруҳда ўзаро рақобатлашган ҳолда мустақкамлайдилар (Иловалар 6-13).

Бўлажак ўқитувчиларда инглиз тили фанини ўзлаштириш жараёнида уларнинг лингвистик компетентлигини шакллантиришда виртуал технологияларидан фойдаланиш устувор бўлганлиги тадқиқот ишлари натижасида ўз аксини топди.

Виртуал технологиялар асосида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш жараёни самарадорлигини аниқлаш бўйича қуйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

✓ Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш асосида замонавий дарс самарадорлигини ошириш, талабаларга инглиз тилини ўргатишга йўналтирилган инновацион жараённинг мазмуни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

✓ Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришда ўқув материаллари, интернет, ОАВ материаллари, мультимедия маҳсулотлари, теле-видео анжуман ҳамда виртуал-кўргазмали материалларнинг самарадорлиги ошириш лозим.

✓ Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик қобилиятларни (тинглаб тушуниш, ёзиш, ўқиш, гапириш) компетенциялари орқали намоён этишлари талаб этилади. Муҳим педагогик талаб сифатида лингвистик билимларни ўзлаштириш, етарлича малака ва кўникмаларига эга бўлиш ва амалиётда қўллай олиш белгиланди.

✓ Виртуал технологиялар ёрдамида инглиз тили фанини ўқитишда нофилологик таълим йўналишлари талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришда таълим воситаларидан самарали фойдаланишга эришишда муҳим роль ўйнайди. Мазкур таълим воситаларидан талабалар лингвистик қобилиятини ривожлантиришда уларга бериладиган ижтимоий-лингвистик материалларнинг мазмуни, долзарб муаммога бағишланганлиги, инглиз тилида мулоқот қилишга бўлган қобилияти, қизиқиши, имкониятлари, психологик хусусиятлари инобатга олинди.

Моделга биноан қуйидаги *тадқиқот методлари*, жумладан соҳа методикасига оид илмий-методик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш; таҳлил қилиш; педагогик кузатув; социометрик (сухбат, анкета, тест, интервью); тажриба-синов; мониторинг; шкалалаш; математик-статистик таҳлил; натижаларни умумлаштириш методлари қўлланилди.

Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларнинг лингвистик компетентлигини шакллантиришнинг қуйидагилари асосий воситалари сифатида илгари сурилди:

1. Ахборот таълимий ресурслар (электрон дарсликлар, электрон луғатлар, электрон илмий манбалар ва ҳ.к.).
2. Коммуникатив ва интернет ресурслари (интернет тармоғи, ижтимоий тармоқ, блог, видеочат, гиперматн, таълимий веб сайт, оммавий онлайн очик курслар).
3. АКТ воситалари (смарт доска, е-минбар, проектор, смартфон, планшет, веб камера ва ҳ.к.).

Виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантириш жараёни қуйидаги шакллар асосида амалга оширилди:

Асосий дарс шакли:

Машғулот ўтилган сана	
Машғулотни ўтган ўқитувчи Ф.И.Ш.	
Муассаса номи	
Домен	
Гуруҳ	
Талабалар сони	
Тил билиш даражаси	B1+
Модуль номи	Socializing at work (Иш жойида жамоатлашув)

Дарс номи: Socializing through social media

Аввалги машғулотда ўтилган мавзу:

Махсус ахборот учун ўқиш: Ижтимоий тармоқларга мослашиш

Машғулот мақсади

Ўқув машғулоти якунида талабалар ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб ўқиш ва ёзиш кўникмаларини амалда қўллаб ўқиш ва ёзиш кўникмаларини шакллантирадилар.

Асосий кўникмалар:

Ижтимоий ОАВдан фойдаланишда тегишли ёзиш услубидан фойдаланиш.

Нутқ хусусиятлари

Ижтимоий ОАВ суҳбатида хабарларга жавоб бериш ва суҳбатларни бошлаш

Суҳбатга киришиш

Қобилиятларини изоҳ қила олиш

Ижтимоий ОАВни амалий мақсадларда (хабар алмашиш, сўров ўтказиш, чат-суҳбат, блог постлар) қўллаш

Материаллар, восита ва реалликка боғлиқ воситалар

Босқич	Мақсад	Ўзаро муносабат	Вақт	Фаолият (кўрсатма)
1	Кириш	Ў-т	5'	Талабалардан қайси ижтимоий ОАВдан кўп фойдаланиши ва нима учунлигини изоҳлаб беришини сўранг. Улардан ижтимоий ОАВ муносабатларига қанчалик таъсир ўташиларини сўранг.
2	Тинглаб-тушуниш	Ў-т	15'	Мавзуга алоқадор видеони кўрсатинг. Талабаларга ижтимоий ОАВдан фойдаланиш ҳақида маълумотларни ёзиб боришлари айтилади.
	Ақлий хужум			Талабалардан тушунчага тегишли бўлса, видео ҳақида фикрлари билан алмашишларини сўранг 1-босқичдан).
3	Гапириш	Т	15'	Талабаларга ижтимоий ОАВ турларининг белгиларини ўз ичига олган расмни (1-расм) кўрсатинг ва саволларга жавоб беришини сўранг: - Ушбу ижтимоий ахборот воситаларидан қайси бирини ишлатасиз (рўйхатдан ўтганмисиз)? - Ўзингиз рўйхатдан ўтган ижтимоий оммавий ахборот воситалари ҳақида нима ёқтирасиз? - Ҳаётингизни уларсиз тасаввур қила оласизми?
4	Кичик гуруҳларда ишлаш	Тт Кичик гуруҳлар	15'	<ol style="list-style-type: none">1. Талабаларни кичик гуруҳларга ажратиб, 1-расмдан ижтимоий ОАВ турларидан бирини танлашларини сўраймиз.2. Тарқатмани талабаларга ижтимоий ахборот воситаларидан фойдаланишнинг ижобий ва салбий томонлари тўғрисидаги маълумотларни ўқиб, берилган материалдан фойдаланиб ижтимоий ахборот турининг афзалликлари/камчиликлари жадвалини тўлдиришларини айтинг (Илова 2). Улар, шунингдек, ўз фикрларини кўшишингиз мумкин.3. Улар тугатгандан сўнг, ҳар бир гуруҳ ўз ғояларини тақдим этишади.
5	Ўз	т-т	20'	- Талабаларга ижтимоий ахборот воситаларидан

	фикрларини асослаш амалиёти			<p>фойдаланиш билан боғлиқ маданияти борасида ўз фикрларини ёзиш ва доскага ёпиштиришлари кераклиги айтилади;</p> <p>- Шундан сўнг, бошқа талабаларнинг стикерларини ўқиб, қайси бири муҳимроқ эканини ҳал қилишлари керак;</p> <p>-Кичик гуруҳларда йўл кўйилмаслиги керак бўлган нарсаларни аҳамиятига кўра тартиблайдилар.</p>
6	Яқуний қисм	Т-т	10	Талабаларга ижтимоий ОАВ тилида ишлатиладиган қисқартмалар рўйхатини кўрсатиш (илова 3) ва улардан бирортасини ишлатишини сўранг.
7	Уйга вазифа	Т	5	Талабаларга «Cyberbully» видеосини кўриш ва сюжетда нима хато кетгани хақида қисқача ҳисобот тайёрлаш (муаммо нимада?, Сабаби нимада?, Бундай вазиятлардан қочиш учун нима қилиш керак?) кераклиги айтилади. (www.youtube.com/watch?v=be6gijWdUw4)

Ижтимоий ОАВ орқали ижтимоийлашувга доир видео материал:

«Cyberbully» номли фильм:

Кўргазмалар қуроллар

Ижтимоий ОАВ турларига доир маълумотлар (Қаралсин ; Илова 1);

Жадвал (Афзаллик/камчиликлар) (Илова 2);

Бўш стикерлар (Илова 3).

Ажратилган вақт

80 дақиқа

Дарс жараёни

Ўзаро муносабатлар

ЖИ = Жуфтликда ишлаш

ГИ = Гуруҳда ишлаш

Ў-тм = Ўқитувчи-талаба

Тм-Тм = Талаба-талаба

Т = талаба

Дарсдан қўшимча қўшимча жараёнга мўлжалланган машғулот.

Видео машғулот мавзуси: Socializing through social media

Pre – video/listening activities (видеомашғулотдан олдинги фаолият)

1. Match the words and phrases from A with the definitions in B. (A қаторидаги сўзларни В қатордаги изоҳлари билан мосланг)

A	B
1 civil rights	a) the dividing of people (because of their color)
2 self-portrait	b) a place where children live, with a new family because of problems with their real family
3 segregation	c) when a big, organized group of people refuse to use something (the buses)
4 crippled	d) political and social freedom for everyone
5 foster home	e) speak/act publicly against injustice
6 bus boycott	f) a picture of the artist, by the artist
7 protest	g) an old-fashioned word for disabled

2. Тинглаб-тушуниш чоғидаги топшириқ:

Can you guess the names of these three ladies in the picture?

Possible answers: Margaret Thatcher, Hillary Clinton, Frida Kahlo, Whitney Houston, Marylyn Monroe, Jennifer Lopez, Rosa Parks.

Post video/listening activities:

3. Видеони яна бир бор кўринг ва рост (Т) ёки ёлғонлигини (F) белгиланг (Илова 4).

4. Видеони кўриб бўлгач: Гуруҳларда ишлаш ва саволлар бўйича муҳокама қилиш (Илова 5).

Дарсдан ташқари мустақил виртуал вазифаларни қўллаш мисолида Quizziz.com веб саҳифасида жойлаштирилган махсус контентда берилган «Describing people» мавзусидаги аудитория машғулотига юкланган дидактик ўйин келтирилган.

Бу ерда кириш босқичида нофилологик таълим йўналишлари талабалари учун дарсдан ташқари виртуал вазифалар учун Quizziz.com веб саҳифасида махсус дидактик ўйинлар жойлаштирилган. Саҳифада Activityлардан талаба ўзига керакли топшириқни танлаши ёки фан ўқитувчиси томонидан дидактик ўйинга берилган махсус кодни ёки хавола орқали кириши ва берилган махсус код ёки берилган хавола ёрдамида исталган вақт контентига кириб аудиторияда ўтилган амалий машғулот топшириғини реал вақтда виртуал муҳитда бажариши, ёки ўз гуруҳдошларига телеграм мессенжери орқали

берилган хаволани улашиб реал вақтда ўйин иштирокчисига айланишлари мумкин. (Илова 6-10).

Агар талаба ўзи мустақил тарзда берилган дидактик ўйинни бажариш жараёнида ўз хатоларини таҳлил қилмоқчи бўлса, контентда хатолар таҳлили ҳам берилган. Бу билан талабалар фан доирасида эгаллаган лингвистик билимларини мустаҳкамлайдилар.

Мисол тариқасида контентдан «Describing people» мавзусидаги аудитория машғулотига юкланган дидактик ўйинини танлайдиган бўлсак шу ўйиннинг махсус коди киритамиз ва қўйидаги ойна очилади.

(Илова-9) [153].

Ойнада Жонли викторинани бошлаш ва Уйга вазифани белгилаш ёрлиқлари акс этади. Талаба ёки ўқитувчи ўзига керакли бўлган вазифалар тугмаси устига босади. Жонли викторинани бошлаш тугмасини босганда реал вақт режимида викторинага нечта иштирокчи кирганлиги кўринади, реал вақт режимида кира олмаган талабалар кечикиб бўлса ҳам автоматик тарзда викторинага кириб вазифаларни бажаришлари мумкин.

Викторинага ажраилган вақт тугагандан сўнг талабаларнинг викторинадаги рейтинги автоматик тарзда кўрсатилади ,ва энг юқори натижа кўрсатган 3 та иштирокчи турли виртуал ютуқлар ҳавола этилади.

2-боб бўйича хулосалар

Тадқиқот ишимизда лингвистик компетенцияни шакллантириш қўйидаги таркибий босқичлардан иборат эканлиги аниқланди:

ўқув жараёнини лойихалаштириш, ўқув жараёнини АКТ воситалари асосида ташкил этиш, лингвистик компетенцияни шакллантиришда ўқув жараёнини олиб боришда талабаларга виртуал технология моҳиятини етказиш, натижани баҳолаш, келгуси фаолиятини виртуал технологиялар асосида дастурлаштириш.

Юқоридаги таҳлилардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, бошланғич таълим йўналиши талабалари лингвистик

компетенетлигининг ўзига хос педагогик шарт-шароитлари, педагогик рефлексияси, йўналишлари, маҳорат мезонлари, уларнинг лингвистик компетенциясини намоён этишда, шахсий қобилиятини чархлаб боришида муҳим омил ҳисобланиб, қуйидаги тамойилларга таянилади:

тизимли ёндашув, интегратив ёндашув, шахсга йўналтирилган ёндашув, гуманистик ёндашув, коммуникатив ёндашув, культурологик ёндашув, муаммоли ёндашув, технологик ёндашув,

Талаба таълим жараёнида виртуал ва ахборот технологиялар электрон таълим ресурслари, мультимедиа тақдиротлари, медиа технологиялар, замонавий электрон ўқув-услубий материаллар, аудио-визуал воситалардан унумли фойдаланиши замонавий таълим самарадорлигини оширишнинг бош омил ҳисобланади.

Жамиятда барча фаолият турлари бўйича лаёқат албатта зарур, лекин бўлажак ўқитувчи учун лингвистик мезон энг зарури ҳисобланади. Ўқитувчининг ўқувчи, жамоа, ота-она, кенг жамоатчилик, атроф-муҳит билан бўладиган узлуксиз алоқаси унинг коммуникатив қобилиятини ривожланган бўлишини тақозо этади.

Нофилологик таълим йўналиши талабаларнинг компетенциявий таълимни ташкил этишда кўпроқ қуйидаги таълим принципларига таянилади:

илмийлик, тизимлилик, изчиллик, кўрғазмалилик, таълим ва тарбиянинг узвийлиги, онглилик, тушунарлилик, назария ва амалиёт бирлиги, узвийлик тамойилари.

✓ Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш асосида замонавий дарс самарадорлигини ошириш, талабаларга инглиз тилини ўргатишга йўналтирилган инновацион жараёнининг мазмуни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

✓ Талабаларни лингвистик компетентлигини шакллантиришда виртуал видео курслар, виртуал аудитория, электрон услубий қўлланма, оммавий

онлайн очик курслар, виртуал дидактик топшириқлар юкланувчи веб сайтларнинг самарадорлиги аниқланди.

✓ Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик қобилиятларни (тинглаб тушуниш, ёзиш, ўқиш, гапириш) компетенциялари орқали намоён этишлари талаб этилади. Муҳим педагогик талаб сифатида лингвистик билимларни ўзлаштириш, етарлича малака ва кўникмаларига эга бўлиш ва амалиётда қўллай олиш белгиланди.

✓ Нуткнинг тилдан фарқи шундаки, нутк, бир пайтнинг ўзида индивидуал рухий ходиса саналади, балки тизим сифатидаги тил эса ижтимоий ходисадир: нутк, ривожланувчан, ўзгарувчан, вазият билан боғлиқ, ва тасодифий ходисадир. Тил эса ички алоқаларнинг мужассамланган тизими бўлиб, у уз моҳиятига кўра, доимий, катъий, ўзгармас ходиса саналади.

✓ Инглиз тили фанини ўқитишда нофилоогик таълим йўналиши талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришда таълим воситаларидан самарали фойдаланишга эришиш муҳим роль ўйнайди. Мазкур таълим воситаларидан талабалар лингвистик қобилиятини ривожлантиришда уларга бериладиган ижтимоий лингвистик материалларнинг мазмуни, долзарб муаммога бағишланганлиги, инглиз тилида мулоқот қилишга бўлган қобилияти, қизиқиши, имкониятлари, психологик хусусиятлари инобатга олинади.

талабаларнинг ўзаро муносабатларга киришиш, бошқариш ва таъсир этиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ коммуникатив кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди. Бу белгилаб қўйилган технологик намуналарга ва интизомга риоя этиш, мулоқот ва унинг турли шакллари, технологияси ва техникаси, самарали мулоқотнинг вербал ва новербал воситаларини билиш ва амалда қўллаш, замонавий психологик тренинглар

ташқил этиш, мулоқот соҳасида ўзини -ўзи баҳолай олиш ва ўзини-ўзи такомиллаштириш кўникамаларидир.

Нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг виртуал таълим ёрдамида инглиз тилида лингвистик компетентлигини шакллантириш жараёнини моделини лойиҳалаштиришда мазкур тадқиқот жараёнининг барча жиҳатларининг узвий боғлиқлиги ва изчиллигига эътибор қаратилди ва муаммонинг ечимига қаратилган ўзига хослигига алоҳида аҳамият берилди.

✓ талабаларнинг ўзаро муносабатларга киришиш, бошқариш ва таъсир этиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ коммуникатив кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди. Бу белгилаб қўйилган технологик намуналарга ва интизомга риоя этиш, мулоқот ва унинг турли шакллари, технологияси ва техникаси, самарали мулоқотнинг вербал ва невербал воситаларини билиш ва амалда қўллаш, замонавий психологик тренинглار ташқил этиш, мулоқот соҳасида ўзини -ўзи баҳолай олиш ва ўзини-ўзи такомиллаштириш кўникамаларидир.

✓ Нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг виртуал таълим ёрдамида инглиз тилида лингвистик компетентлигини шакллантириш жараёнини моделини лойиҳалаштиришда мазкур тадқиқот жараёнининг барча жиҳатларининг узвий боғлиқлиги ва изчиллигига эътибор қаратилди ва муаммонинг ечимига қаратишган ўзига хослигига алоҳида аҳамит берилди.

III БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

3.1. Тадқиқот иши буйича ўтказилган тажриба-синов ишлари мазмуни

Олий таълим тизимидаги амалдаги ахборотлашган таълим муҳитининг алоҳида ахборот тизим, маълумотлар банклари, педагог ва талабаларнинг веб-сайтлари, ахборот ресурс марказлари, электрон ахборот-таълим ресурслари, виртуал лабораториялар, медиа ва видеодарслар, электрон хужжатлар алмашинув тизими, видеоконференция алоқалари, интранет тармоғидаги он-лайн танловлар тизимидаги барча иштирокчиларни фаол фойдаланувчиларга айланишига, виртуал технологияларини ўқув-тарбия жараёнига кенг жорий этилишига хизмат қилишини инобатга олиб, тажриба-тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Тадқиқотимиз доирасида нофилологик таълим йўналишлари талабаларида инглиз тилини виртуал технологиялар ёрдамида шакллантиришнинг шакл ва методлари, таълим технологиясини самарадорлиги тажриба-синовдан ўтказилди. Юқорида келтирилган илмий-назарий таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда асословчи тажриба жараёнидаги амалий фаолиятни респондент-талабалар эътиборига улар учун мўлжалланган анкета сўровини ҳавола этиш билан бошладик. Респондент-талабалар икки вариантда тайёрланган анкета сўровларига жавоб қайтардилар. Анкета сўровининг бири – олий ўқув юртларининг ўқув режасидаги хорижий тил фани дастуридаги лингвистик компетентлик моҳиятидан хабардорлик, назарий билимларга эгалик даражасини аниқлашга хизмат қилса, иккинчи анкета сўрови эса виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентлик мазмунини талабалар самарали ўрганишда билимларини амалиётга татбиқ эта олиш имкониятларини баҳолашга ёрдам беради.

Респондент-талабалар эътиборига ҳавола этилган биринчи вариант анкета сўрови ўзида қуйидаги саволларни акс эттирди:

1. Шахсан сиз умумтаълим мактабида хорижий тил фанини қай даражада ўргангансиз?

2. Сизнинг назарингизда, хорижий тил фани виртуал технологиялар воситасида лингвистик ёндашув асосида ўргатилиши керакми ?

3. Сиз таълим олаётган ОТМда ўтиладиган хорижий тил фани нофилологик таълим йўналишлари ўқув режасига киритилишга қандай қарайсиз?

4. Хорижий тилни ўрганишда лингвистик компетентликни шакллантиришда виртуал технологиялар керак ушбу фикрга қўшилмасми?

5. Хорижий тилни ўрганишда лингвистик компетентликка эгаман, деб ҳисоблайсизми? Лингвистик компетентликни виртуал технологиялар ёрдамида амалга татиқ этиш бўйича муайян тажрибага эгамисиз?

6. «Лингвистика» «Виртуал технологиялар» тушунчасини шарҳлай оласизми?

7. Шахсан лингвистик компетенциянинг тил сатҳларини қайси бири билан танишсиз?

Айни ўринда респондент-талабалар эътиборига ҳавола этилган биринчи вариант анкета сўрови юзасидан улар томонидан қайтарилган жавобларни таҳлил этишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Қуйида ана шу хусусида тўхталиб ўтамиз.

Анкета сўровининг биринчи саволи юзасидан жавоб қайтарар эканлар, 237 нафар респондент-талабаларнинг аксарияти умумий ўрта таълим мактабларда хорижий тил фанини ўрганишганлигини таъкидлашади. Уларнинг жавоблари 3.1-жадвалда қайд этилди:

3.1-жадвал

Гуруҳлар	Ижобий жавоблар сони		Салбий жавоблар сони	
	Нафар ҳисобида	Ҳоиз ҳисобида	Нафар ҳисобида	Ҳоиз ҳисобида
Тажриба n ₁ – 360 нафар	229	63,6	131	36,4
Назоратn ₂ - 360 нафар	237	65,7	123	34,3

Жадвалдан кўришиб турибдики, респондент-талабаларнинг катта қисми 237 нафари (65,7 фоиз) «Инглиз тили фанини ўрганганман», деган жавобни беришган.

Иккинчи савол юзасидан респондент-талабалар ўқув, шу жумладан, лингвистик ёндашув, виртуал технологиялар тушунчалари борасида деярли маълумотларга эга, лекин моҳиятини тўлиқ англаб етмаслигини таъкидлаб ўтадилар. Респондент-талабаларнинг жавоблари кўрсаткичлари 3.2-жадвалда акс этган:

3.2-жадвал

Гуруҳлар	Ижобий жавоблар сони		Салбий жавоблар сони	
	Нафар ҳисобида	Фоиз ҳисобида	Нафар ҳисобида	Фоиз ҳисобида
Тажриба n ₁ – 360 нафар	243	67,5%	117	32,5%
Назорат n ₂ - 360 нафар	214	59,4%	146	40,6%

Тажриба ишларининг кейинги босқичларида респондент-талабалар билан ташкил этилган суҳбат жараёнида уларнинг муайян қисми лингвистик компетентлик тушунчаси моҳияти борасида маълум маълумотларга эга эканликлари, бироқ унинг моҳиятини тўлақонли ёритиб бера олмасликлари боис ижобий жавоб қайтармасликларига урғу бериб ўтдилар.

Анкета сўровидан ўрин олган учинчи савол бўйича респондент-талабаларнинг жавоблари ижобий мазмун касб этди (3.3-жадвал).

3.3-жадвал

Гуруҳлар	Ижобий жавоблар сони		Салбий жавоблар сони	
	Нафар ҳисобида	Фоиз ҳисобида	Нафар ҳисобида	Фоиз ҳисобида
Тажриба n ₁ – 360 нафар	229	63,6	131	36,4
Назорат n ₂ - 360 нафар	163	45,4	197	54,6

Респондент-талабаларнинг тўртинчи саволга жавобларида «Хорижий тилни ўрганишда лингвистик компетентлик шакллантиришда виртуал технологиялар керак», деган фикрнинг оммавий равишда кўзга ташланишини

этиборга олган ҳолда уларни ижобий жавоблар сифатида қабул қилдик, бундай жавоблар сон кўрсаткичларида қуйидагича ифодаланади:

3.4-жадвал

Гуруҳлар	Ижобий жавоблар сони		Салбий жавоблар сони	
	Нафар ҳисобида	Ҳоиз ҳисобида	Нафар ҳисобида	Ҳоиз ҳисобида
Тажриба n_1 – 360 нафар	262	72,7	98	27,3
Назорат n_2 - 360 нафар	153	42,4	207	57,6

Респондент-талабалар лингвистик компетентликни мақсадини очиқ беришга ҳаракат қилар эканлар, инглиз тили фани бўйича муайян тажриба ва билимга эгалиklarини намоён этдилар. Бешинчи савол юзасидан уларнинг жавоблари қуйидагича бўлди (3.5-жадвал):

3.5-жадвал

Гуруҳлар	Ижобий жавоблар сони		Салбий жавоблар сони	
	Нафар ҳисобида	Ҳоиз ҳисобида	Нафар ҳисобида	Ҳоиз ҳисобида
Тажриба n_1 –360 нафар	185	51,5	175	48,5
Назорат n_2 - 360 нафар	161	44,6	199	55,4

«Хорижий тилни ўрганишда лингвистик компетентликка эгаман, деб ҳисоблайсизми? Лингвистик компетентликни шакллантиришда виртуал технологияларни амалга татбиқ этиш бўйича муайян тажрибага эгамисиз?» деган саволга респондент-талабаларнинг жавоблари 3.6-жадвалда ифодаланган:

3.6-жадвал

Гуруҳлар	Ижобий жавоблар сони		Салбий жавоблар сони	
	Нафар ҳисобида	Ҳоиз ҳисобида	Нафар ҳисобида	Ҳоиз ҳисобида
Тажриба n_1 – 360 нафар	239	66,3	121	33,7
Назорат n_2 - 360 нафар	174	48,2	186	51,8

Олтинчи савол юзасидан берилган жавоблардан англанадики, респондент-талабалар лингвистик компетентликни виртуал технологиялар ёрдамида амалга татбиқ этишда муайян қийинчиликларга дуч келадилар. Уларнинг сўз юритилаётган масалада фаоллик кўрсатишидан йироқ эканликларини аниқлашга уриндик. Маълум бўлишича, респондент-талабалар «лингвистика» «виртуал технология» тушунчаларини шарҳлаш борасида муайян тажрибага эгалар.

Еттинчи саволга жавоб қайтарар экан, тажриба ишларининг асосий иштирокчилари аввалги саволларга нисбатан ижобий жавоб қайтардилар. Жавобларга билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда «Лингвистик компетентлик» тушунчаси моҳияти респондент-талабалар томонидан қуйидагича шарҳланганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз: «Амалий хорижий тил» фани дарсларида виртуал технологияларидан самарали фойдаланиш асосида виртуал таълим муҳитини яратиш талабаларни мустақил таълим олишга, дарсларда фаоллик кўрсатишга ундайди». Ушбу жавоб мантиқан тўла ва аниқ ифодаланмаган бўлса-да, «Амалий хорижий тил» фани ўқитувчиларининг бу борада маълумотларга эга эканликларидан далолат беради. Шу боис уларни тўғри деб топдик ва жавобларнинг миқдор кўрсаткичлари асосида қуйидаги кўринишга эга бўлди (3.7-жадвал):

3.7-жадвал

Гуруҳлар	Ижобий жавоблар сони		Салбий жавоблар сони	
	Нафар ҳисобида	Ҳоиз ҳисобида	Нафар ҳисобида	Ҳоиз ҳисобида
Тажриба n_1 – 360 нафар	262	72,7	98	27,3
Назорат n_2 - 360 нафар	196	54,5	164	45,5

Қайд этилган кўрсаткичлардан англанадики, респондент-талабаларнинг оз сонли қисми (ҳоиз)ни инобатга олмаганда, уларнинг аксарияти

лингвистик компетентлик борасида маълумотларга эга. Улар ўз жавобларида лингвистик компетентликнинг тил сатҳлари «фонетика», «лексика», «грамматика», каби тушунчалар билан таниш эканликларини ифодалаганлар. Аммо ушбу тушунчаларнинг моҳиятини қисқача таърифлаш сўралганда, бу борада етарли маълумотга эга эмасликлари маълум бўлди.

Бизга яхши маълумки, нофилологик таълим йўналиши талабаларининг лингвистик билимларни, «Амалий хорижий тил» фани ўқув машғулотида ривожлантириш ва дастурида белгиланган фан асосларининг пухта ўзлаштиришларига хизмат қилиши лозим. Шу боис респондент-талабаларнинг интерфаол методларини номма-ном билишлари эмас, балки уларнинг моҳиятини етарли даражада англаб, шунингдек, амалий фаолиятда улардан самарали фойдалана олишлари муҳим саналади.

Тадқиқот доирасида амалга оширилган асословчи тажриба жараёнида ташкил этилган биринчи тур анкета сўрови натижаларининг кўрсатишича, олий ўқув юртлирида фаолият олиб бораётган «Амалий хорижий тил (инглиз тили)» фани моҳиятини талаба онгига етказиш хусусида талабалар бугунги кун талаблари асосида етарли даражада хабардор эмаслар. Ушбу хулоса ўз навбатида бизни бундай ҳолатни юзага келтиришга сабаб бўлувчи омилларни аниқлашга ундади. Шу боис респондент-талабалар ўртасида иккинчи вариант анкета сўрови ташкил этилди.

Ушбу анкета сўровининг таркибий тузилмасидан қуйидаги саволлар ўрин олди:

1. Шахсан сиз амалий инглиз тили дарсларида «лингвистик компетентлик» тушунчаси борасидаги маълумотларни қандай манба орқали ўзлаштиргансиз?

2. Сиз фаолият юритаётган ўқув муассасаси раҳбарияти томонидан виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентлик шакллантириш масаласига эътибор қаратиладими?

3. Нофилологик йўналиш талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришда виртуал технологияларини таълим жараёнида қўллаш

тўғрисида маълумот бера олувчи манбаларга эгамисиз ва уларнинг сифати Сизни қизиқтирадими?

4. Оммавий ахборот воситаларида виртуал таълим мухити маълумотларни тарғиб этишга йўналтирилган фаолияти Сизни қониқтирадими?

5. Олий таълим муассасаларида ташкил этилган семинар ва конференцияларда виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантириш тўғрисида маълумотлар олишга имконият бўлганми?

6. Ҳамкасбларингиз фаолиятини ўрганиш виртуал технологияларни амалий машғулотларда қўллаш борасида назарий билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришингизга ёрдам берадими?

7. Интернет тармоғи хизматидан фойдаланиш асосида виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантириш моҳиятини ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этасизми?

8. Олий ўқув юрти нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг лингвистик компетентлик борасидаги билимларни самарали тарғиб этишнинг қандай йўллари кўрсата оласиз?

Респондент-талабалар иккинчи вариант анкета сўровига жавоб берар эканлар, лингвистик компетентлик борасидаги билимларни асосан республикамиздаги «Ziyonet.uz» интернет портали «Ziyouz.com» интернет веб сайти саҳифаларида чоп этиладиган мақолалар, шунингдек, қисман хориж нашрлари орқали берилаётган маълумотлар асосида ўзлаштираётганликларини таъкидладилар. Кам сонли респондентлар бу борадаги билимларни махсус рисоалар ёрдамида ўрганиш имкониятига эга эканликларига урғу берганлар.

Респондентлар келтирилган жавоблардан кўриниб турибдики, тажриба ишларига жалб этилган респондент-талабалар ва уларнинг мисолида олий ўқув юртининг барча педагоглари ҳам таълимни янгича технологик ёндашув асосида ташкил этиш, ушбу жараёнда талабаларнинг фаолликларига

эришиш, шунингдек, ахборотли технологиялар хизматидан самарали фойдаланиш асосида таълим жараёнининг мувафакқиятли олиб борилишини таъминлаш ғоясини ифода этувчи ижтимоий заруриятни чуқур ҳис қилганлари ҳолда бу йўлда фаоллик кўрсата олмаётганликларини ифодалаганлар. Таҳлиллар натижасининг кўрсатишича, ушбу ҳолатни юзага келтираётган сабаблар орасида педагогик технология назарияси моҳиятини ёритувчи маълумотларнинг танқислиги, хусусан, махсус адабиётларнинг етарли эмаслиги, мавжуд адабиётларда эса аксарият ҳолларда ўта илмий хусусиятга эга қарашларнинг ёритилиши амалиётчи ўқитувчилар томонидан ушбу ғояларни ўқув жараёнига татбиқ этиш имкониятини бермаяпти. Ўқитувчилар ўқув жараёнида педагогик технологияларни самарали қўллашга оид кўрсатма ёки тавсиялар, дарс ишланмаларидан намуналар берилишига эҳтиёж сезмоқдалар.

Нофилологик таълим йўналишлари талабаларида виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантиришнинг амалиётга кенг татбиқ этиш АКТ мутахассиси ва инглиз тили фанидан ўқув машғулотлари олиб борувчи педагоглар ўртасида ўзаро ижодий ҳамкорликнинг ўрнатилиши ҳисобига таъминланади. Ушбу ҳамкорликни таъминловчи восита эса виртуал технологиялар ва лингвистик компетентликнинг моҳияти, тамойиллари, амалиётга татбиқ эта олиш шартлари, босқичлари ва ҳоказо жиҳатлари борасида тўлақонли маълумот бера олувчи манбалар бўлиши керак».

Муаммонинг мавжуд ҳолатини ўрганиш ва бу тўғрисида мавжуд маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлаш мақсадида тажриба майдони сифатида танланган олий ўқув юртининг бир гуруҳ талабалари ҳам тажриба ишларига жалб этилдилар. Дастлабки босқичда уларнинг эътиборига «Амалий хорижий тил» фани ўқитувчилари томонидан таълим жараёнини ташкил этишга янгича ёндашувнинг шаклланганлигини аниқлашга хизмат қилувчи анкета сўрови ҳавола этилди. Анкета сўрови қуйидаги саволлардан ташкил топди:

1. ОТМ да «Амалий хорижий тил(инглиз тили)» фани ўқув машғулотларининг ташкил этилиши эҳтиёж ва талабларингизга жавоб берадими?

2. Муайян мавзулар, хусусан, лингвистик коомпетентликни сатҳларини ўрганишга йўналтирилган машғулотларнинг ноанъанавий шаклларда ташкил этилишига аҳамият бериляптими?

3. «Амалий инглиз тили» фани дарсларида ўқитувчи томонидан талабаларнинг мустақилликлари рағбатлантириб бориладими?

4. Инглиз тили фонетикаси, лексикаси, ва грамматикаси мазмунини пухта ўзлаштиришга йўналтирилган машғулотларда ўқитувчи ҳамда талабаларнинг роли қандай белгиланмоқда?

5. Шахсан сиз виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик коомпетентликни шакллантиришда етарли даражада фаоллик кўрсатаяпман, деб ҳисоблайсизми?

6. Лингвистик коомпетентликни шакллантириш , шунингдек, «Амалий инглиз тили» фани дарсларининг самарали ташкил этилиши йўлида қандай муаммолар мавжуд, деб ҳисоблайсиз?

Саволноманинг таркибий тузилмасидан жой олган биринчи саволга жавоб қайтарар эканлар респондент-талабаларнинг аксарияти «Амалий инглиз тили « дарсларида уларнинг эҳтиёж ва талаблари маълум даражада қондирилаётганини таъкидлаб ўтганлар. Бизга яхши маълумки, таълимнинг самарадорлиги унинг таълим олувчи талабаларнинг эҳтиёжларини тўла қондира олиши билан белгиланади. Жавоблар қуйидаги кўрсаткичларда намоён бўлди (анкета сўровида 720 нафар респондент-талабалар иштирок этдилар, тажриба ҳамда назорат гуруҳларининг респондентлари томонидан қайтарилган жавоблар ўзаро нисбат тарзида ифодаланади, яъни, суратда тажриба, махражда эса назорат гуруҳларининг респондентларига тегишли жавобларнинг миқдор кўрсаткичлари берилади):

1) ОТМ да «Амалий хорижий тил(инглиз тили)» фани ўқув машғулотларининг ташкил этилиши эҳтиёж ва талабларимни маълум даражада қондиради: $\frac{265}{185}$ нафар;

2) «Амалий инглиз тили» фани дарсларининг ташкил этилиши эҳтиёж ва талабларимни қондира олмайди: $\frac{195}{190}$ нафар;

3) аниқ жавоб қайтара олмайман: $\frac{12}{65}$ нафар.

Иккинчи саволга жавоб қайтариш чоғида респондент-талабалар ўқув машғулотларида лингвистик компетенция шакллантириш анъанавий шакл ва усулларда олиб борилишини таъкидлаб ўтганлар. Чунончи:

1) лингвистик компетенция шакллантириш ноанъанавий машғулотлар асосида кечади: $\frac{285}{210}$ нафар;

2) «лингвистик компетенция шакллантириш» анъанавий машғулотлар жараёнида кечади: $\frac{150}{180}$ нафар;

3) аниқ жавоб қайтара олмайман: $\frac{7}{60}$ нафар.

«Амалий инглиз тили» фани дарсларида талабаларнинг фаолликлари ўқитувчилар томонидан рағбатлантирилиб борилиши юзасидан фикр юритилар экан, респондент-талабаларнинг бу борадаги фикрлари бир-бирига зиддир, яъни:

1) «Амалий инглиз тили» фани дарсларида ўқитувчи томонидан талабаларнинг мустақилликлари рағбатлантирилиб борилади: $\frac{250}{200}$ нафар;

2) «Амалий инглиз тили» фани дарсларида ўқитувчи томонидан талабаларнинг мустақилликлари рағбатлантирилиб борилмайди: $\frac{150}{210}$ нафар;

3) аниқ жавоб бера олмайман: $\frac{40}{30}$ нафар.

Тўртинчи савол юзасидан респондент талабалар томонидан берилган жавобларнинг асосий қисми салбий мазмун касб этади. Бундан кўриниб турибдики, аксарият «Амалий инглиз тили» фани ўқитувчилар таълим

жараёнида фонетика, лексика, грамматикага оид билимларни нофилологик йўналиши талабаларига етарлича батафсил ёритиб беришмайди, бу намунавий фан дастурида ўз аксини топганки яъни фан дастурида ушбу тил сатҳларига жуда кам урғу берганлар аксинча коммуникатив компетенцияни шакллантиришга эътибор берилган, бу эса ўз-ўзидан талабаларнинг умумий инглиз тилини(GeneralEnglish) ўзлаштириб кетишларига тўсқинлик қилади. Жавоблар кўрсаткичи қуйидагилардан иборат бўлди:

1) «Амалий инглиз тили» фани дарсларида ўқитувчилар етакчи ўрин тутди: $\frac{165}{225}$ нафар;

2) «Амалий инглиз тили» фани дарсларида ўқитувчилар етакчи ўрин тутмайди: $\frac{230}{180}$ нафар;

3) аниқ жавоб бера олмайман: $\frac{45}{35}$ нафар.

«Шахсан Сиз виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантиришда етарли даражада фаоллик кўрсатаяпман, деб ҳисоблайсизми?» деган саволга респондент-талабаларнинг жавоблари қуйидагича бўлди:

1) етарли даражада фаоллик кўрсатаман: $\frac{300}{210}$ нафар;

2) маълум даражада фаоллик кўрсатаман: $\frac{120}{215}$ нафар;

3) мутлақо фаоллик кўрсатмайман: $\frac{20}{15}$ нафар.

Сўнги саволга жавоб берган респондент-талабаларнинг кўпчилиги виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантиришда айрим муаммолар мавжудлигини таъкидлашган. Мазкур жавоблар моҳияти қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади.

1) «Амалий инглиз тили» фанини ўрганиш жараёнида муайян муаммолар мавжуд: $\frac{320}{250}$ нафар;

2) Мазкур фанни ўрганиш жараёнида муаммолар мавжуд эмас: $\frac{100}{170}$

3) аниқ айта олмайман: $\frac{20}{20}$ нафар;

Респондент-талабаларнинг анкета сўрови саволлари бўйича берган жавобларидан англанадики, айти вақтда олий таълимда виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантириш йўлида маълум тўсиқлар мавжуд. Ушбу тўсиқларнинг бартараф этилиш талабаларнинг фаоллигини юзага келтиришга эришиш билан боғлиқ.

Олий таълимда амалий инглиз тили дарсларида виртуал технологияларни қўллаган ҳолда лингвистик компетентликни шакллантириш мазмунига қаратилган таълимни ташкил этишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш аксарият «Амалий инглиз тили» фани ўқитувчиларида педагогик технологиялар, уларнинг моҳияти ва амалиётда қўллаш борасидаги назарий билим ҳамда амалий кўникма, малакаларнинг шаклланмаганлиги виртуал таълим самарадорлигини таъминлашга имкон бермайди.

Ушбу ҳолатга ёрдам бериш ўз навбатида Хорижий тил фани ўқитувчиларига хорижий тилни ўқитиш жараёнига виртуал технологияларнинг татбиқ этилиши юзасидан методик ёрдамнинг кўрсатилиши ҳозирги замоннинг муҳим талабларидан бири саналади.

Тажриба синов ишлари қуйидаги уч босқичда амалга ошириш режалаштирилган бўлиб шакллантирувчи тажриба босқичи (2018-2019 йиллар)да виртуал технологиялар асосида талабаларининг лингвистик компетентликни шакллангалик даражасини аниқлаш учун қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- тадқиқотнинг асосий йўналиши аниқлаб олинди;
- муаммонинг назарий ва амалиётдаги ҳолати ўрганилиб, таҳлил қилинди;
- ушбу йўналишда «Хорижий тил» фанини ўқитишда виртуал технологиялардан фойдаланиш ҳолати таҳлил этилди;
- Тажриба-синов ишларини ўтказиш режалаштирилган олий таълим муассасаларидаги «Бошланғич таълим» кафедраларининг моддий-техник

базаси, ўқув-услубий асос ва шарт-шароитлар мавжудлиги ўрганилиб чиқилди;

– Тажриба-синов ишларини ўтказишда учун зарур бўлган материаллар тайёрланди;

Тажриба синов ишлари объекти билан боғлиқ бўлган ҳолатлар тажриба-синов ишларини асословчи босқичда ўрганилиб чиқилди. Бу жараёни ифодаловчи саволлар, тестлар тузилиб, улар билан олий таълим муассасаларидаги бошланғич таълим кафедраларидаги, иккинчи, учинчи, тўртинчи курс талабалари билан сўровномалар (тест ва анкеталар) ўтказилиб натижалари таҳлил қилинди.

Тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун 2018-2019 йиллар мобайнида Гулистон давлат университети, Термиз давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтларидан, «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» бакалавр таълим йўналиши 2,3,4, босқич талабалари орасида 360 нафаридан анкета ва тест синовлари ўтказиб борилди. Тажриба майдонларидан синов ишларига жами 720 нафар талабалар респондент сифатида қабул қилиндилар. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан тавсия этилаётган методиканинг самардорлигини холис баҳолаш мақсадида тажриба майдонлари бўлган олий таълим муассасаларидан жами 6 нафар (2018-2019 йилларда) инглиз тили ўқитувчилар ҳам жалб қилиндилар (1.1-жадвал).

Тажриба гуруҳларида машғулотлар тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган виртуал технология асосида, назорат гуруҳларида эса анъанавий услубда амалга оширилди.

Шакллантирувчи тажриба босқичи (2020-2021 йиллар)да олий таълим муассасалари талабаларнинг инглиз тилини виртуал технологиялар ёрдамида ўрганишга оид назарий ҳамда амалий билим ва кўникмаларининг самардорлигини ошириш даражалари аниқланди, яъни, қуйидаги ишлар амалга оширилди, шунингдек тажриба-синов ишларининг иккинчи босқичда аниқланган камчиликларга тузатишлар киритилди;

– ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларига асосланган ҳолда илмий-услубий хулосалар чиқарилди ва расмийлаштирилди ҳамда тадқиқот натижаларини илмий – услубий асослашда тадқиқот натижалари ишнинг илмий фарази ва мақсад вазифалари билан нечоғлиқ муштараклигига эътибор берилди;

– тадқиқот ишларининг асосий қисмларидан бири бўлмиш Quizziz.com веб саҳифасига «Электрон ўқув қўлланма» доимо назоратда бўлди ва электрон тизимнинг талабалар электрон ўқув қўлланмани қўллаш орқали ўз – ўзини назорат қилиши ва ўз билимларини баҳолашни ҳам ўргандилар;

– тадқиқот давомида тўпланган барча маълумотлар математик статистик методлардан фойдаланган ҳолда баҳоланиб, унинг ишончли эканлиги асосланди ва услубий кўрсатмалардан ўқув жараёнига жорий этишга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун 2018-2021 йиллар мобайнида ГулДУ, ТерДУ ва Нукус ДПИ, «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» бакалавр таълим йўналиши 2,3,4, босқич талабалари орасида 360 нафаридан анкета ва тест синовлари ўтказиб борилди. Тажриба майдонларидан синов ишларига жами 720 нафар талабалар респондент сифатида қабул қилинди. Шунингдек, тадқиқотчи томонидан тавсия этилаётган методиканинг самардорлигини холис баҳолаш мақсадида тажриба майдонлари бўлган олий таълим муассасаларидан жами 12 нафар инглиз тили ўқитувчилар ҳам жалб қилинди (II–боб 2.5-жадвал).

Тажриба гуруҳларида машғулотлар тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган янги педагогик технология асосида, назорат гуруҳларида эса анъанавий услубда амалга оширилди.

Тажриба-синов ишлари жараёнида тавсия этилаётган технология бўйича тадқиқотчи ва юқорида баён этилган ОТМ ларининг тегишли чет тиллар кафедралари мутахассислари иш олиб бордилар.

3.2. Тажриба-синов ишларининг натижаси ва уларнинг самарадорлиги

Юқоридаги фикрларни аниқ мисолларда кўрсатиш мақсадида «Амалий инглиз тили» фанининг амалий машғулоти бўйича яратилган ўқув услубий қўлланма ва электрон ўқув қўлланма асосида ўрганиш методикаси ёритилади.

1-мисол: Бу машғулот бўйича анъанавий методикада ўқитувчилар ўқув материални баён этувчи кўргазмали қуроллар ва плакатлар ёрдамида тушунтиради. Биз ишлаб чиққан услубий қўлланма асосида дарс ўтиш методикасида, амалий машғулоти компьютер технологиялари ёрдамида намойиш этиш, инглиз тилидаги лингвистик тил стаҳларига оид мавзуларини виртуал реаллик асосида On-line курс мультимедиа воситалардан фойдаланган ҳолда машғулоти олиб бориш имкониятини ҳам беради. Бу эса ўқитувчиларга қисқа вақтда кенг қамровли тингловчилар аудиториясини жалб қилиш имконияти беради. Виртуал технологияларда ёрдамида ўқитувчилар видеоконференция, ижтимоий тармоқ ва дискуссион форумлар каби воситалардан фойдаланган ҳолда таълим самарадорлигини ошириши анаънавий ўқитиш усулларида эса амалий машғулоти дарс учун ажратилган вақт оралиғида бир гуруҳ талабалар билан ўзаро фаол ҳамкорликда ишлаши мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, компьютер технологиялари ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантиришда бир қатор лингвистик мавзулар тилининг аспектлари кетма-кетлигини (Phonetic- Lexicology - Grammar) ўрганиш лозим. Бу методикада ушбу жараён компьютер технологиялари ёрдамида кўрсатилиб, тушунтирилиб борилади ва шу тарзда ўқитишни кўргазмалилик принципига таянган ҳолда талабаларда онгли равишда амалий жиҳатдан материалларини ўзлаштириши таъминланади. Натижада талабаларда ушбу машғулоти мазмунини тушунишга ва бу тушунча кўникмага айлана боришига замин яратилади. Талабаларнинг ушбу

машғулот бўйича компьютерда мустақил шуғулланиши улардаги кўникмаларини малака даражасига етказишга имкон беради.

Шунингдек, «Амалий инглиз тили» фанининг амалий машғулотларини LMS таълимни бошқариш тизими орқали лингвистикага оид онлайн курсларни бошқариш ёрдамида таълим бериш шакли мазмунини осон ўзлаштиришга ва амалий машғулотларда талабаларни мустақил ишлаш кўникмасини шакллантириш имкониятини беради.

Тажриба синов ишларини ташкил қилишда қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг билим даражасини уларнинг келажакдаги фаолиятни эътиборга олган ҳолда аниқлаш вазифаси қўйилган эди[103].

Тажриба синов ишини мақсади электрон ўқув қўлланмани педагогик технологияни таълим жараёни амалиётга жорий этиш йўлларини аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Ушбу ўринда асословчи ва таъкидловчи тажриба синов иши жараёнида нофилологик таълим йўналши талабаларнинг виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентлигини шакллантиришга оид билим, кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражасини аниқлашга қаратилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларида таълим жараёнининг фарқи шундан иборатки, назорат гуруҳида талабалар билан машғулотлар анъанавий методлар ёрдамида олиб борилди, тажриба гуруҳида эса тадқиқотчи томонидан таклиф қилинган компьютер учун тайёрланган мулоқотли дастурлар воситасида таълим берилди. Унинг мазмуни бугунги кунда тобора оммалашиб бораётган ва таълим жараёнида муваффақиятли қўлланилиб келинаётган электрон ўқув қўлланманинг таълим жараёни амалиётга жорий этиш йўлларини аниқлаш ҳамда таълим амалиётида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим педагогик зарурият эканлигини талабалар онгига сингдиришдан иборат.

Тадқиқот даврида илғор педагогик технологияларнинг имкониятларига таянган ҳолда талабаларда лингвистик компетентликнинг амалий кўникма ва

малакаларни бойитиш, шунингдек, уларда лингвистик компетентликни шакллантиришга имкон берувчи топшириқлар тизими ишлаб чиқилди.

Мазкур бобда асосан олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналиши талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришда виртуал технологиялардан самарали фойдаланиш имкониятлари алоҳида ўрганилган ҳолда самарадорлик даражаси амалий жиҳатдан исботланди.

Бунинг учун дастлаб талабаларнинг талаб ва эҳтиёжларига биноан муаммоли вазиятлардан фойдаланиб, ўқув материалларини янада бойитиш, компьютер ва ижтимоий тармоқлардан мақсадли фойдаланган ҳолда эркин ижодий фикрлашга қаратилган зарур шароитлар яратилди.

Таълим-тарбия, шунингдек, бўлажак мутахассисларни яъни нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг лингвистик компетентлигини шакллантиришда замонавий ўқув воситалари ёрдамида рақобатбардош қилиб таёрлашдек томонларини эътиборга олган ҳолда, унинг мазмуни ва моҳиятига ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этиш учун муаммо ечимини топишга «Тизимли ёндашув» тадқиқот усули қўлланилди.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш, уларнинг самарадорлигини баҳолашни эътиборга олган ҳолда, Тажриба-синов ишларида қатнашаётган респондент-талабалар назорат ва тажриба гуруҳларига бўлинди.

Нazorat ва тажриба-синов гуруҳларининг натижалари мунтазам равишда таҳлил этиб борилди ва уларни ўзаро таққослаб, тегишли хулосалар чиқарилди, ҳамда лозим топилганда айрим тузатишлар қилинди.

Талабаларнинг билим ҳамда касбий фаолиятга бўлган мойилликлари даражаси амалий муаммоларни мустақил ҳолда ижодий ечимини топишларида, ўрганилаётган манба (мавзу, фан, жараён, ҳодиса) нинг аҳамиятини илмий англаб, мақбул равишда талабалар интеллектуал мулкига айлантириши орқали аниқланади. Талабаларда шаклланган билим, кўникма ва малакаларни баҳолашда онгли ўзгартириш, билимларни давлат таълим стандартлари доирасида тизимлилигини ва улардан ижодий фойдаланиш

қобилияти каби мезон сифатида фойдаланилди. Бунинг учун дастлабки ва сўнгги синов натижаларидан фойдаланилди.

«Амалий инглиз тили» фанида талабаларда лингвистик компетентликни шаклланишида виртуал технологиялардан самарали фойдаланиш ижобий натижаларга эришишни кафолатлаш билан бирга талабаларда қуйидаги малакаларни шакллантирди:

– мазкур технология анъанавий ўқитиш технологиясидан кескин фарқ қилиб, унинг ёрдамида ўрганилаётган мавзу бўйича кўпроқ, чуқур, батафсил маълумотга эга бўлиши мумкин; зеро, мазкур технология тез, аниқ, қизиқарли ва яқуний натижага (босқичга) оптимал эришини кафолатлайди;

– ишлаб чиқилган компьютер анимацион дастури универсал дидактик восита бўлиб, ундан фойдаланган ҳолда ўқитишни бошқариш алгоритмини амалга ошириш мумкинлигини таъминлайди.

2020-2021 йилларни қамраб олган таъкидловчи тажриба-синов ишлари мобайнида тадқиқот доираси билан қамраб олинган талаба-ёшларни лингвистиканинг тил сатҳларига (фонетика , лексика, грамматика)га оид кўникма ва малакаларини шакллантириш даражаси сезиларли даражада ўсганлигини кўриш мумкин. Мазкур ҳолатни Республикамаиша таълим сифатини оширишга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг самараси сифатида қараш мумкин. Бироқ аниқ мақсадга йўналтирилган педагогик технологиянинг мавжуд бўлмаганлиги бу даврларда ҳам қоиқарли кўрсаткичларга эришиш имкониятини бермас эди.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишларини амалга ошириш жараёнида (2020-2021 йиллар) талабаларда виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни яъни фонетик , лексик , грамматик билимларини шакллантиришда виртуал технологиянинг ажраламас қисми LMS таълимни бошқариш тизими асосида ўзлаштиришларида бир мунча юқори натижалар қўлга киритилганлигини қайд қилиш мумкин. Бу ҳолат «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган тадбирларнинг амалиётда ўз аксини топаётганлиги ҳамда ДТСларнинг жорий этилиши самараси сифатида

қаралиши мумкин. Бироқ уларнинг эҳтиёжини тўла қондирадиган билим манбалари: ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва электрон ахборот манбалари ҳам етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли, биз амалга оширган тадқиқотларимиз бу йўналишда юзага келган табиий илмий-амалий эҳтиёжларга асосланади.

Ҳисоблаш натижасида тажриба гуруҳларидаги ўртача балнинг юқори эканлигини кўрсатди, бу эса амалга оширилган мустақил таълим методининг самарали эканлигини тасдиқлайди.

Ишлаб чиқилган таълим технологияси самарадорлигини аниқлаш. Дарсларни тавсия этилаётган технология асосида ташкил қилиш натижаларини ўрганиш учун махсус тест ва анкета саволлари ишлаб чиқилди. Дидактик назорат воситалардан фойдаланган ҳолда тавсия этилган методика асосида таълим олган нофилологик таълим йўналишлари талабаларнинг билимлари уларнинг замонавий ахборот технологиясидан самарали фойдалана олиш кўникма ҳамда малакага эгаликлари ўрганилди. Анкета сўрови натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун «Microsoft Excel» электрон жадвали имкониятидан фойдаланилди

Тадқиқот даврида таълим жараёнида замонавий виртуал технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсия этилган методиканинг амалиётга мослигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Олий таълим муассасаси ҳужжатлари (жумладан, гуруҳ журналлари, назорат ишлари ҳамда якуний аттестация натижаларини ёритувчи далолатномалар)ни ўрганиш, талабаларнинг фаолиятларини бевосита кузатиш ҳамда улар билан фаол мулоқотда бўлиш асосида тадқиқотчи томонидан технологик ёндашув асосида ишлаб чиқилган амалий ўргатувчи электрон дастурларнинг «Амалий инглиз тили» фанини ўқитишда самарали эканлигини аниқланди. Хулосанинг қай даражада асосли эканлигини тажриба гуруҳлари талабалари томонидан қайд этилган кўрсаткичлардан ҳам англаш мумкин. Қуйидаги тажриба боши ва якунида назорат ва тажриба гуруҳлари респондент-талабаларининг «Амалий инглиз

тили» фани бўйича ўзлаштирган назарий ва амалий билимларининг динамик ўзгариши тўғрисида сўз юритилади.

Тажриба синов ишларида респондент-талабаларда «Амалий инглиз тили» фани амалий машғулотида лингвистик компетентлигини шаклландириш даражасини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилардир:

1. Талабаларда лингвистик компетентликнинг лексик, грамматик, семантик, фонологик, имло ва орфоэпик компонентлари бўйича назарий билимларнинг ўзлаштирилганлиги.

2. Фан бўйича назарий билимларни ўзлаштиришда ахборот технологиялар хизматидан фойдалана олиш малакасига эгаллик.

3. «Амалий инглиз тили» фани бўйича виртуал технологияларидан лингвистик билимларга таълуқли машқларни бажара олиш малакаларининг ўзлаштирилганлиги.

4. Фан бўйича ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга татбиқ эта олиш малакасига эгаллик.

Таъкидланган мезон ва кўрсаткичлар асосида нофилологик йўналиш талабаларининг лингвистик компетентлигининг шаклландирилганлиги даражалари тавсифланган: юқори, ўрта, қуйи.

1. Юқори даража – «Амалий инглиз тили» фани доирасида нофилологик таълим йўналишларида лингвистик компетентликни лексик, грамматик, семантик, фонологик, имло ва орфоэпик лари пухта ўзлаштирилган; фан бўйича назарий билимларни ўзлаштиришда виртуал технологиялар хизматидан фойдалана олиш малакаси яққол намоён этилади; «Амалий инглиз тили» фани бўйича виртуал технологиялари муҳитида амалий машқларни етарлича бажара олади; фан бўйича ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга татбиқ эта олиш малакаси намоён бўлади.

2. Ўрта даража - Фан доирасида нофилологик таълим йўналишларида лингвистик компетентликни таркибий қисмлари бўйича назарий билимлар муайян даражада ўзлаштирилган; фан бўйича назарий билимларни

Ўзлаштиришда виртуал технологиялари хизматидан фойдалана олиш малакаси қисман намоён бўлади; Виртуал технологиялари ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантиришга доир амалий машқларни «Амалий инглиз тили» фани машғулотида маълум даражада бажаради ва ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллаш малакаси қисман намоён бўлади.

3. Паст даража – «Амалий инглиз тили» фани бўйича назарий билимлар мутлақо ўзлаштирилган; фан бўйича назарий билимларни ўзлаштиришда виртуал технологиялар хизматидан фойдалана олиш ва ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга татбиқ эта олиш малакаси намоён бўлади; «Амалий инглиз тили» фани бўйича виртуал технологияларида амалий машқларни бажара олмайди.

Асословчи тажриба даврида талабаларнинг «Амалий инглиз тили» фанида виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни яъни фонетик, лексик, грамматик билимларини шакллантиришда виртуал технологиянинг ажралмас қисми LMS таълимни бошқариш тизими ёрдамида ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида уларнинг эътиборларига тест топшириғи ҳавола қилинганда, улар томонидан қайд этилган жавоб кўрсаткичларига кўра ҳар икки гуруҳда деярли бир ҳолат кузатилди:

3.8-жадвал

Респондент-талабаларнинг «Амалий инглиз тили» фанида виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантириш бўйича ўзлаштирган назарий билимлари даражаси (асословчи тажриба)

Гуруҳлар	Талабалар сони	Кўрсаткичлар даражаси		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	360	80	138	142
Назорат	360	85	136	139

Маълумки, шахс томонидан ўзлаштирилган назарий билимларнинг самараси уларни амалиётга бевосита татбиқ эта олишда кўринади. Шу

сабабли тажриба-синов ишлари даврида респондент-талабаларнинг лингвистик компетенлигини шакллантиришда қўлланилган мавжуд амалий билим ва кўникмаларини амалиётда қўллай имкониятлари ўрганилди. Ана шу мақсадда талабаларга қуйидаги амалий топшириқлар берилди:

1. Шабли ва маъноси она тили ҳамда инглиз тилида ўхшаш сўзларни айтинг?(лексик) (table-табель)
2. «Can» модал феълининг ишлатилишини тушунтиринг? (грамматик).
3. Сўзлар ва морфемаларни ўзаро фаркларга хизмат қилувчи энг кичик тил бирлигига мисол келтиринг? (фонологик)
4. Инглиз тилидаги товушларини тўғри талафуз қилишда интонациянинг ўрни қандай ?

Мазкур топшириқлар респондент-талабалар томонидан бажарилганда тажриба ва назорат гуруҳларида у қадар сезиларли фарқлар кўзга ташланмади. Буни қуйидаги жадвал кўрсаткичларидан ҳам англаш мумкин (3.9-жадвал):


3.9-жадвал

Респондент-талабаларнинг «Амалий инглиз тили « фани бўйича ўзлаштирган амалий малакалари даражаси (асословчи тажриба)

Гуруҳлар	Талабалар сони	Кўрсаткичлар даражаси		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	360	71	145	144
Назорат	360	73	142	145

Ҳар икки жадвалларнинг кўрсаткичлари ҳам тажрибадан сўнг тажриба гуруҳларида ҳолатнинг ўзгарганлигини, назорат гуруҳларида эса ўзгаришсиз қолганлиги ифодалади. 3.10-жадвал кўрсаткичларига мувофиқ ҳосил қилинган қуйидаги диаграмма тажриба ва назорат гуруҳлари респондент-талабаларининг лингвистик компетентликларини шакллантиришда виртуал технологиялари ёрдамида ўзлаштириш малакаларига эгаликларини ифодаловчи кўрсаткичларни ўзаро солиштиришга имкон яратади (3.1-диаграмма).

Тажриба ва назорат гуруҳлари респондент-талабалари кўрсаткичларини диаграммада ифодаланиши



3.1-диаграмма. Респондент-талабаларнинг «Амалий инглиз тили» фанида лингвистик компетентликни шакллантириш бўйича ўзлаштирган малака кўрсаткичлари

Диаграмма кўрсаткичлари талабаларнинг виртуал технология ёрдамида лингвистик компетентлигини ишакллантиришда назарий ва амалий билимларни ўзлаштириш даражаси қониқарли эмаслигидан далолат беради. Бу каби салбий ҳолатга барҳам бериш ва талабаларда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида касбий билимларни ўзлаштиришларига имконият яратиш мақсадида шакллантирувчи тажриба даврида махсус методика бевосита амалиётда синовдан ўтказилди.

Тажриба гуруҳларида махсус методика қўлланилган бўлса, назорат гуруҳларида амалдаги дастур ёрдамида машғулотлар олиб борилди. Методиканинг самарадорлик даражаси таъкидловчи тажриба даврида ҳар икки гуруҳ талабалари томонидан қайд этилган кўрсаткичларни ўзаро қиёсий ўрганиш орқали баҳолаш тўғри деб топилди. Шу мақсадда асословчи тажриба чоғида бўлгани каби респондент-талабалар ўртасида тест ва амалий топшириқлар қайта бажарилди. Натижада қуйидаги кўрсаткичлар қўлга киритилди (3.10- ва 3.11-жадвал):

3.10-жадвал

Респондент-талабаларнинг виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентлигини шакллантиришда ўзлаштирган назарий билимлари даражаси (таъкидловчи тажриба)

Гуруҳлар	Талабалар Сони	Кўрсаткичлар даражаси		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	360	95	145	120
Назорат	360	85	120	155

3.11-жадвал

Респондент-талабаларнинг виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентлигини шакллантиришда ўзлаштирган амалий малакалари даражаси (таъкидловчи тажриба)

Гуруҳлар	Талабалар Сони	Кўрсаткичлар даражаси		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	360	84	181	95
Назорат	360	72	171	117

Тажриба боши ва якунида қўлга киритилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқни яққол ифодалаш мақсадида қуйидаги жадвал шакллантирилди:

3.12-жадвал

Респондент -талабаларнинг виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентлигини шакллантиришда ўзлаштирган назарий билим ва амалий малакаларининг динамик ўсиши (асословчи ва таъкидловчи тажрибалар)

Гуруҳлар даражалар Босқичлар	Тажриба-синов гуруҳлари $n_2 = 360$ нафар			Назорат гуруҳлари $n_1 = 360$ нафар		
	Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
Назарий билимлар даражаси						
Асословчи тажриба	90	138	132	80	146	134
Таъкидловчи тажриба	95	145	120	85	120	155
Амалий малакалар даражаси						
Асословчи тажриба	85	145	130	73	142	145
Таъкидловчи тажриба	84	181	95	72	171	117

Тажриба-синов ишларига жалб этилган респондент-талабаларнинг лингвистик компетентлигини шаклланганлик даражаси жадвал кўрсаткичлари математик-статистик методи ёрдамида таҳлил қилинди. Статистик таҳлил учун Стьюдент-Фишер критерияси танланди. Методика

самарадорлигини объектив баҳолаш учун таъкидловчи тажриба натижаларини ифодаловчи сон кўрсаткичларини математик-статистик метод бўйича таҳлил этиш тўғри деб топилди. Стьюдент-Фишер критерияси гоёсига таянган ҳолда асосий формулага солиш учун респондент-талабаларнинг даврида қайд этилган бошланғич лингвистик компетентлик даражасини ифодаловчи малака (3.12-жадвал) кўрсаткичлари қабул қилинди.

Стьюдент-Фишер критерияси моҳиятига кўра тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган натижалар тегишли равишда 1- ва 2-танланмалар дея қабул қилинади. Ҳар икки танланма кўрсаткичларига мувофиқ вариацион каторлар ҳосил қилинади(3.13-жадвал):


3.13-жадвал

Танланмаларнинг даража кўрсаткичлари (таъкидловчи тажриба)

Гуруҳлар	Танланмалар	Респондентлар сони	Даража кўрсаткичлари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	1-танланма X_i	$n_1 = 360$	90	163	107
Назорат гуруҳи	2-танланма Y_j	$n = 360$	78	145	137

Навбатдаги босқичда мазкур танланмаларга мос келувчи

3.2-диаграммани шакллантирилади:



3.2-диаграмма. Респондент-талабаларнинг виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентлигини шакллантиришда ўзлаштирган малака кўрсаткичлари (шакллантирувчи тажриба)

Диаграмма графиклари тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланмаларнинг модал қийматлари математик нуқтаи назардан тегишли равишда $M_T > M_H$ ва $X > Y$ бўлиши талаб этилади. Яъни тажриба ва назорат гуруҳларида қўлга киритилган натижалар бир-биридан сезиларли равишда фарқ қилиши, тажриба гуруҳларида муқобил гуруҳларга нисбатан юқори натижалар қайд этилган бўлиши лозим. Ҳар икки гуруҳ кўрсаткичлари қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{360} (90 \cdot 5 + 163 \cdot 4 + 107 \cdot 3) = \frac{1}{360} (450 + 652 + 321) = \frac{1423}{360} = 4$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{360} (78 \cdot 5 + 145 \cdot 4 + 137 \cdot 3) = \frac{1}{360} (390 + 580 + 411) = \frac{1381}{360} = 3,8$$

Демак, тажриба гуруҳларида респондент-талабаларнинг лингвистик компетентлик бўйича амалий малакалари даражаси назорат гуруҳларига нисбатан юқори, яъни $X > Y$ га тенг экан.

Танланган метод ғоясига кўра тажриба ва назорат гуруҳларида кўрсаткичлар $X > Y$ га тенг бўлса, у ҳолда олиб борилган тажриба-синов ишлари самарали яқунланган ҳисобланади. Натижаларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш учун тажриба ва назорат гуруҳлари учун тарқоқлик коэффицентларини топиш талаб этилади. Бунинг учун, аввало, танланма дисперциялари аниқлаб олинади:

$$D_m = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (x_i - \bar{x})^2 / (n-1) = \frac{90 \cdot (5-4)^2 + 163 \cdot (4-4)^2 + 107 \cdot (3-4,3)^2}{360} =$$

$$= \frac{90 \cdot 1 + 163 \cdot 0 + 107 \cdot 1}{360} = \frac{90 + 0 + 107}{360} = \frac{197}{360} \approx 0,54$$

$$D_u = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (y_i - \bar{y})^2 / (n-1) = \frac{78 \cdot (5-3,8)^2 + 145 \cdot (4-3,8)^2 + 137 \cdot (3-3,8)^2}{360} =$$

$$= \frac{78 \cdot 1,44 + 145 \cdot 0,04 + 137 \cdot 0,64}{360} = \frac{12,32 + 5,8 + 87,68}{360} = \frac{105,8}{360} \approx 0,29$$

Ҳосил бўлган қийматлар ўртача квадрат четланишларни топишга ёрдам беради:

$$\tau_m = \sqrt{0,54} \approx 0,63 \quad \tau_n = \sqrt{0,29} \approx 0,53$$

Ўртача квадрат четланишларнинг қийматлари асосида эса тажриба ва назорат гуруҳлари учун вариация кўрсаткичлари аниқланди:

$$\delta_m = \frac{\tau_m}{X} = \frac{0,63}{4} \approx 0,16 \quad \delta_n = \frac{\tau_n}{Y} = \frac{0,53}{3,8} \approx 0,14$$

Агар статистик ҳолатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha=0,05$ деб қабул қилинса, у ҳолда Лаплас функцияси жадвали бўйича статистик таҳлил учун критик нуқта ($t_{кр}$) аниқланиши лозим. Критик нуқта ($t_{кр}$) 1,67 га тенг бўлиб, у

$$\Phi(t_{кр}) = \frac{1 - 2\alpha}{2} = \frac{1 - 2 \cdot 0,05}{2} = \frac{0,9}{2} = 0,45$$

тенгликдан аниқланади. Критик нуқтанинг қийматига таянган ҳолда тажриба-синов ишлари натижаларини баҳолашнинг ишончли четланишлари топилади. Ана шу мақсадга хизмат қилувчи формула ёрдамида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилганда ҳар икки гуруҳда қуйидаги қийматларга эга бўлинди:

Тажриба гуруҳларида

$$\Delta_m = t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,16}{\sqrt{360}} = 1,67 \cdot \frac{0,16}{19} = \frac{0,2672}{19} \approx 0,01$$

Нazorat гуруҳларида

$$\Delta_k = t_\gamma \cdot \frac{D_k}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,14}{\sqrt{360}} = 1,67 \cdot \frac{0,14}{19} = \frac{0,2338}{14} \approx 0,02$$

Қўлга киритилган қийматлар ёрдамида тажриба ва назорат гуруҳлари учун ишончли интерваллар топилди. Тажриба гуруҳлари учун ишончли интервал қуйидагига тенг:

$$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}}$$


$$4 - 0,01 \leq a_x \leq 4 + 0,01 \quad 3,99 \leq a_x \leq 4,01$$

Умумий ёндашувга кўра назорат гуруҳлари учун ҳам ишончли интервал топилди:

$$\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$3,8 - 0,02 \leq a_y \leq 3,8 + 0,02 \quad 3,78 \leq a_y \leq 3,82$$

Ҳосил бўлган қийматлар қуйидаги геометрик тасвирни ифодалашга ёрдам беради:



$\alpha=0,05$ қийматдорлик даражасига кўра ҳосил қилинган геометрик тасвир тажриба гуруҳларида респондент-талабаларнинг виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантириш бўйича амалий малакаларга эгалликларини ифодаловчи кўрсаткичлари назорат гуруҳлари талабаларининг кўрсаткичларига қараганда юқори. Ҳар икки гуруҳ натижаларига мувофиқ ҳосил бўлган оралиқ интерваллар устма-уст тушмайди.

Танланган метод моҳиятига кўра математик-статистик таҳлил якунида тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари топилади:

Бизга маълумки, $\bar{X}=4$; $\bar{Y}=3,8$; $\Delta_m = 0,01$; $\Delta_n = 0,02$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{y\bar{c}\bar{o}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4 - 0,01}{3,8 + 0,02} = \frac{3,99}{3,78} = 1,05 > 1;$$

$$K_{\bar{o}\bar{o}\bar{b}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4 - 0,01) - (3,8 - 0,02) = 3,99 - 3,78 = 0,21 > 0;$$

Ҳосил бўлган кўрсаткичлар тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражасини баҳоловчи мезоннинг бирдан, тажриба гуруҳлари респондент-талабаларининг виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантириш бўйича виртуал малакаларга эгалликларини кўрсаткичларини баҳоловчи мезоннинг нолдан катталигини кўрсатади. Худи мана шу ҳолат

тажриба гуруҳларида қайд этилган натижаларнинг назорат гуруҳи натижаларидан юқори эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шундай қилиб, олий таълим муассасалари нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг лингвистик компетентликни шакллантириш бўйича амалга оширилган тажриба-синов ишлари самарали ташкил этилди.

III боб бўйича хулосалар

1.Олий таълим тизимидаги амалдаги ахборотлашган таълим муҳитининг алоҳида ахборот тизим, маълумотлар банклари, педагог ва талабаларнинг веб-сайтлари, ахборот ресурс марказлари, электрон ахборот-таълим ресурслари, виртуал лабораториялар, медиа ва видеодарслар, электрон ҳужжатлар алмашинув тизими, видеоконференция алоқалари, интранет тармоғидаги он-лайн танловлар тизимидаги барча иштирокчиларни фаол фойдаланувчиларга айланишига, виртуал технологияларини ўқув-тарбия жараёнига кенг жорий этилишига хизмат қилади.

2.Нофилологик таълим йўналишлари талабаларида виртуал технологиялар ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантиришнинг амалиётга кенг татбиқ этиш АКТ мутахассиси ва инглиз тили фанидан ўқув машғулотлари олиб боровчи педагоглар ўртасида ўзаро ижодий ҳамкорликнинг ўрнатилиши ҳисобига таъминланади. Ушбу ҳамкорликни таъминловчи восита эса виртуал технологиялар ва лингвистик компетентликнинг моҳияти, тамойиллари, амалиётга татбиқ эта олиш шартлари, босқичлари ва ҳоказо жиҳатлари борасида тўлақонли маълумот бера олувчи манбалар бўлиши керак.

3.Олий таълимда амалий инглиз тили дарсларида виртуал технологияларни қўллаган ҳолда лингвистик компетентликни шакллантириш мазмунига қаратилган таълимни ташкил этишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш натижамида маълум бўлдики , аксарият «Амалий инглиз тили» фани ўқитувчиларида педагогик технологиялар, уларнинг моҳияти ва амалиётда

қўллаш борасидаги назарий билим ҳамда амалий кўникма, малакаларнинг шаклланмаганлиги виртуал таълим самарадорлигини таъминлашга имкон бермайди.

4. Ушбу ҳолатга ёрдам бериш ўз навбатида «Амалий инглиз тили» фани ўқитувчилари ўртасида педагогик технология назарияси ва унинг асослари хусусидаги билимларнинг тарғиб этилиши, шунингдек, уларга таълим жараёнига виртуал технологияларнинг татбиқ этилиши юзасидан методик ёрдамнинг кўрсатилиши ҳозирги замоннинг муҳим талабларидан бири саналади.

5. «Амалий инглиз тили» фанининг амалий машғулоти бўйича яратилган ўқув услубий қўлланма ва электрон ўқув қўлланма асосида нофилологик таълим йўналиши талабаларида лингвистик компетентликни шакллантиришда видеоконференция, ижтимоий тармоқ ва дискуссион форумлар каби воситалардан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга имкон беради.

6. Бундан кўришиб турибдики, компьютер технологиялари ёрдамида лингвистик компетентликни шакллантиришда бир қатор лингвистик мавзулар тилнинг аспектлари кетма-кетлигини (Phonetic- Lexicology - Grammar) ўрганиш лозим. Бу методикада ушбу жараён компьютер технологиялари ёрдамида кўрсатилиб, тушунтирилиб борилади ва шу тарзда ўқитишни кўргазмалилик принципига таянган ҳолда талабаларда онгли равишда амалий жиҳатдан материалларини ўзлаштириши таъминланади. Натижада талабаларда ушбу машғулотни мазмунини тушунишга ва бу тушунча кўникмага айлана боришига замин яратилади. Талабаларнинг ушбу машғулот бўйича компьютерда мустақил шуғулланиши улардаги кўникмаларини малака даражасига етказишга имкон беради.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

«Виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш» мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Замонавий таълим муҳитида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантиришда виртуал технологиялар фойдаланиш масаласи долзарб илмий тадқиқот муаммоси бўлиб, унинг илмий-назарий ва методологик асосларини чуқур ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш, Шарқнинг буюк мутафаккирлари ва қомусий олимлари педагогик қарашлари таҳлили, бутун дунё миқёсидаги таълимни ташкил этиш тажриба ва таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда хулоса ва тавсиялар асосида илгари сурилган назарий ғояларни амалиётга татбиқ этиш замон талабларига мос ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг гаровидир.

2. Мазкур муаммонинг ечимида таълим сифатини таъминлаш ва компетентли ўқитувчи кадрлар тайёрлаш борасидаги халқаро Болонья декларациясига мувофиқ қабул қилинган CEFR (Common European Framework of Reference for Language) Европа стандарти виртуал технологиялар асосида талабаларда лингвистик компетентликни шакллантириш ва баҳолашда муҳим рол ўйнайди.

3. Бошланғич таълим йўналиши талабалари лингвистик компетентлигининг ўзига хос педагогик шарт-шароитлари, педагогик рефлексияси, йўналишлари, маҳорат мезонлари, уларнинг лингвистик компетенциясини намоён этишда, шахсий қобилиятини чархлаб боришида муҳим омил ҳисобланиб, **тизимли ёндашув, интегратив ёндашув, шахсга йўналтирилган ёндашув, гуманистик ёндашув, коммуникатив ёндашув, культурологик ёндашув, муаммоли ёндашув, технологик ёндашув** каби тамойилларга таянилиши замонавий таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этилиши аниқланди.

4.Нофилологик таълим йўналиши талабаларнинг компетенциявий таълимни ташкил этишда **илмийлик, тизимлилик, изчиллик, кўргазмалилик, таълим ва тарбиянинг узвийлиги, онглилик, тушунарлилик, назария ва амалиёт бирлиги, узвийлик каби** таълим тамойилларига таянилди ҳамда талабаларни лингвистик компетентлигини шакллантиришда виртуал видео курслар, виртуал аудитория, электрон услубий қўлланма, оммавий онлайн очик курслар, виртуал дидактик топшириқлар юкланувчи веб сайтларнинг самарадорлиги аниқланган ҳолда, виртуал технологиялар ёрдамида талабаларда лингвистик қобилиятларни (тинглаб тушуниш, ёзиш, ўқиш, гапириш) компетенциялари орқали намоён этишлари муҳим педагогик талаб сифатида лингвистик билимларни ўзлаштириш, етарлича малака ва кўникмаларига эга бўлиш ва амалиётда қўллай олиш белгиланди.

5.Талабаларнинг ўзаро муносабатларга киришиш, бошқариш ва таъсир этиш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ коммуникатив кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлайди. Бу белгилаб қўйилган технологик намуналарга ва интизомга риоя этиш, мулоқот ва унинг турли шакллари, технологияси ва техникаси, самарали мулоқотнинг вербал ва новербал воситаларини билиш ва амалда қўллаш, замонавий психологик тренинглар ташкил этиш, мулоқот соҳасида ўзини -ўзи баҳолай олиш ва ўзини-ўзи такомиллаштириш кўникамаларидир.

6.Нофилологик таълим йўналишлари талабаларининг виртуал таълим ёрдамида инглиз тилида лингвистик компетентлигини шакллантириш жараёнини моделини лойихалаштиришда мазкур тадқиқот жараёни акс эттирган модел мазкур тадқиқотнинг ўзига хослигини акс эттирган ҳамда андоза сифатида барча таълим йўналишларида ушбу моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

7.Талабаларда касбий педагогик фаолиятга оид компетенцияларни

шакллантирувчи шарт-шароитлар (шахсга йўналтирилган интерфаол таълим, ижодий клублар, лойиҳа танловлари, касбий фаолиятга йўналтирувчи тўғараклар) мақсадга эришишни кафолатлайди.

8.Диссертация ишининг назарий қисмида тадқиқот ишининг асоси ҳисобланган мультимедиа технологияси асосида яратиладиган электрон таълим воситаси тушунчалари борасида хорижий, МДХ давлатлари ҳамда республикаимиз олимлари томонидан билдирилган турли фикр ва мулоҳазалар таҳлил қилинди ва муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилди.

9.Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган ҳамда инглиз тили ўқитиш методикаси бўйича ўқув жараёнига татбиқ этилган модел бевосита талабалар томонидан ўзлаштиришлари қийин бўлган ва кўз билан кузатиш имконияти бўлмаган жараёнларни мультимедиа электрон таълимий ресурслар асосида тизимли материаллар тарзида намойиш этиш имконини беради.

10.Яратилган электрон таълимий ўқув дастури воситасида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини янада такомиллаштириш мақсадида олий таълим муассасалари ўқув жараёнида тажриба-синовдан ўтказилди, олинган натижалар таҳлил этилди ва умумлаштирилди.

11.Мультимедиа электрон таълим ресурслардан фойдаланиб ўқитиш бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари шунини кўрсатдики, ўқитишда мультимедиа электрон таълим ресурслардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш ва уни кенг миқёсда татбиқ этиш орқали ўқувчиларда мустақил фаолиятни амалга ошириш, жараёнларни идрок этиш, билим ўзлаштириш даражаси кўрсаткичларининг динамикасига кенг имконият яратилади. Амалга оширилган тажриба-синов ишларининг натижалари, олинган статистик ишланмалар тадқиқот долзарблигини тасдиқлаш имконини берди. Олий таълим муассасаарида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш мультимедиа электрон таълим ресурсларидан фойдаланишнинг

илмий-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги тавсиялар таклиф қилинди:

12. Олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналишида таҳсил олувчи талабаларга умумқасбий фанларни ўқитиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида мультимедиа технологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминоти имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш;

мазкур тадқиқотнинг илмий хулосаларига таянган ҳолда умумқасбий фанлар бўйича ҳам мультимедиа технологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ўқитиш жадаллигини оширувчи ва янги имкониятларга бой дастурий таъминотларни жорий этиш; таълим тизимида янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг инновцион ёндашувлари жорий этиб борилаётган шароитда мультимедиа технологиялар асосида ўқитишнинг дастурий таъминотини жамиятнинг замонавий таълим талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ янада мукамаллаштириш ва уни бошқа умумқасбий фанларда ҳам қўллаш борасида ривожланган давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланишни кенгайтириш лозим.

Олий таълим муассасаларида нофилологик йўналиши талабаларининг лингвистик компетенцияларини шакллантириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги тавсиялар таклиф қилинди:

1) олий таълим муассасаларининг нофилологик таълим йўналишида таҳсил олувчи талабаларга хорижий тилларни ўрганиш жараёни самарадорлигини янада ошириш мақсадида виртуал технологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминоти имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш;

2) мазкур тадқиқотнинг илмий хулосаларига таянган ҳолда инглиз тили фанини ўрганиш бўйича ҳам виртуал технологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ўқитиш жадаллигини оширувчи ва янги имкониятларга бой дастурий таъминотларни жорий этиш;

